

Фахриддин ЁРМАТОВ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ  
ВИЛОЯТЛАРИДА АҲОЛИНИНГ  
ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИ  
(1991-2017 йиллар)**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ФАХРИДДИН ЁРМАТОВ**

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРИДА  
АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИ**

**(1991-2017йиллар)**

CO 629  
**«Сурхон-Нашр»  
нашриёти  
2018**



УЎК: 364(575.1)

КБК: 65.272.(5Ў)

Д 49

Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида аҳолининг ижтимоий ҳимояси. (Монография). Фахриддин Ёрматов — Термиз «Сурхон-Нашр», 2018 й — 152 б.

Мазкур монографияда Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида амалга оширилган ишлар яхлит тадқиқ этилган. Унда илк бор жанубий Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг локаль хусусиятлари илмий таҳлил этилиб, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича эришилган ижобий ютуқлар ва йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳақида кенг қамровли маълумотлар келтирилган.

Монография ижтимоий фанлар мутахассислари, тарих таълим йўналишида таълим олаётган талабалар ва мустақиллик даври тарихи билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Тарих фанлари доктори, профессор Абдухалил Маврулов

Тақризчилар:

Тарих фанлари доктори, профессор

Сайфулло Турсунов

Тарих фанлари номзоди, доцент

Мавлюда Файзуллаева

Тарих фанлари номзоди, доцент

Хусан Холмўминов

Тарих фанлари номзоди

Бурхон Жаҳонгиров

Монография Термиз давлат университети илмий кенгашининг 2016 йил 27 майдаги 10-сонли баённомаси билан маъқулланган ва чоп этишга тавсия қилинган.

ISBN: 978-9943-4979-4-8

© Фахриддин Ёрматов

© «Сурхон-Нашр», 2018

*Ушбу китобимни азиз ва  
мехрибон падари бузрукворим Жойлов  
бобо Ёрматовнинг порлоқ ва ўчмас  
хотирасига бағишлайман.*

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда туб ўзгаришлар содир этилди, амалга оширилаётган ислохотлар ўз натижаларини бермоқда. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётни барқарор ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар жамият фуқаролари томонидан маъқулланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев бу масалага алоҳида тўхталиб, “Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар халқимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бу ўзгаришларнинг дастлабки натижалари аҳолимиз ҳаёти ва кундалик турмушида ўзининг яққол ифодасини топмоқда. Эл-юртимизнинг ижтимоий фаоллиги, эртанги кунга ишончи ўсиб бормоқда”<sup>1</sup>, деган эди. Дарҳақиқат, ижтимоий-маданий фаолият такомиллашиб бормоқда, маънавий-мафкуравий соҳадаги ишлар самарадорлиги пировард натижада шахс тафаккурида ижобий ўзгаришларни содир қилмоқда.

Мустақиллик йилларида ҳаққоний тарихни яратиш, содир бўлган ва бўлаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий воқеа ва ҳодисаларни ҳолисона ўрганиш борасида анча самарали ишлар амалга оширилди. Ўрганилиши, муҳим хулосалар қилиниши лозим бўлган муҳим муаммолардан бири – аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масаласидир.

Маълумки, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш сиёсати мустақилликнинг дастлабки кунлариданок давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эълон қилинди. Мазкур йўналишнинг мақсади, аввало, инсон манфаати, унинг тўлақонли равишда қондирилишига йўналтирилди. Кучли ижтимоий сиёсат, ижтимоий соҳадаги муносабатларни

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрда Олий мажлисга мурожаатномасидан. Сурхон тўғи. 2017 йил 27 декабрь.

тартибга солиш, инсон омилини тўла намоён қилиш, аҳоли учун муносиб турмуш шарт-шароитларини яратиш мамлакат раҳбариятининг стратегик вазифасига айланди.

Аҳолининг кам таъминланган, муҳтож қисмини ижтимоий ҳимоялаш, ногиронлар, пенсионерлар, ёлғиз қариялар, ёш болали аёлларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шубҳасиз, ўз натижасини кўрсатди. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг куйидаги фикрлари ўринлидир: «Ўз-ўзидан равшанки, ижтимоий ҳимоя масаласи — бу фақат давлат ва ҳокимият ташкилотлари, ижтимоий таъминот ва хайрия муассасаларининг иши бўлиб қолмаслиги лозим. “Ижтимоий” деган сўзнинг кўпчиликка, жамоатчиликка мансуб деган маънони ифода этишини инобатга оладиган бўлсак, бу ўта муҳим масала жамиятимизнинг, барчамизнинг бурчимизга айланиши даркор»<sup>2</sup>.

Республикада мустақилликнинг ўтган даврида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш асосан уч йўналишда амалга оширилди. Аввало, нарх-навларнинг эркинлаштирилиши, мулкнинг кадр-сизланиши юзага келди. Бундай шароитда аҳоли даромадларининг энг кам ва ўртача даражаси мунтазам ошириб борилди. Иккинчидан, ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ва нооziқ — овқат моллари асосий турлари истеъмолини муайян даражада сақлаб туриш бўйича кўрилган чора-тадбирлар аҳолини ижтимоий ҳимоялаб турди. Учинчидан, нафақахўрлар, ногиронлар, муҳтожлар, кўп болали oilалар ва кам даромадли oilалар, ишсизларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича чоралар кўрилди.

Бундай ижтимоий сиёсат Ўзбекистон Республикасида ягона концепция, илмий жиҳатдан пухта ишланган режа асосида амалга оширилди. Аммо мамлакатнинг барча ҳудудий бирликлари ўзининг хусусиятлари, фарқли жиҳатларига эга эди. Умуммамлакат миқёсидаги стратегик мақсадга эришишнинг ўзига хос йўллари, усуллари бўлиб, уларни локаль равишда илмий жиҳатдан таҳлил этиш жуда муҳим аҳамият касб этарди.

<sup>2</sup> Каримов И. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш - устувор вазифамиздир. - Тошкент: Ўзбекистон, 2007. - Б. 45.



Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш сиёсати Ўзбекистон Республикасининг жанубий вилоятларида – Сурхондарё ва Қашқадарёда ҳам ўзига хос тарзда амалга оширилди. Умуман, таъкидлаш лозимки, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари 49,7 минг квадрат километр ер майдонига эга бўлиб, бу мамлакат ҳудудининг 11 фоизини ташкил этарди. Ҳар икки вилоят аҳолисининг сони 4 млн. кишидан кўпроқ бўлиб, бу Ўзбекистон барча аҳолисининг 15, 2 фоизига тенг эди<sup>3</sup>.

Худуд ва аҳоли сони жиҳатдан маълум салоҳиятга эга бўлган ушбу вилоятлар мамлакат ҳўжалик комплекси, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий тизимида алоҳида ўринга эга эди. Шунингдек, ушбу вилоятлар ўзининг муайян хусусиятларига эга бўлиб, уларнинг айримлари қуйидагилардан иборат эди:

- аҳолининг табиий ўсиш суръатлари бошқа ҳудудий бирликларга қараганда юқори эди;

- ҳўжалик комплексида қишлоқ ҳўжалигининг саноат соҳасига нисбатан устуворлиги;

- совет давридан мерос бўлиб қолган ҳолат – ижтимоий-маданий инфратузилманинг нисбатан суист ривожланганлиги;

- ҳудуднинг геополитик жойлашувидаги ўзига хослик- Афғонистон ва Тожикистон билан чегараланиш ва унинг ўзига хос қийинчиликлари;

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида мустақиллик йилларида катта ҳажмдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотлар амалга оширилди. Саноат корхоналари, қўшма корхоналар, янги ижтимоий-маданий, майший муассасалар барпо этилди. Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари, иқтисодиётга сармоя киритиш ҳажми ортиб борди. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими шаклланди.

Шу билан бирга воҳада ҳали қатор муаммолар мавжуд. Мамлакат биринчи Президенти И.Каримов бу ҳақда “бу ерда ҳали-бери мавжуд бўлган муаммолар, иқтисодий-ижтимоий соҳада йўл қўйилаётган оксоқликлар, оёғимизга кишан, йўлимизга тўсиқ-ғов бўлиб турган нуқсонлар ҳақида ҳам сўз юритишимиз, уларнинг сабабларини чуқур таҳлил қилиб,

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси.-Тошкент:Ўзбекистон Миллий энциклопедияси,2002.-Б.123-151.

бундай вазиятдан чиқиш йўлини биргаликда излашимиз керак”<sup>4</sup>, деган эди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, кам таъминланган, муҳтож фуқаро, oilаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш концепцияси мустақилликнинг дастлабки йиллариданок амалга оширила бошланди.

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари Ўзбекистон иқтисодий –иҷтимоий, маданий-маърифий ҳаётида ўзига хос ўринга эга бўлган ҳудудий бирликлар ҳисобланади. Аҳоли турмуш тарзи, руҳияти, ҳудудий жойлашув, жуғрофий-табиий ҳамда демографик нуқтаи-назардан ушбу вилоятлар ўзига хос хусусиятларга эга. Бундай хусусиятлар аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимиға ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Аммо шундай мураккаб ҳолатларни бартараф этиш бўйича олиб борилган оқилона сиёсат сабабли, бу муаммолар ўз ечимини топа бошлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ана шундай кенг қамровли чора-тадбирлар туфайли аҳолининг ижтимоий ҳимояси таъминланиб, фаровон ҳаёт кечиришлари учун замин ясалди.

<sup>4</sup> Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ. 2002 йил 21 февраль. Каримов И. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. - Тошкент: Ўзбекистон, 2002. -Б. 233.

# Ї БОБ. ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ – ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛИ

## 1.1. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалалари

Мустақиллик йилларида аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш давлат сиёсатининг бош, устувор йўналишига айланди. Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган барча ислохотлардан кўзланган ягона мақсад фуқароларга нормал турмуш тарзини яратиб бериш, аҳолининг кам таъминланган, муҳтож қисмини муттасил равишда иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўлди.

Фуқароликни ижтимоий ҳимоялаш, энг аввало, ҳуқуқий жиҳатдан таъминланди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасида “Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларнинг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас”, дейилади<sup>5</sup>. 45-моддада эса “Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир”, деб таъкидланади<sup>6</sup>.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳар бир йилнинг маълум ном билан аталиши ҳам Ўзбекистон Республикаси, фуқаролар олдида турган муаммоларни ҳал этишда муайян аҳамият касб этди. “Инсон манфаатлари йили” (1997), “Оила йили” (1998), “Аёллар йили” (1999), “Соғлом авлод йили” (2000), “Оналар ва болалар йили” (2001), “Қарияларни қадрлаш йили” (2002), “Обод маҳалла йили” (2003), “Меҳр-мурувват йили” (2004), “Сиҳат-саломатлик йили” (2005), “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” (2006), “Ижтимоий ҳимоя йили” (2007), “Ёшлар йили” (2008), “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” (2009), “Баркамол авлод йили” (2010),

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Тошкент: Ўзбекистон, 2008. -Б.10.

<sup>6</sup> Ўша жойда.

“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” (2011), “Мустаҳкам оила йили” (2012), “Обод турмуш йили” (2013), “Соғлом бола йили” (2014), “Кексаларни эъзозлаш йили” (2015), “Соғлом она ва бола йили” (2016), “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” (2017), “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” (2018) деб эълон қилинган ҳар бир йил ўз мазмун-моҳияти билан энг аввало инсон, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш, унга муносиб турмуш шароитини яратиш мақсадига йўналтирилди.

Ҳар бир йил ўзининг мукаммал даражада ишлаб чиқилган Дастурига эга бўлиб, уларда давлат ғамхўрлиги ўз ифодасини топган. Биргина 2017 йилда Президентимиз Ш. Мирзиёев бошчилигида амалга оширилган энг муҳим мақтовга арзигулик ишлардан бири шуки, халқимизни энг арзон ва барча шарт-шароитларга эга уй-жой билан таъминлашнинг янги механизми ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилганидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев, бу ҳақда гапириб, “Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, биз кейинги 25 йил давомида биринчи марта аҳоли учун арзон, барча қулайликларга эга бўлган кўпқаватли уй-жойлар қуришни бошладик. 2017 йилнинг ўзида 800 минг квадрат метрдан зиёд ана шундай уй-жойлар фойдаланишга топширилди”, деган эди<sup>7</sup>.

Хусусан ўтган беш йилда Сурхондарё вилоятида эса намунавий лойиҳалар асосида 178 та массивда 5 минг 800 га яқин ўй- жой барпо этилганини таъкидлаш ўринлидир<sup>8</sup>. Юқоридаги сўзлардан келиб чиқиб шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бундай эзгу ишларнинг замирида аввало инсон манфаати ва унинг бахтли ҳаётини таъминлаш мақсади мужассамдир.

Албатта, бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмини муҳофаза этиш жуда зарур эди. Бунга совет даврида, айниқса, XX асрнинг 70-80 йилларида шаклланган иқтисодий сиёсат, турли

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрда Олий мажлисга мурожаатномасидан. Сурхон тонги. 2017 йил 27 декабрь.

<sup>8</sup> Мирзиёев Ш. Буёқ келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. Тошкент: Ўзбекистон, 2017. - Б. 282.



“эксперимент”лар, бошқарувнинг маъмурий–буйруқбозлик услублари, директор режалаштиришнинг салбий оқибатлари ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади. 70-80 йилларда режалаштириш ва ҳўжалик тизимини ислоҳ қилиш (1979, 1987 йиллар), 80-йилларнинг ўрталаридан бошланган “қайта қуриш”, иқтисодиётдаги зиддиятлар, партиявий яккахокимлик, экстенсив ривожланиш имкониятларининг адо бўлиши, самарасиз ҳўжалик механизми – бундай ҳолатларнинг барчаси Ўзбекистонда иқтисодий инқирознинг юзага келишига сабаб бўлди. Мамлакат биринчи Президенти И.Каримов “қайта қуриш” даврида сиёсатдаги кучли бузилишларни “авантюрадан иборат экспериментлар”, деб атади.

Аниқ мақсадга ва илмий жиҳатдан асосланган концепцияга эга бўлмаган турли “чора-тадбирлар”, хусусан, “100 кун”, “500 кун”лик ўтиш даврига мос ноилмий ва нормал “концепциялар” совет даврида шаклланган иқтисодий-ижтимоий муаммоларни янада кескинлаштириб юборди. “Натижада, – дейди И.Каримов, –иқтисодиётни батамом издан чиқариб, моддий ва маънавий маблағлар тақчиллигининг даҳшатли тарзда ўсишига, ташқи қарзнинг кўпайишига олиб келди. Энг асосийси шу бўлдики, меҳнатни рағбатлантириш тизими бузилди. Бу эса одамларнинг ижтимоий руҳияти салбий ўзгаришига олиб келди. Тайёрга айёрлик, боқимандалик кайфиятларини келтириб чиқарди. Марказдан бошқаришнинг амалдаги тизими, унинг идоралари ҳўжалик юритиши услуб ва усуллари иқтисодиётнинг янада ривожланишига сезиларли туртки бўлишига, кескин ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга қодир эмаслиги яққол аён бўлиб қолди”<sup>9</sup>.

Ҳақиқатан ҳам, собиқ СССР парчаланиб кетиши арафасида Ўзбекистонда ижтимоий муаммолар ҳаддан зиёд кескинлашиб кетди. Нарх-навонинг ортиши, қашшоқланишнинг кучайиши, озиқ-овқат маҳсулотларида тақчилликнинг юзага келиши, кишилар руҳий-ижтимоий ҳолати, кайфиятидаги тушкунлик – бундай ҳолатларнинг барчаси Ўзбекистон ҳукуматидан мустақилликнинг биринчи кунлариданок мазкур муаммоларни зудлик билан ҳал этишни талаб қиларди.

<sup>9</sup> Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент: Ўзбекистон, 1998. -Б.76.

Айни пайтда ушбу муаммоларни бозор муносабатларига ўтиш билан уйғунликда ҳал этиш лозим эди. “Бозор механизмларини жорий этишдан олдин, - деган эди И.Каримов ўзининг 1992 йилда нашр этилган “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” асарида, - инсонларни ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари амалга оширилмоғи лозим. Давлат ўз аҳолисини ҳимоя қила олган тақдирдагина инсонпарвар ҳисобланади. Давлат кишиларга, айниқса ёрдамга муҳтож бўлганларга, ижтимоий ночор қатламларга, етимлар, болалар, ўқувчилар, нафақахўрлар ва ногиронлар, ёлғиз оналар, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга ўз вақтида ёрдам кўрсатиши керак”<sup>10</sup>.

Қайд этиш лозимки, масаланинг шу тахлитда қўйилиши Ўзбекистонда бозор муносабатлари шароитида аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш концепциясига қўйилган илк замин эди. Шу билан бирга мустақилликнинг дастлабки даврида бажарилиши лозим бўлган қатор муаммолар мавжуд эди ва уларнинг аксарияти фуқаролардаги руҳий-тафаккурий ҳолат, кечинмалар билан боғлиқ эди.

Биринчидан, кишилар ижтимоий онгига айланган боқимандалик кайфиятини бартараф этиш лозим эди. Бунинг учун, аввало, инсондаги барча муаммоларни ҳал этадиган омил, “бизни боқувчи”, муаммоларни ҳал этиш кафолати давлат, деган руҳий кайфиятдан кутилиш лозим эди.

Иккинчидан, совет давлат “мазмун-моҳиятини” ташкил этган ҳолат – “социализм – камбағаллар давлати”, деган кайфиятдан ҳоли бўлиш лозим эди. Камбағалликдан фахрланиш, гурурланиш қашшоқликка олиб борадиган йўл эди. Шу аснода социализмга хос бўлган “бир текисчилик” руҳиятини зудлик билан бартараф этиш лозим эди.

Учинчидан, одамларда ўзига ишонч ҳосил қилиш муҳим эди. Бунинг учун уларда ташаббус, ижодкорлик каби сифатларни шакллантириш, эртанги куннинг кафолати ва ижодкори айнан “шу инсоннинг” ўзи эканлиги тўғрисидаги тушунчанинг пайдо бўлишига эришиш лозим эди.

Тўртинчидан, кишиларда соғлом эҳтиёжни шакллантириш, бу эҳтиёжларни қондиришда шахснинг ўзи асосий

<sup>10</sup> Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Тошкент: Ўзбекистон, 1998. - Б. 41.

омил эканлиги тўғрисида мутлақ фикрга келиш муҳим эди. Яъни, шу куннинг ўзидан, мавжуд имкониятдан қониқиш соғлом эҳтиёжнинг шаклланишига ҳалақит қилишини англаш жуда зарур эди.

Собиқ СССР парчаланиши ва мустақилликнинг илк йилларида амалга оширилиши лозим бўлган энг муҳим масалалар, назаримизда, юқорида таъкидланган ҳолатлар эди. Собиқ социалистик тузумнинг асл мазмун - моҳиятини англамасдан, Ўзбекистонда қурилиши лозим бўлган янги жамият тўғрисида тасаввурга эга бўлмасдан бундай давлатни барпо этиш мумкин эмас эди.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ҳукумати мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, биринчидан, фуқароларнинг мазкур масалаларга муносабатини ўзгартиришга, иккинчидан, ўтиш даврининг қийинчиликлари шароитида уларга муносиб турмуш тарзи яратиб беришга ҳаракат қилди. Энг аввало, фуқароларнинг ёппасига қашшоқланишининг олдини олиш лозим эди. Бунинг учун эса мавжуд ижтимоий муаммоларни, аҳолининг кам таъминланган ва ночор қисмини ижтимоий ҳимоялаш муаммоларини ҳал этиш лозим эди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш-давлатнинг аҳолига муносиб ҳаёт фаолияти учун зарур шарт-шароитларни таъминлайдиган бевосита мақсадли қафолатлар тизими ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий сиёсати асосан қуйидаги қоидаларга асосланади:

-*биринчидан*, Ўзбекистон Республикасининг барча ижтимоий-демографик гуруҳлари (болалар, ёшлар, ишлайдиган фуқаролар, ногиронлар, кексалар ва меҳнатга яроқсизлар, қарамқода яшовчи шахслар) ҳуқуқ ва эҳтиёжларини ҳаётнинг ҳамма соҳасида ҳимоя қилиш.

-*иккинчидан*, аҳолининг молиявий таъминлаш манбалари ва ижтимоий ҳимоялаш механизмига мувофиқ тарзда табақалаб ёндашишни таъминлаш.

-*учинчидан*, Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсати аҳолининг иқтисодий жиҳатдан фаол, меҳнатга яроқли гуруҳига, аввало, шахсий меҳнат жамғармаларини ошириш ва меҳнат фаолликларининг ўсиб бориши асосида ўзларининг

моддий бойликлари ошиб боришидан келиб чиқиши ва амалга оширилиши лозим <sup>11</sup>.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш лозимки, ижтимоий ҳимоя – давлатнинг инсон ҳаёти ва фаолияти учун зарур шарт-шароит яратишга қаратилган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ва ҳуқуқий кафолатлар йиғиндисини ташкил этади. Республикада, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли тоифалари ҳам белгиланган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: ногиронлар, фахрийлар, кўп болали оилалар, кам таъминланганлар, етим-есирлар, муҳтож кимсалар, ёлғиз қариялар, пенсионерлар, ёш болали оналар. Шунини таъкидлаш лозимки, бундай тоифадаги фуқаролар ҳар доим ҳам ва ҳар қандай жамиятда ҳам ижтимоий таъминотга муҳтожлик сезадилар.

Булардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасида ижтимоий муҳофазанинг таркибий қисмлари шаклланган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- *меҳнатга лаёқатлилар учун иш жойлари ташкил этиши (ишсизликдан муҳофаза қилиши);*

- *меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолганлар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий заиф гуруҳларини нафақалар билан таъминлаш;*

- *меҳнат фаолиятидан олинган даромад ёки нафақа асосида муносиб турмуш даражасини таъминлаш (бунга асосий моддий бойликлар, энг аввало, озиқ-овқат маҳсулоти истеъмоли ҳам киритилади);*

- *турар-жой, маданий-маиший, соғлиқни сақлаш хизматларини минимал меъёردа таъминлаш;*

- *замонавий малакали ишчи кучини шакллантириши учун зарур бўладиган маълумот олиши* <sup>12</sup>.

Маълумки, бозор иқтисодиёти кескин ва ўта жиддий рақобатли жараён ҳисобланади. Бундай ўтиш даврида иқтисодий инқирозлар, ишсизлик, пулнинг қадрсизланиши, кўпгина корхоналарнинг ёпилиши, ишбилармонларнинг синиши, ҳаттоки хонавайрон бўлиши, аҳоли турмуш даражаси

<sup>11</sup> Ижтимоий ҳимоя йили: Мазмун ва моҳият.-Тошкент: А.Навоний номидаги Ўзбекистон Миллий Кутубхонаси нашриёти, 2007.-Б.3.

<sup>12</sup> Ижтимоий ҳимоя йили: Мазмун ва моҳият.-Тошкент: А.Навоний номидаги Ўзбекистон Миллий Кутубхонаси нашриёти, 2007.-Б.32.



бўйича табақаланишнинг кучайиши муқаррардир. Бу даврда сиёсий ва иқтисодий жиноятчилик ортади, чунки ўтмишда юқоридан берилган кўрсатмалар ва давлат томонидан ажратилган маблағга ишлатилган бўлса, энди эркин бозорнинг шафқатсиз ва холис талабларига жавоб бера оладиган рақобатбардош маҳсулот яратиш керак, бунга эса кўплар ўрганмаган.

Буларнинг барчаси мустақилликнинг дастлабки йилларида маълум маънода қийинчиликларни юзага келтирди. Шу нуқтаи назардан бозор муносабатлари шароитида меҳнат қилиб, даромад кўриш имкониятига ҳамма ҳам эга бўлавермади. Қолаверса, аҳолининг меҳнат ёшига етмаган ва меҳнат қобилиятини йўқотган тоифалари ҳам мавжуд. Аҳолининг бундай қатламларига мансуб қисмини ижтимоий ҳимоя қилишга зарурат туғилади. Бу вазифани давлат ва турли ижтимоий ташкилотлар бажаради. Ўзбекистон Республикасида бозор ислохотларининг дастлабки йиллариданок давлат ўз олдига кучли ва таъсирчан сиёсат юритиш вазифасини қўйди.

Бундай сиёсатни юритишнинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат эди:

- бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида товарларнинг нархи доимий равишда ошиб, бу аҳолининг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатди. Давлат ҳаётий зарур маҳсулотларнинг маълум гуруҳига қатъий нарх белгилаш орқали турмуш даражаси пасайишининг олдини олди;

- Ўзбекистон аҳолиси таркибида меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлмаганларнинг улуши юқори ҳисобланади ва улар доимий равишда давлатнинг моддий ёрдамига эҳтиёж сезади;

- ислохотлар даврида янги, бозор шароитларига мослаша олмасдан баъзи корхоналар иш фаолиятини тўхтатади ёки самарасиз ишлаётган корхоналар фаолиятига барҳам берилади. Бу ушбу корхоналар ишчи ва хизматчиларининг ишсиз қолишига олиб келади. Натижада, ишсизларни ижтимоий ҳимоялаш зарурати вужудга келиши табиий.

Ўрганилган даврда Ўзбекистонда давлат ижтимоий сиёсати амалда асосан икки кўринишда намоён бўлди ва олиб борилди: ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий таъминот.

Ижтимоий ҳимоя-мустақилликнинг моддий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш ва бозор ислохотларини амалга ошириш даврида Ўзбекистон аҳолисини ижтимоий ва моддий муҳофаза қилиш, миллий хўжаликда амал қиладиган иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий ва ҳатто, сиёсий чоратadbирлар йиғиндиси бўлиб, хусусан, аҳолининг ёши, саломатлиги, ижтимоий ҳолати ҳамда ҳаёт кечиришнинг зарур воситаларига эга бўлмаганлиги сабабли ёрдамга муҳтож қатламга давлат ва жамоат ташкилотлари ва жамғармаларининг ёрдами ҳисобланади.

Ижтимоий таъминотнинг асосий мақсади эса турмуш даражасини тўхтовсиз ошириб бориш, қашшоқликнинг олдини олиш, аҳоли турли қатламлари ўртасидаги таълим олиш, маданият ва санъат ютуқларидан фойдаланиш, касб малакасини ошириш ва даромадларни таъминлаш жиҳатидан тафовутларни камайтириш, инсон тараққиётининг узлуксизлигини таъминлаб боришдан иборат<sup>13</sup>.

Мустақиллик йилларида ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий таъминот сиёсати ўзининг ижобий жиҳатларини кўрсатди, жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш, кескин табақаланишга тўсиқ қўйиш имкониятига эга бўлинди. Шунингдек, энг кам иш ҳақи ва пенсиялардан солиқ олинмайдиган бўлинди, завод, фабрика ва бошқа ишлаб чиқариш муассасаларининг ўз ходимларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги харажатларидан бир қисми бюджет маблағлари ҳисобидан қопланиб турилди. Энг муҳими мамлакатда кенг истеъмол моллари ва хизматларнинг кўпгина қисми бўйича нархлардаги тафовутларнинг ўрни қопланди.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида давлат томонидан олиб борилган кучли ижтимоий ҳимоя тизими жамият барқарорлигини таъминлайдиган кучли омилга айланди. “Энг аввало, - деб таъкидлаган эди И.Каримов, - бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш жараёнида эл-юртимиз ҳаётига кескин салбий таъсир кўрсатадиган оғир оқибатларни имкон қадар камайтириш, ижтимоий муҳофазага биринчи галда муҳтож бўлган аҳоли тоифалари – кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, етим-есир ва

<sup>13</sup> Тўхлиев Н., Ҳақбердиев Қ., ва бошқ. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. -Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006. -Б.260.

ногиронлар, талаба ва пенсионерларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя этиш бўйича қилган ишларимизни таъкидлаш жоиз”<sup>14</sup>.

Мазкур стратегик мақсад – аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимоя сиёсати, энг аввало, давлат томонидан моддий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватланди. Давлат бюджетининг социал соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб – қувватлашга қаратилган умумий харажатлари 2006 йилда 51 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2007 йилда 54,1 фоизга етди. Кам таъминланган, ёш болали oilаларга бериладиган ижтимоий нафақалар учун мўлжалланган харажатлар миқдори эса 2007 йил бюджетиди 7 фоизни ташкил этди<sup>15</sup>.

Айни пайтда, Республикада мустақиллик йиллари арафасидаги аҳволи оғир ва таҳликали эди. Айниқса мамлакатнинг жануби – Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида бу борадаги муаммолар янада кескинлашган ва ўткир эди.

Тўғри, узоқ минг йиллик тарихга эга ушбу вилоятлар ўзининг кўҳна тарихи, бетакрор табиий-жуғрофий муҳитига, ўзига хос тарздаги хўжалик юритиш тизимига, анъналарига эга эди. Энг муҳими, бу вилоятлар табиий бойликларга бой эди. Масалан, Сурхондарё вилоятида Ховдак, Какайди, Лалмикорда нефть ва газ қазиб чиқарилади. Ўзбекистондаги 3 та йирик кўмир конининг 2 таси Сурхондарёдадир. Булар Шарғун ва Бойсун кўмир конларидир. Вилоятда, шунингдек, полиметалл, ош тузи конлари, гипс, гранит, арголит каби қурилиш материаллари конлари бор.

Саноатда пахта хом ашёси ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқ тармоқлар етакчилик қилмоқда. Вилоятда “Жарқўргоннефть” бошқармаси, Денов ёғ-экстракция заводи, Шўрчи ун комбинати, Шарғун кўмир саноати, Хўжайкон туз кони корхоналари, Шеробод керамика бадийий буюмлар заводи каби йирик саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда<sup>16</sup>.

Қашқадарё вилоятида эса энг ривожланган тармоқ – табиий газни қазиб олиш ва қайта ишлаш, пахта тозалаш, ёғ-

<sup>14</sup> Каримов И. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш-устувор вазирамиздир.-Тошкент: Ўзбекистон, 2007.-Б.39.

<sup>15</sup> Каримов И. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш-устувор вазирамиздир.-Тошкент: Ўзбекистон, 2007.-Б.40.

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси.-Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2002.-Б. 127.

экстракция саноати, курилиш материаллари, тикувчилик, озиқ-овқат саноатидир. Муборак газни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё бирлашмаси, Косон ёғ-экстракция заводи, Шаҳрисабз консерва заводи, Шаҳрисабз пиллачилик комбинати, Қарши тикувчилик фабрикаси ва бошқалардир. Вилоят Ўзбекистонда етиштириладиган қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 10,2 фоизини беради. Чорвачилик гўшт ва сут ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Тоғ яйловларида йилкичилик ва қўйчилик ривожланган. Вилоятда кўплаб фермер хўжаликлари, кичик ва ўрта бизнес фаолият кўрсатади <sup>17</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг жанубий ҳудудларида жойлашган ушбу вилоятлар ўзининг бой табиий қазилмалари, меҳнаткаш аҳолисига эга бўлса-да, СССРнинг парчаланиши арафасида Ўзбекистондаги бошқа вилоятлар аҳолисига нисбатан маълум даражада турмуш даражаси паст эди. Бунга мисоллар кўп эди. Масалан, ушбу вилоятлар асосан қишлоқ хўжалигига асосланган, замонавий саноат ишлаб чиқариш даражаси ва ҳажми жуда паст эди.

1989 йилги маълумотларга кўра, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида аҳолиси 50 мингдан кўп бўлган 3 та (Қарши, Термиз ва Шаҳрисабз) гина шаҳарлар бор эди, холос. Умуман, шаҳар аҳолиси Қашқадарё вилоятидаги умумий аҳолининг 26 фоизини, Сурхондарё вилоятида эса атиги 19,5 фоизни ташкил этган, холос. Бу рақам Республикадаги энг паст кўрсаткичлар эди, зеро Тошкент вилоятида бу 44,4, Наманган вилоятида 37,3, Бухоро вилоятида 34,8 фоизга тенг эди. Ўзбекистон бўйича эса мазкур рақам 40,7 фоизни ташкил этарди <sup>18</sup>.

Бу эса мазкур вилоятларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Масалан, 1989 йилнинг биринчи чорагида Қашқадарё вилоятида ташкил этилган кооператив хўжаликларида жами 5,7 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, Сурхондарё вилоятида унинг ҳажми 2,6 млн. сўмга етди, холос. Бу - республикадаги энг паст кўрсаткич эди. <sup>19</sup> Ушбу вилоятларда аҳолининг якка тартибдаги меҳнат

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси.-Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2002.-Б. 152.

<sup>18</sup> Қаранг: Народное хозяйство Узбекской ССР в 1988 г. Статис. сборн.- Ташкент: Узбекистан, 1989.-С.18.

<sup>19</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР в 1988 г. Статис. сборн.- Ташкент: Узбекистан, 1989.-С.32.

фаолиятини ташкил этиш бўйича (қатор хунармандчилик, майший соҳа, ижтимоий-маданий соҳа, халқ амалий санъати соҳаси) кўрсаткичлари ҳам жуда паст эди. Жумладан, юқорида номлари келтирилган соҳалар бўйича Қашқадарёда жами 1,4 минг киши меҳнат қилган бўлса, Сурхондарёда бу рақам 500 кишини ташкил этган, холос. Бундай кўрсаткичларни аҳолининг деярли барча фаолият турларида кўриш мумкин эди.

Табиийки, бундай ҳол аҳолининг ижтимоий муаммоларини тобора кескинлаштириб борди. Айниқса аҳолини уй-жой билан таъминлаш, уларга табиий, маданий ёрдам кўрсатиш даражаси ҳам ўта паст эди. Масалан, қишлоқ жойларда ҳар бир кишига уй-жой билан таъминланиш даражаси Қорақалпоғистон Республикасида 15,5, Хоразм вилоятида 14,4, Самарқанд вилоятида 12 квадрат метрни ташкил этган ҳолда бу рақам Қашқадарё вилоятида энг паст — 9,4 квадрат метрдан иборат бўлди<sup>20</sup>.

Аҳолининг ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутадиган тиббий хизмат соҳасида ҳам Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида катта муаммолар мавжуд эди. Врачлик пунктлари, амбулаториялар, шифохоналар, поликлиникалар ҳолати ўта ачинарли ҳолатда бўлиб, улар узоқ ўн йиллар давомида таъмирланмади. Бундай тиббий муассасаларни малакали шифокорлар билан таъминлаш ҳам қониқарсиз ҳолатда эди. Тиббий муассасалар биноларининг эскилиги, улардаги ускуналар, тиббиёт ашёларининг маънавий жиҳатдан эскирганлиги, моддий-техника базасининг ҳаддан ташқари қашшоқлиги оқибатида тиббиёт билим даргоҳларини битириб келган ёшларнинг аксарият қисми ишдан бўшаши ва бошқа жойларга иш қидириб кетишига сабаб бўлди.

Натижада, аҳолини тиббиёт ходимлари билан таъминлаш даражаси узоқ йиллар давомида кўтарилмади. 1989 йилги маълумотларга кўра, Ўзбекистон Республикаси бўйича ҳар 10 минг аҳолига 35,1 врач тўғри келган бўлса, бу рақам Қашқадарёда 26,6, Сурхондарёда эса 25,3 фоизга тенг бўлиб, мамлакатдаги энг паст кўрсаткичлар эди. Ўрта махсус маълумотга эга бўлган мутахассислар бўйича ҳам Сурхондарё

<sup>20</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР в 1988 г. Статист. сборн. - Ташкент: Узбекистан, 1989. - С.90.



вилояти кўрсаткичи энг паст даражада бўлиб, у 86,3 кишини ташкил этди<sup>21</sup>.

Юқорида келтирилган мисолларнинг ўзи ҳам Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида мустақиллик арафасида ижтимоий-иқтисодий аҳвол, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлашдаги ҳолати ўта мураккаб эканлигидан далолат беради. Совет даврида ташкил этилган айрим ижтимоий-маданий инфратузилма бу даврга келиб ишдан чиқа бошлади. Одамлар орасида ишсизлик даражаси ортди, хўжалик юритиш механизмида жиддий узилишлар юзага келди.

Бундай ҳолатни зудлик билан тузатиш, кишилардаги ижтимоий тушкунлик кайфиятини кўтариш, уларда эртанги кунга ишонч руҳини ҳосил қилиш лозим эди. Бу – табиийки, бирданига ҳал бўладиган вазифа эмасди, зеро, совет даврида узоқ ўн йиллар мобайнида шаклланган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-маданий фаолият парчалана бошланган эди.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ҳукумати мазкур муаммоларни ҳал этишга алоҳида эътибор қарата бошлади. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати мустақилликка эришилган кундан бошлаб аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга киришди. Ҳукумат топшириғига биноан 1991 йилнинг ноябрида Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазирлигига ўз тасарруфидаги ҳолатни бир ой муддатда чуқур таҳлил этиш ва соҳани ривожлантириш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқишни топширди. Энг аввало, пенсия ишида ислохотлар ўтказиш, кам таъминланган оилалар, ногиронлар устидан ғамхўрлик қилиш вазифалари белгиланди<sup>22</sup>.

Бозор муносабатларига ўтиш ва нарх-навонинг эркинлашуви муносабати билан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими шакллана бошланди. Талабалар ва ўқитувчиларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш мақсадида бошқа вилоятлардан келиб ўқиётганлар учун вақтинчалик ҳар ой учун 50 сўмдан кўшимча маблағ берила бошланди. Талабаларнинг амалиёт ўташи учун зарур бўладиган харажатларни қоплаш тизими яратилди<sup>23</sup>.

<sup>21</sup> Қаранг: Народное хозяйство Узбекской ССР в 1988 г. Статист. сборн. - Ташкент: Узбекистан, 1989. - С. 125-126.

<sup>22</sup> ЎзР МДА.М-44-фонд, 1-руйхат, 1-иш, 15-варақ.

<sup>23</sup> ЎзР МДА.М-15-фонд, 1-руйхат, 93-иш, 1-варақ.

Умуман, мустақилликнинг дастлабки йилларида ижтимоий ҳимоялаш бўйича жуда катта ҳажмдаги ишлар бажарилди.

1992 йил май ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг нарх-навонинг эркинлашуви шароитида болаларни ижтимоий ҳимоялаш, нафақалар белгилаш бўйича эълон қилган қарори ҳам ўтиш даври учун аҳамиятли бўлди. Болалар учун компенсация тўловлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, кам таъминланган оилаларнинг икки ёшгача болаларини ижтимоий муҳофазалаш каби мақсадлар учун 1992 йилда бюджет ҳисобидан 21,3 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Ўзбекистон Республикасида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими аста-секинлик билан шакллана борди. Пенсионерлар, аҳолининг кам таъминланган қисми, ногиронлар, ёш болали оилаларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш билан бирга қатор, совет давридан мерос бўлиб қолган ижтимоий муаммолар ҳам мавжуд эди. Шулардан бири Ўзбекистонда истиқомат қилаётган Чернобиль АЭС ҳалоқатини баратараф этишда иштирок этганлар муаммоси эди.

1993 йилда Ўзбекистонда жами 10 мингга яқин Чернобиль ҳалоқатини баратараф этувчилар истиқомат қилдилар. Улардан 2285 нафари расман ногирон деб эълон қилиндилар. 180 оила эса ўз боқувчисини йўқотганлиги сабабли пенсия билан таъминландилар.

Таъкидлаш лозимки, собиқ СССР парчалангандан сўнг Ўзбекистонда истиқомат қилган “Чернобиль”чилар тақдири билан Ўзбекистон Республикаси ҳукуматидан бошқа ҳеч ким қизиқмади. Шундай шароитда Ўзбекистон ҳукумати 1992 йил 6 апрелда “Чернобиль”чиларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича Қарор қабул қилди. “Чернобиль”чиларга белгиланган пенсия ҳажми оддий пенсия ҳажмидан юқори бўлиши таъминланди, зеро бу тўғри эди. Чунки, мазкур тоифадаги ногиронлар доимий равишда тиббий ёрдамга муҳтож ва узоқ давр мобайнида ижтимоий ёрдамга муҳтож эдилар.

Масалан, 1993 йили ногиронлик туфайли I гуруҳ ногиронларига берилган пенсия ҳажми 15 минг, II гуруҳга 11 минг, III гуруҳга 5 минг сўмни ташкил этган бўлса, “Чернобиль”чи

ногирон юқоридагига мос равишда 120 минг; 65 минг; 35 минг сўм оладиган бўлди <sup>24</sup>.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида 1994 йилда 74 минг “Интернационалист-жангчилар” ҳам яшар эдилар. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти, ҳукуматимиз уларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича кўплаб қарорлар ишлаб чиқди ва ҳаётга тадбиқ этди. 1993 йили уларнинг ижтимоий ҳимоясини яхшилаш, мувофиқлаштириш мақсадида биринчи Президентимиз ташаббуси билан мавжуд 2 та ташкилот-интернационалист-жангчилар Ассоциацияси ва Афғонистон фахрийлари Иттифоқи – ягона ташкилотга –“Ўзбекистон жангчи-фахрийлар Уюшмаси” га бирлаштирилди. Мазкур ташкилот ижтимоий-кўмаклашувчи мақомга эга бўлди <sup>25</sup>.

Умуман, ўтган асрнинг 90–йилларида Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берила бошланди. Шу мақсадда 1995 йил 11 ноябрда “Ўзбекистон Республикасида 1996-2000 йилларда ногиронларни реабилитация қилиш Давлат Дастури” ишлаб чиқилди. Дастурда ногиронларнинг профилактикаси, уларни тиббий ва ижтимоий реабилитация қилиш, уларнинг касбга йўналтирилиши ва таълимини ташкил этиш, иш билан таъминлаш, жисмоний тарбиясини уюштириш, ногиронлар билан ишловчи ходимларни тайёрлаш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш кабилар мувофиқлаштирилди <sup>26</sup>.

Бундай тадбирлар, шубҳасиз, мамлакатда аҳолининг ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш, мувофиқлаштиришда ўзига хос ўрин эгаллади. Вилоятларда ҳам маҳаллий органлар кам таъминланган оилалар, ногиронлар, уруш қатнашчиларини ижтимоий ҳимоялаш бўйича муайян ишлар бажардилар. Хусусан, 1994 йилда Қашқадарё вилоятида уруш фахрийларига, ҳалок бўлган жангчиларнинг оилаларига, уруш йилларида фронт орқасидаги меҳнатчиларга моддий ёрдам кўрсатиш бўйича махсус ҳисоб-рақами очилди. Моддий ёрдам кўрсатишда асосий шартлар сифатида қатъий равишда тенглик, адолат, кенг ошкораликка амал қилиш белгиланди <sup>27</sup>.

<sup>24</sup> ЎзР МДА.М-15-фонд, 1-рўйхат, 96-иш, 203-варак.

<sup>25</sup> ЎзР МДА.М-15-фонд, 1-рўйхат, 411-иш, 299-варак.

<sup>26</sup> Энциклопедия Ўзбекистон Республикаси. –Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1997. –Б-343.

<sup>27</sup> Қашқадарё вилояти Давлат архиви. 142-фонд, 3-рўйхат, 2-иш, 241-варак.

Қашқадарё вилоятида бозор шароитларига ўтиш даврида аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида уларга озиқ-овқат ва турли ашё - маҳсулотлар сотишнинг имтиёзли йўлларини ишлаб чиқишда ҳам қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Хусусан, ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида ун, макарон маҳсулотлари, гуруч, ўсимлик мойи, чой, шакар-қанд, тухум, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, кир совун, ип-газлама матоларни сотишда чекланган нархлар белгиланди ва кучли муҳтож аҳолига уни имтиёзли нархларда сотиш йўллари ишлаб чиқилди<sup>28</sup>.

1994 йилги маълумотларга кўра, Қашқадарё вилоятида жами 13715 нафар пенсионер бўлиб, уларнинг 8615 нафари ёши бўйича, 3275 нафари ногиронлиги туфайли, 1825 нафари эса ўз боқувчисини йўқотганлиги асосида ижтимоий ҳимояга муҳтож эдилар. Сурхондарё вилоятида эса бу рақам юқоридагига мос равишда 10667; 7416; 1989; 1262 нафарни ташкил этарди<sup>29</sup>. Бундай аҳоли тоифасини ижтимоий ҳимоялаш, муҳтож аҳоли қисмининг моддий-маънавий таъминотини ташкил этиш жуда мураккаб эди.

Бундай қийинчиликларга қарамасдан мазкур муаммолар ҳал этила бошланди. Иқтисодий аҳволнинг мураккаблигига қарамасдан аҳоли истеъмолида бўлган энг муҳим товарлар ва хизматларга имтиёзли нархларнинг белгиланиши, маориф тизимига нисбатан моддий жиҳатдан имтиёзлар берилиши, уй-жойларнинг текин хусусийлаштирилиши таъминланди. Булар ўз навбатида ички бозордаги озиқ-овқат ва саноат моллари асосий турларининг истеъмол қилиниш меъёрларини қайта кўриб чиқиш, ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлаш борасида мақсадли ишларни амалга ошириш ва ижтимоий ҳимоя доирасининг аҳолининг муҳтож табақаларини тўла қамраб олишга, ижтимоий ҳимоя чоратадбирларини амалга оширишда, уларга табақалашган тарзда ёндашишга ёрдам берди.

Жойларда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларга ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўргатиш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Айрим ҳолларда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўлимлари томонидан адолатсиз-

<sup>28</sup> Қашқадарё вилояти Давлат архиви. 142-фонд, 3-рўйхат, 460-иш, 43-варақ.

<sup>29</sup> Қашқадарё вилояти Давлат архиви. 142-фонд, 3-рўйхат, 471-иш, 2-варақ.

ликларга йўл қўйилар, бу эса фуқароларнинг ҳақли норозиликларига сабаб бўларди. Кўпинча бундай ҳол фуқароларнинг ҳуқуқий маданият савияси пастлиги, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билмаслиги оқибатида юз берар эди.

Шунинг учун ҳам вилоятлар раҳбариятлари бу масалага эътиборни кучайтирдилар. Жумладан, биргина 1997 йилда Сурхондарё вилояти ижтимоий таъминот бошқармаси пенсия хизматини такомиллаштириш бўлими томонидан 10 та қўлланма, савол-жавоблар рисоалари ишлаб чиқилди. Вилоят “Сурхон тонги” газетасида 6 марта маслаҳат-мақолалари эълон қилинди. 7 марта ҳудудий семинар-кенгашлар ташкил этилди, шунингдек, ижтимоий таъминот бўлимларида 63 марта семинар ташкил этилди, 295 марта маърузалар уюштирилди<sup>30</sup>.

Ўрганилган даврда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича ишлаб чиқилган дастурлар ўз таъсирини кўрсата борди. Аҳоли томонидан жамиятнинг тобора сиёсий-иқтисодий, мафкуравий жиҳатдан барқарорлашуви хурсандчилик билан кутиб олина бошланди. Бундай барқарорлик аҳоли ўртасида ташаббусни кучайтирди, жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳиссини оширди.

Аммо, бунга қарамасдан аҳолининг муайян қисмида боқимандалик кайфияти ҳамон мавжуд эди. Нотинч оилалар, жиноятчиликни содир этишга мойиллик каби салбий иллатлар маълум маънода сақланиб қолди. Масалан, Қашқадарё вилоятида 2006 йилда 73 та ноқобил оилалар, 596 та нотинч оилалар мавжуд эди. 32 нафар киши ўз жонига суиқасд уюштирди, 47 киши диний экстремизмга мойиллиги аниқланди. Фақат аёллар томонидан 62 та, жумладан вояга етмаганлар томонидан 19 та жиноятлар содир этилган. 104 оилада ажралиш юзага келди<sup>31</sup>.

Шунингдек, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида жазони ижро этиш жойларидан озод бўлганлар билан ишлаш, уларни тўғри йўлга йўналтириш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Сурхондарё вилоятида 2007 йилнинг ўзида 708 нафар шахс Ўзбекистон Республикаси Президенти

<sup>30</sup> Сурхондарё вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош Бошқармаси жорий архиви. 1997 йилги маълумотлар папкаси.-Б.3.

<sup>31</sup> “Маҳалла” жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлими жорий архиви. 2006 йилги маълумотлар папкаси.-Б.29.



Фармонлари асосида жазони ижро этиш жойларидан озод бўлиб, қайтиб келдилар. Шуларнинг 18 нафари аёллар, 2 нафари вояга етмаганлар, 6 нафари нафақа ёшидагилар, 9 нафари ногиронлар эди. Уларнинг бари кўниктириш марказларига мурожаат қилдилар, 700 нафари эса 50,2 млн. сўмлик моддий ёрдам олдилар, 653 нафари ишга жойлаштирилди<sup>32</sup>.

Бундай оилалар билан ишлашни кучайтириш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, жамиятда муносиб ўрнини эгаллашига ёрдам бериш жуда зарур эди. Шунинг учун ҳам 2006 йилдан Қашқадарёда ҳар бир оилани ўрганиш Дастури ишлаб чиқилди. Натижада амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар аниқланди, мувофиқлаштирилди.

Олиб борилган ишлар натижасида Қашқадарё вилоятида 2006 йили 75, 1 минг ўқувчи кишки кийим, ҳар бир тумандаги 150 оилага биттадан қорамол берилди, 25 нафар ёлғиз кексалар уйлари таъмирланди, 12219 та кам таъминланган оилалар, шунингдек 2100 нафар ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронларга моддий ёрдам кўрсатилди<sup>33</sup>. Сурхондарё вилоятида эса 2080 нафар муҳтожларга қўшимча моддий ёрдам кўрсатилди, 14 ёлғиз кекса фуқароларнинг уйлари таъмирлаб берилди<sup>34</sup>.

Ўзбекистон Республикасида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эълон қилинган. Унинг ҳуқуқий базаси яратилган. Катта ҳажмдаги маблағ давлат бюджети ҳисобларидан ажратилмоқда. Бу ижтимоий ҳимоянинг кафолатланишини таъминлади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасида кўплаб ижтимоий жамғармалар ташкил этилди. Жумладан, 2002 йилгача республикада 48 та шундай ижтимоий жамғармалар фаолият кўрсатди. Улар ўз фаолият йўналишлари доирасида иш олиб борган бўлсалар-да, катта эътибор соҳа мутахассис, ходимларини ижтимоий ҳимоялаш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратдилар.

<sup>32</sup> Сурхондарё вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош Бошқармаси жорий архиви. 2007 йилги материаллари папкаси.-Б.112.

<sup>33</sup> Қашқадарё вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош Бошқармаси жорий архиви. 2006 йилги маълумотлар папкаси.-Б.3.

<sup>34</sup> Сурхондарё вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош Бошқармаси жорий архиви. 2006 йилги маълумотлар папкаси.-Б. 7.

Олиб борилган ишлар натижасида Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими такомиллашиб борди, кишилар турмуш шароити яхшилана борди. Газ, сув муаммоларини ҳал этишда муайян ютуқларга эришилди. Масалан, Сурхондарё вилоятида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида республика ва маҳаллий бюджетдан 2006 йили 3,9 миллиард сўм маблағ ажратилди. Ушбу маблағлар ҳисобига янги сув қудуқларини қазииш, ишламай турган сув қудуқларини ишга тушириш, ичимлик сув тармоқларини реконструкция қилиш, янгиларини ишга тушириш ишлари бажарилди.

Натижада вилоят ҳудудида 113 та аҳоли пунктидаги ишламай турган сув қудуқлари ҳомийлар томонидан ажратилган 504,2 млн. сўм маблағ ҳисобидан таъмирланди, ишга туширилди. 2007 йилда эса мазкур мақсадлар учун ажратилган 2,5 миллиард сўм ҳисобига 75 та қишлоқ аҳоли пунктида 23 та янги сув қудуғи қурилди, 26 та сув қудуғи таъмирланди, 121 километр узунликдаги сув тармоқлари қуриш ишлари амалга оширилди. Бундай чора-тадбирлар туфайли 115 минг аҳолининг тоза ичимлик сувиға бўлган эҳтиёжи қондирилди<sup>35</sup>.

Ўтган яқин йилларда ҳам ушбу ишларни амалга оширишда муайян ижобий ишлар қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида гапириб, “Ўтган беш йилда Сурхондарё вилоятида бюджет маблағлари ҳисобидан 1 минг 570 километр сув тармоғи ва 210 та қудуқ барпо этилди, 91 та қудуқ реконструкция қилинди. Бунинг натижасида 620 мингдан зиёд аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш яхшиланиб, вилоятда бу борадаги кўрсаткич 67 фоизга етказилди,” деб алоҳида таъкидлади<sup>36</sup>.

Қашқадарё вилоятида эса охириги беш йилда бюджет маблағлари ҳисобидан 822 километр сув тармоқлари янгитдан қурилди ва реконструкция қилинди. Бунинг натижасида 200

<sup>35</sup> Халқ йўли. 2009 йил 15 январь.

<sup>36</sup> Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. Тошкент: Ўзбекистон 2017.-Б. 290-291.

мингдан зиёд аҳолининг марказлашган тармоқлар орқали ичимлик суви билан таъминланиши яхшиланди<sup>37</sup>.

Қашқадарё вилоятида 2008 йилнинг ўзида кичик корхона ва микрофирмаларни, касаначиликни ривожлантириш ва мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш ҳисобига ёшлар учун 47 минг 900 та янги иш ўринлари яратилди. Кам таъминланган оилалар фарзандларидан 270 нафарининг никоҳ тўйлари, 267 нафар боланинг суннат тўйлари ўтказилди. Кам таъминланган 8100 та оилага уй қуриш ва таъмирлаш учун 4,6 миллиард сўмлик ипотека, 4015 та ёш оилага уй-жой жиҳозлари ва рўзгор анжомлари сотиб олишлари учун 4,2 миллиард сўмлик истеъмол кредитлари берилди<sup>38</sup>. 2017 йилда меҳнатга лаёқати чекланган 972 нафар ногирон аёлга касаначилик билан шуғулланиш учун тикув машиналари олиб берилиб, улар учун доимий даромад манбаи яратилди.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, жамиятда ўзаро ҳамжихатлик, меҳр-оқибат, бағрикенглик ва хайр-саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш мақсадида “Президент эътибори – мурувват тадбирларида” шиори остида вилоятимизда 46 нафар келин-куёвнинг никоҳ, 355 нафар боланинг суннат тўйлари ўтказилди<sup>39</sup>. Бундай катта ҳажмдаги ишлар давлат томонидан олиб борилган ва илмий жиҳатдан пухта ишланган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсати асосида амалга оширилди.

Шундай қилиб, юртимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояси борасидаги меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилди, такомиллаштирилди, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими кучайтирилди, муҳтож оилалар, ногиронлар ва ёлғиз кексаларнинг эҳтиёжлари тўлароқ қондирила бошланди. Шунингдек, кўрсатилаётган моддий ва маънавий ёрдамнинг манзиллиги ва самарадорлиги оширила бошланди. Ёшларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш, уларнинг имкониятлари ва потенциаллини тўла намоён қилишлари учун шарт-шароитлар яратила бошланди, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёш

<sup>37</sup> Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. Тошкент: Ўзбекистон, 2017 – Б. 324.

<sup>38</sup> Ҳуқуқ. 2009 йил 19 март.

<sup>39</sup> Сурхон тони 2017 йил 4 май.

оилаларни моддий, маънавий қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар бериш йўлга қўйилди. “Бандлик” дастури амалга оша бошлади. Буларнинг барчаси мамлакатда, жумладан Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлади, аҳоли яшаши, турмуши учун муносиб шарт-шароит яратилди.

Бундай ижобий ҳолатлар билан бирга Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилишда муайян камчиликлар мавжуд эди:

- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича мавжуд ҳуқуқий базанинг фуқаролар томонидан ўрганилиш даражаси жуда паст эди. Бир томондан, ушбу базани тарғиб-ташвиқ қилиш тизимининг йўқлиги бунга сабаб бўлган бўлса, бошқа томондан, фуқаролар сиёсий маданиятининг маълум маънода сустлиги ҳам бунга салбий таъсир қилди;

- аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича машғул бўладиган идора, муассасалар, ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг айрим ҳолларда ўз эгаллаб турган лавозимларини суистеъмол қилишлари ҳам умумий ишга таъсир кўрсатди. Масалан, 2008 йилда биргина Қашқадарё вилоятида қонунлар ижроси бўйича 27,5 мингдан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган қонун ҳужжатлари ижроси бўйича 333 та текшириш ўтказилган. Унга мувофиқ 164 та норматив ҳужжатга нисбатан прокурор протести киритилиб, уларнинг ҳаммаси қаноатлантирилган<sup>40</sup>.

Ижтимоий ҳимоя тизимида ҳомийлик ҳаракатининг ўрни ва роли катта. Аммо кўп ҳолларда бундай ҳаракат юқори идораларнинг “кўрсатмалари” асосида амалга оширилди. Бу эса ҳомийлик ҳаракатининг самарадорлик даражасини тушириб юборди. Бунга, шунингдек, ҳомийлар учун яратилган имтиёзлар ижросидаги номувофиқликлар ҳам таъсир кўрсатди.

<sup>40</sup> Ҳуқуқ. 2009йил 19 март.

## 1.2. Аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш масалалари

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган барча соҳалардаги ислохотлар замирида инсон манфаатлари энг устувор йўналиш сифатида намоён бўлди. Иқтисодий ислох этиш, модернизациялаш, ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий соҳалардаги ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ақл-заковати, истеъдодини тўла намоён этишга, пировард натижада ўзларининг турмуш шароитини яхшилашга имкон бермоқда.

Мазкур масалаларни ҳал этишда меҳнат бозорини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу нарса аёнки, меҳнат бозори муайян меҳнат қобилиятига эга ишчи кучининг олди-сотдиси амалга ошадиган бозор ҳисобланади. Бу бозорнинг асосий иштирокчиси давлат ҳамда меҳнат лаёқатига эга аҳолидир. Тадбиркор ишчини ёллаш билан ундан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритса, аҳоли ўз меҳнат қобилияти эвазига ҳаётий зарур восита ва маҳсулотларни харид қилиш имкониятига эга бўлди. Бозор ўзига хос миллий хусусиятларга эга бўлганидек, Ўзбекистон меҳнат бозори амал қилишида ҳам миллий омилларнинг таъсири сезиларли.

Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан яна бири аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашдир. Дарҳақиқат, ҳар бир фуқарога меҳнат қилиш ҳуқуқидан тўла фойдаланиш учун имкониятлар яратиш давлатимиз томонидан олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг асосий вазифаларидандир.

Ўзбекистон Республикасида ҳар бир фуқаро томонидан эркин меҳнат қилиш мавжуд, қонунчилик билан кафолатланган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида “Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, сифатли меҳнат шароитларида ишлаш ва Қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир”<sup>41</sup> дейилади. Ўзбекистон Республикаси

<sup>41</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2008. - Б. 9.



Президенти Ш.Мирзиёев бандлик тўғрисида гапириб, “Ўз-ўзидан аёнки, биз аҳоли бандлигини таъминлашни ўз олдимизга устувор мақсад қилиб қўйган эканмиз, бу масалага нафақат сон, балки сифат жиҳатидан ҳам алоҳида аҳамият беришимиз зарур”, деган эди <sup>42</sup>.

Маълумки, аҳолини иш билан таъминлаш, унинг бандлигига эришиш фуқаролар турмуш даражаси ва даромадларининг ошишини таъминлайди, меҳнат бозорини шакллантиради, янги иш жойларини барпо этиш ва кишиларнинг иш билан оқилона бандлигини таъминлашга кўмак беради. Аҳоли бандлигини таъминлаш ишсизликнинг олдини олишга, меҳнатга яроқли ҳар бир фуқаронинг ўз меҳнатидан даромад топиб, ўз эҳтиёжларини қондириши, ўз турмуш даражасини, оиласи ва фарзандларининг фаровонлигини оширишга имкон беради. Бу масалалар Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг меҳнат билан бандлиги тўғрисида” ги Қонунида ҳам ўз аксини топган.

Ўзбекистон ҳукумати юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда бир-бирини тақоза этадиган икки муҳим вазифани устун ҳолда бажаришга алоҳида эътибор берди. Уларнинг биринчиси аҳоли бандлигини таъминлашдир.

Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида фаол меҳнат бозорини яратиш учун қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ:

- *ётпасига бўшатилиш ҳолларининг олдини олиш ҳамда ишдан айрилган фуқароларни қўллаб-қувватлаш;*

- *иш излаш жараёнини қисқартириш ҳамда ишсизликнинг узоқ давом этишига барҳам бериш;*

- *иш излаётган фуқароларни касб-ҳунарга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини шакллантириш;*

- *вақтинча бандлик ва жамоат иши дастурини ишлаб чиқиш ҳамда дастурни амалиётга жорий қилиш;*

- *янги иш ўрни яратувчиларга моддий кўмак тақлиф қилиш;*

- *ишсизларнинг тадбиркорлик борасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш;*

<sup>42</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрда Олий мажлисга мурожаатномасидан. Сурхон тонги. 2017 йил 27 декабрь.

- аҳолининг ўз-ўзини иш билан таъминлаш жараёнида ҳамкорлик қилиш ва ҳоказо <sup>43</sup>.

- Юқорида таъкидлангани каби бозор муносабатлари шароитида муҳим масалалардан бири бандлик масаласидир. Давлатнинг бандлик сиёсати меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ишсизликнинг олдини олишга қаратилган. Бу сиёсат ишсизлик даражасига ижобий таъсир кўрсатувчи муҳим омилдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида тўлиқ бандлик эмас, самарали бандликни таъминлаш долзарб муаммодир. Масалан, иқтисодий фаол аҳолининг юз фоизини иш билан таъминлаш мумкин. Аммо уларнинг меҳнати самарасиз бўлса, меҳнат унумдорлиги пастлигича қолаверади. Самарали бандликни таъминлаш ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш куйидагиларни назарда тутати:

- қўл кучига асосланган меҳнатдан механизациялашган ва автоматлашган меҳнатга ўтиш;

- умумий иш вақтини камайтириш билан бирга ишлаб чиқариш жараёнини жадаллаштириш;

- мавжуд иқтисодий фаол аҳолининг фирмалар, тармоқлар ва минтақалар ўртасида оқилона тақсимланишига эришиш;

- жами банд аҳоли таркибида малакали ишчи кучи улушини орттириб бориш;

- аёлларни ўз оналик вазифаларидан маҳрум қилмаган ҳолда иқтисодий фаолиятга жалб қилиш <sup>44</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятида аҳолини иш билан таъминлаш бўйича бажарилган ишлар ва унинг аҳамияти хусусида фикр билдириб, “Вилоятда қабул қилинган йиллик иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурлари асосида кейинги беш йилда 376 мингта янги иш ўрни яратилгани шу муҳим масалани ечиш йўлидаги катта амалий қадамдир. Ана шу чора-тадбирлар туфайли аҳолининг турмуш даражаси ва сифати тобора юксалиб бормоқда,” деди <sup>45</sup>.

<sup>43</sup> Жамият ва бошқарув, 2000. №4.-Б.55.

<sup>44</sup> Тўхлиев А., Ҳакбердиев Қ. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари.-Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006.-Б. 268.

<sup>45</sup> Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. Тошкент: Ўзбекистон, 2017.-Б. 282.

2017 йилда янги саноат корхоналарини куриш, хизмат кўрсатиш объектларини ишга тушириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 336 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди<sup>46</sup>.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 10-11 февраль кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида белгилаб берилган вазифалар ижроси доирасида замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналар ишга туширилиб, кўплаб янги турдаги маҳсулотларни тайёрлаш йўлга қўйилди<sup>47</sup>.

Ўзбекистон Республикасида амалда Ўзбекистон меҳнат бозори тарихан қисқа ривожланиш даврини босиб ўтмоқда. Бозор муносабатларининг шаклланиб, ривожланиши билан меҳнат бозорида ижобий ва баъзи салбий ўзгаришлар содир бўла бошлади. Бу хусусий мулкчиликнинг тараққий этиши, иқтисодиётга, давлат аралашувининг чекланиб бориши, ишчи кучи миграциясининг кучайиши, ишсизлик даражасининг ортиши ва ижтимоий ҳимоя тизимининг жорий этилиши кабилар билан боғлиқ.

Амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг дастлабки босқичида ишлаб чиқариш ҳажмларининг кескин камайгани боис, иш билан бандлик ҳам қисқариб, ишсизлик, ходимларнинг ҳақ тўланмайдиган мажбурий таътилга чиқарилиши, тўлиқсиз ҳафта кунлари кўпайди. Аммо давлат томонидан мулкни хусусийлаштириш жараёнларининг босқичма-босқич амалга оширилиши, аҳолининг кучли ижтимоий ҳимояланиши, иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолган корхоналарни қўллаб-қувватлаш сиёсатининг юритилиши, қишлоқ аҳолисига томорқа хўжаликлари учун 700 минг гектар ер ажратилиши натижасидагина оммавий ишсизлик юзага келишига йўл қўйилмади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида аҳолининг бандлик муаммосини ҳал этишдан ҳам муҳимроқ масала йўқ эди. Аҳолининг иш билан бандлиги масаласини ҳал этиш ва ишсизликка барҳам бериш кўп ҳолда тубдан қайта куриш, шунингдек, хўжалик юритишнинг бозор тизимига ўтиш

<sup>46</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрда Олий мажлисга мурожаатномасидан. Сурхон тонги. 2017 йил 27 декабрь.

<sup>47</sup> Сурхон тонги. 2017 йил 24 январь.

орқали, хусусан мулк шаклини ўзгартириш билан узвий боғлиқ эди. Бу жараён фақат бўш ишчи кучини ажратибгина қолмасдан, иқтисодда ишчи кучига бўлган талабни ҳам вужудга келтирарди. Бу ўринда самарали меҳнат бозорини шакллантириш учун ишчи кучи сифатини ошириш тақоза қилинарди. Хусусан, ишсизларни қайта ўқитиш ва қайта ихтисослаштириш орқали аҳолининг маълумоти ва касбий салоҳиятини ошириш муҳим аҳамият касб этди.

Агар меҳнат бозори замонавий тизимининг шаклланишига умумий ҳудудий аснода ёндашиладиган бўлинса, бу жараён жойлашиш ўрни нуқтаи назаридан икки гуруҳ-демографик ва ижтимоий — иқтисодий омиллар таъсири билан боғлиқ эди. Меҳнат бозорининг ҳудудий тизимини шакллантириш жараёнида демографик мойиллик ҳамон мавжудлиги сезилди. Жаҳон амалиётида эса демографик омил таъсири даражасида аҳолининг сон жиҳатдан ўсиши ва балоғат ёшига етган қатлами билан боғлиқ мутлақо қарама-қарши икки жиҳатни намоён қилади:

*-туғилишнинг камайиши ва пенсионерлар сонининг ошиб бориши натижасида меҳнатга лаёқатли аҳоли солиштирма қувватининг қисқариши;*

*-туғилишнинг юқори даражаси ва табиий кўпайишнинг юқори тезлигини сақлаб қолиш натижасида меҳнатга лаёқатли аҳоли солиштирма қувватининг ўсиши.*

Бунда биринчиси кейинги ўн йиллар ичида пенсия ёшидаги аҳолининг ўсиши яққол намоён бўлган, ривожланган бозор иқтисодига эга мамлакатларга хос. Иккинчиси эса Ўзбекистон каби аҳолининг ўсиши юқори бўлган, ривожланаётган мамлакатларга тегишли. Жумладан, Ўзбекистонда меҳнат ресурсларининг ўсиши ва шаклланишига уларнинг ҳудудий ҳамда тармоқ бўйлаб тарқалиши, шунингдек, мамлакат ҳудудларидаги меҳнат ресурсларининг ўзига хос жиҳатлари таъсир кўрсатади.

Аҳолининг табиий ўсиши сақланган ҳолда ёлланган ишчилар сонининг ошишига ҳам сабаб бўлади. Бу эса аҳолининг меҳнат бозорида ўз ишчи гуруҳи пайдо бўлишига олиб келадиган асосий омилдир. Шу билан бирга, бозор иқтисоди шароитида табиий ўсиш икки тарафлама мазмунга эга. Биринчидан, у кенгайтирилган қайта ишлаб чиқаришнинг

қўшимча ишчи кучига бўлган талабини қондиради. Бироқ, иккинчи томондан, бу жараён аҳолининг банд бўлмаган қатлами юзага келишига ҳам ёрдам бериши мумкин. Бу эса ҳам ҳудудий, ҳам умуммиллий доирада меҳнат бозорини шакллантириш самарасини пасайтиради. Мустақилликнинг дастлабки даврларида ишсизлар сонининг ўсиши кузатилаётганлиги бунинг мисолидир<sup>48</sup>.

Юқорида таъкидлангани каби, Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларида ишсизлик сонининг ортиб боришига қатор омиллар сабаб бўлди. Собиқ СССР даврида шаклланган хўжалик механизмнинг барбод бўлиши, иқтисодий интеграцияларнинг бузилиши натижасида ишлаб чиқариш корхоналари иш фаолиятининг тўхтаб қолиши, миграция жараёнларидаги ўзгаришлар – буларнинг барчаси ўз салбий таъсирини кўрсатди.

Шунингдек, бозор иқтисодининг туб ислохотларини авж олдириш, иқтисоднинг барча соҳаларидаги корхоналар ҳамда хусусий корхоналардаги ортиқча ишчи кучининг озод қилиниш жараёни тезлашувига сабаб бўлди. Жумладан, биргина 1998-1999 йилларда санацияга учраган ва ширкатларга айлантирилган кишлоқ хўжалик корхоналаридан 218 минг одам ишдан бўшатирилган. Бу ўз-ўзидан ишсизлар сонининг ўсишига олиб келди. Кейинги бир неча йиллар мобайнида меҳнат ташкилотларига иш сўраб мурожаат қилганлар сони ҳам йилдан-йилга ўсган. Масалан, уларнинг сони 1996 йилда 275 минг, 1997 йилда 300 минг, 1998 йилда 314 минг, 1999 йилда 390 минг нафарни ташкил этган<sup>49</sup>.

Ушбу муаммолар Ўзбекистон ҳукуматидан тезликда ва жиддий равишда мавжуд муаммоларни ҳал этишни талаб этарди. Умуман, янги иш ўринлари яратиш, аҳолининг оқилона бандлигини таъминлаш вазифасини ҳудудий ўзига хосликни эътиборга олмаган ҳолда, умуммиллий даражада ҳал қилиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этиш кун тартибига қўйилди:

- янги иш ўринлари яратиш;

<sup>48</sup> Қаранг: Жамият ва бошқарув, 2000. № 4.-Б.56.

<sup>49</sup> Жамият ва бошқарув, 2001. № 1.-Б.32.



- корхоналарни қайта таъмирлаш ва ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш, самарадорлигини ошириш эвазига мавжуд иш ўринлари сонини ошириш;

- деҳқон ва фермер хўжаликларида иш ўринлари кўпайишини таъминлаш;

- ижтимоий ва бозор инфратузилмаларида иш ўринлари сонини ошириш;

- иқтисоднинг сермашаққат соҳаларида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқ секторда, шунингдек, хизмат кўрсатиш доирасида кичик ва ўрта бизнесни фаол ривожлантириш;

- оиланинг иш билан банд бўлмаган аъзоларини жалб қилган ҳолда уй меҳнати шакллари ривожлантириш;

- Ўзбекистонда туризм саноатининг жадал тараққиёти натижасида юзага келган косиблик ва халқ бадийи ҳунармандчилиги имкониятларидан унумли фойдаланиш;

- меҳнат органларида ишсиз сифатида рўйхатдан ўтган ва бошқа категориядаги иш билан таъминланмаган аҳоли учун пул тўланадиган 2 ой ёки ундан ортиқ муҳлатли жамоат ишларида қатнашиш имкониятини кенгайтириш;

- дастурни амалга ошириш жараёнида турли категориядаги ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни иш билан таъминлаш учун ҳам иш ўринлари яратиш;

- шароит яратиш йўналишидан келиб чиқиб, кўп болали аёллар ва бошқа шу каби ишсизларни банд қилишнинг турли-туман ўзига хос шакллари ривожлантириш<sup>50</sup>.

Биз юқорида таъкидлаганимиз каби, аҳоли бандлиги муаммосини ҳал этишда Ўзбекистонда ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлганлар сони муттасил равишда ортиб борганлигини ҳам таъкидлаш лозим. Маълумотларга биноан 1960 йилда Ўзбекистон Республикасида 2,5 млн. киши ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлган бўлса, 1990 йилга келиб ушбу рақам 7,8 млн. кишига етди.

Ўзбекистонда 1990 йилда жами мавжуд меҳнат ресурслари 10 млн. кишини ташкил этган. Шундан 5152, 2 минг киши давлат секторларида, 1,5 млн. киши кооператив секторидаги корхона ва ташкилотларда, 1,1 млн. киши

<sup>50</sup> Қаранг: Жамият ва бошқарув, 2001. № 1.-Б.33.

индивидуал секторда иш билан банд бўлган. Бир миллиондан кўпроқ киши ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш, тахминан 0,8 млн киши уй хўжалиги ишлари ва болалар тарбияси билан банд бўлган.

Умуман, аҳолининг табиий ўсиш даражаси ўтган асрнинг 90-йилларида маълум даражада камайганлигини кўриш мумкин. Ўтган асрнинг 90-йилларида республика бўйича аҳоли ўсиши даражаси барча ҳудудий бирликларда бир хил даражада содир бўлмади.

1990-1996 йиллардаги статистик маълумотларга биноан аҳоли сонининг кўпайиб бориши асосан республиканинг Жанубий вилоятларида энг юқори кўрсаткичга эга бўлди. Масалан, бу кўрсаткич Сурхондарё вилоятида 22,4 фоизни ташкил этган ҳолда, бу рақам Тошкент вилоятида 4,6, Сирдарё вилоятида 10,3, Хоразм ва Наманган вилоятларида 18,2 фоизни ташкил этди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон аҳолисининг қишлоқ жойларида истиқомат қилиш даражаси ҳам юқорилигича қолаверди. Бу кўрсаткич ҳам Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида энг юқори даражада эди. Масалан, Навоий вилоятида 41,3, Қорақалпоғистон Республикасида 48,2 фоизни қишлоқ жойларида яшагани ҳолда Сурхондарё вилоятида бу кўрсаткич 79,6, Қашқадарё вилоятида эса 74,6 фоизни ташкил этган.

Бундай ҳол, табиий равишда аҳолини иш билан таъминлашда муайян муаммоларни келтириб чиқарар эди. Қишлоқ хўжалигига асосланган иқтисодиёт бир томондан умумий ижтимоий-иқтисодий ривожланишга салбий таъсир кўрсатса, бошқа томондан бу нарса аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам халақит қиларди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йиллариданок имкон борича ишлаб чиқаришнинг индустриал секторини ривожлантириш, шу аснода аҳолини кўпроқ ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишга эътибор кучайтирилди.

Масалан, Қашқадарё вилоятида 1992 йилда ишлаб чиқаришда банд аҳолининг 10,4 фоизи саноатда машғул бўлган бўлса, бу рақам 1995 йилда 10,6 фоиз, 2000 йилда 11,6 фоизга етди. Қишлоқ хўжалигида банд бўлганларнинг сони эса, аксинча, камая борди. Хусусан, 1992 йилда қишлоқ

хўжалигида банд бўлганларнинг ҳиссаси иш билан банд аҳолининг 33,7 фоизини ташкил этган бўлса, 2005 йилга келиб, уларнинг ҳиссаси 26,5 фоизгача камайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг бандлигини самарали таъминлаш ўта муҳим, ҳал этилиши мураккаб бўлган муаммолардан эди. Айниқса, мустақилликнинг дастлабки даврларида бу масала янада кескинлашди. Ушбу муаммолар куйидагилардан иборат эди:

- *биринчидан*, аҳоли бандлигига маълум даражада унинг ижтимоий тизими таъсир этарди. Маълумки, ўша даврдаги ижтимоий гуруҳлар орасида меҳнат ресурслари-ишчилар, деҳқонлар сон жиҳатдан кўп эди. Аммо уларнинг касбий малака даражаси паст эди. Шунинг учун меҳнат ресурслари малакасини ошириш, уларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашни бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда ташкил этиш, турли мулк шаклларига мос келадиган меҳнат ресурсларини тайёрлаш ўта муҳим аҳамият касб этарди;

- *иккинчидан*, турли мулк шакллари шаклланаётган ўша даврда меҳнат ресурсларини ҳар бир жойнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда тайёрлаш зарур эди;

- *учинчидан*, барпо этилаётган турли мулк шаклларидаги корхоналар ва жамоаларнинг ўз фаолиятини олиб бориш учун бозор иқтисодиёти ислохотчиси бўлган давлат томонидан дастурлар ишлаб чиқиб, улар орқали корхоналар ривожлангунгача маълум вақт мобайнида молиявий ёрдам бериш, имкониятлар яратиш лозим эди. Шу билан бирга энди ташкил этилаётган ширкат хўжаликлари, фирмалар, фермер хўжаликларини иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш механизминини яратиш зарур эди.

Аммо, иш билан банд бўлмаган аҳолиси кўп жойларда бу кўрсаткичлар жуда кам эди. Масалан, Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманида 12220 нафар ишсиз бўлган ҳолда кооперативлар сони 3 тани, кичик корхоналар 5 тани, фермер хўжаликлари 140 тани ташкил этарди, холос. Уларда жами 450 нафар киши иш билан таъминланди холос. Чироқчи туманида эса иш билан банд бўлмаганлар сони 15700 нафар кишини ташкил этар, улардан 512 нафари эса 18 та кичик корхона, 14 та кооператив, 40 та фермер хўжалигига ишга жойлашган, холос.

Умуман, мустақилликнинг дастлабки йилларида Қашқадарё вилоятида ишсизлар сони ортиб борди. 1992 йилнинг 1 июлидаги маълумотларга кўра уларнинг сони 65285 нафар кишини ташкил этди. Буларнинг 36085 нафари 16-35 ёшгача бўлган ёшлардан иборат эди. 29200 нафар киши эса 31 ёшдан пенсия ёшигача бўлган фуқаролар эди. Иш билан банд бўлмаганларнинг 54474 нафари, аксарият кўпчилигини хотин-қизлар ташкил этарди. Бу ҳол хотин-қизлар учун алоҳида иш ўринларини ташкил этишни талаб этарди <sup>51</sup>.

Ўрганилган даврда аҳолининг турли давлат идора, муассаса, корхоналарга иш сўраб мурожаат қилишлари ҳам кўпайиб борди. Хусусан, Сурхондарё вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош Бошқармаси томонидан аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш борасида жиддий ишлар олиб борилганлигини кўриш мумкин. Умуман, ушбу Бошқарма ўз фаолиятини қатор йўналишлар бўйича олиб бориб, аҳолини иш билан таъминлаш, касбга йўналтириш, жамоат ишларига жалб қилиш, пенсионерларни расмийлаштириш борасида ибратли ишларни амалга оширди.

Масалан, Сурхондарё вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош Бошқармасига фуқароларнинг мурожаатлари йилдан-йилга ортиб борди. Биргина 1992 йилда ушбу бошқармага жами 7512 нафар фуқаро мурожаат қилган. Шулардан 5257 нафари ишга жойлаштирилди, 800 нафарига эса ишсизлик нафақаси тайинланди, 275 нафари турли касбларга тайёрландилар, 391 таси жамоат ишларига жалб этилдилар. Шунингдек, 156 нафарига муддатидан аввал пенсия расмийлаштирилди.

Умуман, Сурхондарё вилоятида иш сўраб мурожаат этганлар сони йилдан-йилга, муттасил равишда ортиб борганлигини кўриш мумкин. Айни пайтда, иш билан таъминланганлар сони ҳам орта борди. Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, Сурхондарё вилоятида табиий ўсиш энг юқори эканлигини эътиборга олганда ва иш билан банд аҳоли сонининг мутаносиб равишда ортиб бориши назарда тутилса, самарадорлик коэффиценти юқори эканлигини англаш

<sup>51</sup> Хайитов А.Б. Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ривожланиш ва аҳоли бандлигининг ўзаро алоқадорлиги. Иқтисод фанлари номзоди ил. дараж. олиш. учун диссертация. - Тошкент: 1994. - Б. 86.

мумкин. Шу ўринда куйидаги статистик маълумотларни келтириш мақсадга мувофиқдир:

-1992 йилда Сурхондарё вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош Бошқармасига иш сўраб мурожаат қилган фуқароларнинг сони 7512 нафарни ташкил этган бўлса, улардан 5257 нафари иш билан таъминланган. Кейинги йилларда бу рақам юқоридаги саналарга мутаносиб равишда куйидаги кўринишга эга бўлди:

-1993 йил: 8113 ва 5678;

-1994 йил: 8843 ва 6189;

-1995 йил: 9720 ва 6802;

-1996 йил: 10682 ва 7543;

-1997 йил: 11968 ва 8449;

-1998 йил: 12520 ва 8763;

-1999 йил: 16062 ва 11303;

-2000 йил: 17227 ва 12292;

-2001 йил: 20004 ва 13587;

-2002 йил: 21170 ва 15966;

-2003 йил: 22044 ва 16945;

-2004 йил: 21912 ва 19084;

-2005 йил: 22733 ва 19942<sup>52</sup>.

Мазкур рақамлардан деярли ҳар йили аҳолининг муайян қисми иш билан таъминланганлигини кўриш мумкин. Айни пайтда шуни эсдан чиқармаслик лозимки, ишга жойлашганларнинг айрим қисми турли объектив ва субъектив сабабларга биноан ишдан бўшаб кетар эдилар. Натижада, ундайларнинг баъзилари вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош Бошқармасига мурожаат қилар, иш билан бандлик муаммосини ҳал этиш яна бошидан бошланар эди.

Шунинг учун Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош Бошқармаси бошқа турли идора, муассаса, ташкилотлар билан ҳамкорликда мавжуд муаммони ҳал этиш бўйича талай ишларни амалга оширдилар. Шаҳарлардаги меҳнат биржалари, турли ташкилотлар айниқса ёшларни ижтимоий фойдали меҳнат билан таъминлашда маълум ишларни бажардилар. Қарши шаҳар меҳнат биржаси ёшларда боқиман-

<sup>52</sup> Сурхондарё вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош Бошқармасининг жорий архив ҳужжатлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.



далик кайфиятини бартараф этиш, уларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида “Меҳнат бозори”ни ташкил этди. Биргина 1996 йилда шаҳарда жами 1320 нафар ёшлар меҳнат бозорига чиққан бўлсалар, уларнинг 692 нафари иш билан таъминланди. 115 нафар ёшлар касбга қайта тайёрландилар, 1720 та иш ўринлари ёшлар учун яратилди<sup>53</sup>.

Шунингдек, туманларда бўш иш ўринлари ярмаркаларини ўтказиш ҳам анъанага айлана борди. Жумладан, Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманида 2002 йил март ойида ўтказилган ярмаркада 59 та корхона ва ташкилотлар ўзларидаги 252 та бўш ўринлари билан қатнашдилар.

Бўш иш ўринлари ярмаркасида 433 нафар ишга талабгор фуқаролар иш сўраб мурожаат қилдилар. Улардан 190 нафарига йўлланма берилиб, улар тумандаги турли корхона ва ташкилотларга доимий ишга жойлашдилар. 60 нафар киши вақтинчалик ҳақ тўланадиган жамоат ишларига, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида ободонлаштириш ишларига сафарбар этилдилар. 20 нафар киши “Устоз-шогирд” тизимида касб эгаллаш учун тумандаги хунармандлар ўқув курсларига юборилди<sup>54</sup>.

Аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, унинг натижасида фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш тизимини янада такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берила бошланди. Айниқса, бу борада янги иш ўринлари яратиш республика ва вилоят дастурларининг қабул қилиниши муайян натижалар бера бошлади. Мазкур дастурларда кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида, кичик корхоналарни ташкил этиш, деҳқон ва фермер хўжаликларини ташкил этиш, юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорликни ривожлантириш, янги объектларни қайта қуриш ва кенгайтириш ҳисобидан янги иш ўринларини барпо этишга устувор аҳамият берилди. Сурхондарё вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси жадал ривожланмокда. Бунинг тасдиғини кейинги беш йилда уларнинг сони 12 фоизга ошиб, 13 мингтага етганида кўриш мумкин. Натижада, мазкур соҳанинг ялпи ҳудудий экспортдаги улуши эса 58 фоизга етди. Энг муҳими, меҳнат

<sup>53</sup> Қашқадарё вилояти Давлат архиви. 142-фонд, 1-рўйхат, 11-иш, 7-варак.

<sup>54</sup> Халқ сўзи. 2002 йил 16 март.

билан банд аҳолининг 80 фоизи ана шу соҳада фаолият кўрсатмоқда<sup>55</sup>.

Қашқадарё вилоятида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида муайян ижобий ўзгаришлар амалга оширилганини қайд этиш зарур. Бугунги кунда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 51,6 фоизи кичик бизнес соҳасида ишлаб чиқарилмоқда. Энг муҳими, меҳнат билан банд аҳолининг 80 фоизи шу тармоқда меҳнат қилмоқда. Эътиборга молик яна бир томони шундаки, вилоятда шу даврда 443 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилган бўлса, бунинг 85 фоизи қишлоқ жойларда ва асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳисобидан ташкил этилган<sup>56</sup>. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ҳукумати, вилоятлар ҳокимлари янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини иш билан таъминлашнинг янги йўналишларини шакллантириш борасида ҳам ижобий ишлар олиб бордилар. Ўрганилган даврда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш қуйидаги йўналишларда олиб борилди:

-ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш натижасида яратилган янги иш ўринлари;

-қайта қурилаётган ва кенгайтирилган корхоналарда яратилган иш ўринлари;

-мавжуд корхоналар ишлаб чиқариш қувватларидан унумли фойдаланиш ҳисобига яратилган янги иш ўринлари;

-кичик ва ўрта бизнес соҳасида яратилган янги иш ўринлари;

-юрidik шахс мақомига эга бўлмаган ҳолда тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳисобидан яратилган иш ўринлари;

-оилавий бизнесни ривожлантириш ҳисобига;

-янги деҳқон хўжаликларини ташкил этиш ҳисобига;

-янги фермер хўжаликларини ташкил этиш ҳисобига;

-уй меҳнатини ташкил қилиш ҳисобига;

<sup>55</sup> Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Тошкент: Ўзбекистон, 2017.-Б. 280.

<sup>56</sup> Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Тошкент: Ўзбекистон, 2017.-Б. 316.

-ижтимоий инфраструктурада яратилган янги иш ўринлари;

-бозор инфраструктурасини ривожлантиришда яратилган иш ўринлари;

-вақтинчалик хорижда иш билан таъминлаш ҳисобига;

-жамоат ишларини ташкил этиш ҳисобига.

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида аҳолининг ўсиш суръатлари юқори эканлиги юқорида таъкидланган эди. Бу, шубҳасиз, ижобий кўрсаткич бўлса-да, айни пайтда тақомилга етмаган ижтимоий-иқтисодий инфраструктура шароитида айрим муаммоларни ҳам келтириб чиқарар эди. Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида (2002 йил 21 февраль) сўзлаган нутқида И.Каримов шундай деган эди: “Аҳолининг ўсиш суръатлари йилига 33 минг нафар кишини ташкил этаётган бир пайтда Янги иш ўринлари яратишга етарли эътибор берилмапти. Натижада, ишсиз фуқаролар сони ҳозирги вақтда салкам 40 минг кишига етган. Бандихон, Денов, Термиз, Узун туманларида меҳнат бозоридаги вазият кескинлигича қолмоқда.

Табийки, ишсизлик бор жойда жинойтчилик илдиз отади. Денов туманида жинойтчиликнинг барча турлари 2001 йил мобайнида кескин кўпайган. Жаркўрғон, Шеробод, Музработ туманларида қасддан одам ўлдириш ҳоллари 2-3 баробарга, Шеробод туманида ўғирлик жинойтлари 18 фоизга ортган”<sup>57</sup>.

Ҳақиқатан ҳам ишсизликни бартараф этиш, аҳолининг бандлик даражасини ошириш нафақат жамиятдаги иқтисодий муаммоларни ҳал қилади, шу билан бирга қатор ижтимоий масалаларни ечишга, ижтимоий барқарорликни таъминлашга ҳам имкон берарди. Шунинг учун ҳам ўрганилган даврда Ўзбекистон ҳукумати мазкур масалага ўта жиддий эътибор бера бошлади. Бўш ўринларни ташкил этиш, ишсизликни бартараф қилиш, аҳолининг том маънодаги ижтимоий муҳофазасини таъминлаш вилоят, туман, шаҳар раҳбариятининг иш фаолиятидаги устувор йўналишларга айланди.

Бу борада Сурхондарё вилоятида ҳам қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2004 йилда вилоят

<sup>57</sup> Каримов И. *Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак*. Т.10. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002.- Б.240.

аҳолиси 1908, 2 минг нафар кишини ташкил этди ёки 2003 йилга нисбатан 32,1 минг нафар кишига кўпайган. Аҳолининг 903,5 минг нафари меҳнатга лаёқатли бўлиб, ушбу аҳолининг 680,1 минг нафари иш билан таъминланган. Шулардан 534,9 минг нафари расмий секторда, 145,2 мингги норасмий секторда иш билан таъминланган. Ушбу иш билан таъминланганларнинг 154,3 мингги ёки жами иш билан таъминланганларнинг 22,7 фоизини кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳасида фаолият юритаётганлар ташкил қилган бўлиб, бу кўрсаткич 2003 йилга нисбатан 105,1 фоизни ташкил этган. 197, 7 минг нафари иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли бўлиб, жумладан 47,0 минг нафари ишламайдиган кўп болали аёллар, 23,3 минг нафари ишламайдиган ҳомиладорлик таътилидаги аёллар, 55,6 минг нафари ишламайдиган 3 ёшгача бола тарбиясидаги аёллар, 6,5 минг нафари ёши бўйича имтиёзли шартларда пенсия оладиган шахслар, 18,5 минг нафари ихтиёрий равишда ишлаётган ва ишлашни хоҳламайдиган бошқа шахслар, шу жумладан уй бекаларидир. 2004 йилда Сурхондарё вилояти бўйича иш билан банд бўлмаган аҳоли 25,7 минг нафарни ташкил қилди<sup>58</sup>.

Вилоятда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож, айниқса иш билан таъминланмаган қисмини ижтимоий фойдали меҳнат билан банд этиш мақсадида махсус Дастур ишлаб чиқилди. Унда янги иш ўринларини яратиш, ишлаб чиқариш корхоналари сонини кўпайтириш эвазига аҳоли бандлигини таъминлаш кабиларга алоҳида аҳамият берила бошланди. Ишлаб чиқилган Дастурга асосан 2004 йилда иш ўринларини яратиш қуйидаги йўналишларда амалга оширилди:

-ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш ҳисобидан 560 та янги иш ўринлари яратилди. Ушбу иш ўринлари жами яратилган иш ўринларининг 1,7 фоизини ташкил қилган;

-корхоналарни қайта қуриш ва кенгайтириш ҳисобидан 1758 та иш ўринлари яратилиб, жами иш ўринларининг 5,3 фоизини ташкил этган;

-кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 28804 та янги иш ўринлари яратилган ёки жами

<sup>58</sup> Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси жорий архиви. 2004 йилги маълумотлар. - Б. 69.

яратилган иш ўринларига нисбатан 87,5 фоизни ташкил этган;

-уй меҳнатини ташкил қилиш ҳисобиغا 239 та иш ўринлари яратилган;

-ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш ҳисобиغا 1060 та янги иш ўринлари ташкил қилинган ёки жами иш ўринларининг 3,2 фоизини ташкил қилди;

-бозор инфраструктурасини ривожлантириш ҳисобидан 413 та иш ўринлари яратилди. Ушбу иш ўринлари жами яратилган иш ўринларининг 1,3 фоизини ташкил қилди.

Шу нарсани таъкидлаш лозимки, Сурхондарё вилоятида яратилган янги иш ўринлари катта ҳажмдаги пул маблағлари эвазига амалга оширилди. Умуман, вилоятда яратилган иш ўринларига молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан 2004 йили жами 26565,3 млн. сўм маблағ сарфланди. Шундан 8688,0 млн. сўм давлат бюджети, 1390,1 млн. сўми тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари ҳисобидан, 1162,1 млн. сўми корхона, ташкилотлар маблағлари ҳисобидан сарфланди <sup>59</sup>.

Бу борада Қашқадарё вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Бозор муносабатлари шароитида кичик ва ўрта бизнес, айниқса, фуқароларнинг оилавий бандлигини таъминлайдиган тадбиркорлик фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди. Бу ўз навбатида аҳоли имкониятларини тўлароқ рўёбга чиқаришга, бандлик даражасини оширишга олиб келди. Бундай фаолият турининг эътиборга лойиқ томони шунда эдики, шуғулланувчиларнинг оила аъзолари ҳам бевосита қатнашдилар.

Бу мақсадда Қашқадарё вилояти ҳокимининг 2003 йил 22 январдаги қарорига мувофиқ саноат ишлаб чиқаришни ривожлантириш қийин бўлган ҳудудларда иш билан банд бўлмаган аҳоли сони, оилавий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишга бўлган эҳтиёж ва имкониятларни ҳисобга олиб, босқичма-босқич 12632 та деҳқон хўжаликлари ташкил этилди. Улардан 6035 таси ҳуқуқий мақомга эга бўлди. Бундай мақомга эга бўлган деҳқон хўжаликларининг 1615 таси тоғ ва тоғ ёнбағирлари, 2401 таси лалмикор ва 2019 таси

<sup>59</sup> Сурхондарё вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош Бошқармасининг жорий архиви. 2004 йилги маълумотлар папкаси. –Б.29.



суғориладиган ҳудудларда барпо этилди. Дехқон хўжаликлари ташкил этиш учун 1092,4 гектар ер майдонлари ажратилди.

Шунингдек, мазкур қарорга биноан ўтган даврда 1168 та оилавий тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси ҳисобидан 263 млн. сўмдан ортиқ имтиёзли микрокредит маблағи ажратилди. Дехқон ва оилавий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш ҳисобига 17596 нафардан ортиқ фуқаро иш билан таъминланди. Уларнинг 4240 нафарини ёшлар ва 8780 нафарини хотин-қизлар ташкил этди.

Қашқадарё вилоятида яратилган иш ўринларининг 665 таси халқ истеъмоли маҳсулотларини тайёрлашга ихтисослашган, юқори унумли ускуна ва технология билан жиҳозланган ҳамда экспорт қувватига эга бўлган корхоналарни ишга тушириш, 9677 таси бозор муҳитига тез мослашувчи янги кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ташкил этиш ва имтиёзли кредитлаш ҳисобига, 182 таси фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг мавжуд қувватларидан тўлиқ фойдаланиш ҳисобига яратилди. Шунингдек, вилоятда 473 иш ўрни ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш, 856 таси эса касаначилик меҳнатини ташкил этиш натижасида пайдо бўлди<sup>60</sup>. Вилоятда ўрганилган даврда касаначиликни ривожлантириш эвазига кўшимча иш ўринларини яратишга ҳам алоҳида аҳамият берилди бошланди. Масалан, 2006 йилда вилоят дастури бўйича касаначиликни ривожлантириш асосида 6050 та янги иш ўрни яратиш режаси белгиланган бўлса, бу режа 6152 тага ёки 102 фоизга бажарилди. 2007 йилда эса бу рақам юқоридагига мос равишда 7362; 8543; 116 фоизни ташкил этди<sup>61</sup>.

Бозор шаронтида ҳар қандай соҳада мавжуд меҳнат ресурсларидан тўғри ва самарали фойдаланишни таъминлаш зарур. Бунинг учун мавжуд иш жойларини батафсил ўрганиш, шунингдек, меҳнат ресурсларини уларнинг таркиблари бўйича аниқлаш лозим. Ушбу маълумотлар таққосланиб, тармоқларнинг, корхоналарнинг меҳнат ресурслари билан

<sup>60</sup> Саҳоват-Тошкент, 2004. № 2.-Б.9.

<sup>61</sup> Қашқадарё вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош Бошқармасининг жорий архиви. 2001-2008 йиллар маълумотлар папкаси.-Б.3.

таъминланганлик даражаси аниқланади. 2002 йилда Сурхондарё вилоятида 938800 нафар меҳнатга лаёқатли аҳоли рўйхатга олинган. Улардан иш билан банд бўлганлар сони 632100 кишини ташкил этган. 2005 йилга келиб меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 970500 кишига, иш билан банд бўлган аҳоли сони эса 651700 кишига етди.

Маълумки, ишсизлар сафига меҳнат биржаларида рўйхатга олинганлар киритилади. Ишсиз сифатида рўйхатга олинганларга давлат нафақаси тўланади. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан тўлиқ ва унумли фойдаланиш учун ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришни янада чуқурлаштириш, агросаноат интеграциясини амалга оширишни ривожлантиришга эришиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун эса турли шакллардаги корхоналарни ташкил этиш орқали янги иш ўринлари яратиш мақсадга мувофиқ. Бу жараёнда кўшма корхоналарни, кичик корхоналарни ташкил этишга, уларни ривожлантиришга алоҳида диққат қаратиш мақсадга мувофиқ. Улар ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида амалга оширилиши лозим.

Аҳолини иш билан таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2006 йил 5 январдаги “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтириш ва рағбатлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони катта аҳамиятга эга бўлди. Сурхондарё вилоятида юқоридаги Фармон асосида касаначиликни ташкил этиш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилди. Дастурга биноан, 2006 йилда жами 975 та, шунингдек, аёллар учун 671 та янги иш ўринлари ташкил этиш режалаштирилди<sup>62</sup>.

Ўрганилган даврда Қашқадарё вилоятида ҳам аҳолини иш билан таъминлаш борасида қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Айниқса, Қарши шаҳрида “Бўш иш ўринлари ярмаркаси”нинг ўтказилиши мунтазам тус олди. Хусусан, 2008 йилнинг бошида ўтказилган шундай ярмаркада 78 та корхона, ташкилот ва муассасалар вакиллари иштирок

<sup>62</sup> Сурхон тонги. 2006 йил 4 май.

этдилар. Талабгорларга 330 та бўш иш ўринлари таклиф қилинди. Ярмарка давомида шаҳар бандликка кўмаклашувчи марказ ходимлари 142 нафар фуқароларнинг ишга жойлашиш ҳақидаги меҳнат шартномасини рўйхатга олдилар <sup>63</sup>.

Ўрганилган даврда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда муҳим масалалардан бири ўрта махсус касб-хунар коллежларини битирган ёшларни иш билан таъминлашдан иборат эди. Қашқадарё вилоят ҳокимининг фармойишига асосан ўрта махсус касб-хунар коллежларини битирган ёшларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш мақсадида барча шаҳар ва туманларда ҳудудий комиссиялар, прокуратура ҳамда ички ишлар идоралари билан ҳамкорликда “Бўш иш ўринлари ярмаркалари” ўтказила бошланди. 2008 йилги бундай тадбирларда 14522 нафар ёш иш билан таъминланган бўлса, 18-35 ёшдаги 3412 нафар ногирон квоталанган ва касаначилик йўли билан ташкил этиладиган иш ўринларига касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди <sup>64</sup>.

Умуман, Қашқадарё вилоятининг ўзига хос табиий – жугрофий, демографик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ёшларни иш билан таъминлаш масаласига устувор аҳамият берила бошланди. Хусусан, “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари марказининг вилоят бўлими ҳузуридаги ёшларни иш билан таъминлашга “кўмаклашувчи марказ” корхона ва муассасалардаги бўш иш ўринларига олий ўқув юртлари ҳамда коллежларни битираётган ёшларни жалб этиш бўйича муайян ишларни бажарди. Ёшлар марказида ўтказилган дастлабки давра суҳбатида вилоятдаги йирик корхона ва ташкилотлар ҳамда олий ўқув юртлари вакиллари иштирок этдилар. Улар ўртасида ўқув юртларини тамомлаётган ёшларни иш билан таъминлаш борасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан шартномалар имзоланди <sup>65</sup>.

Қашқадарё вилоятида хорижий шериклар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш асосида янги қўшма корхоналар барпо этиш, унинг натижасида ёшларни иш билан

<sup>63</sup> Халқ сўзи. 2008 йил 4 январь.

<sup>64</sup> Хукук. 2009 йил 16 апрель.

<sup>65</sup> Халқ сўзи. 2009 йил 10 апрель.

таъминлашга ҳам алоҳида эътибор берила бошланди. Қарши туманида ташкил этилган Ўзбекистон -Хитой қўшма корхонаси бир кунда 3800 дона шифер маҳсулотлари ишлаб чиқара бошлади. Янги линиянинг ишга туширилиши қурилиш материалларининг арзонлашувига имкон яратди. Бундан ташқари, қўшма корхонада замонавий қурилиш материали-ламация қилинган пол қопламалари ишлаб чиқариш бошланди. Биргина 2008 йилда ушбу корхонада туманнинг 100 га яқин ёшлари иш билан таъминландилар<sup>66</sup>. Умуман, бандлик дастурига биноан Қашқадарё вилоятида 2007 йили 54,2 мингга яқин иш ўринлари яратилди. Уларнинг 48,8 минггаси ёки 90 фоизи қишлоқ жойларида ташкил этилди<sup>67</sup>.

Айни пайтда шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, Сурхондарё вилоятида бу борада қатор муаммолар мавжуд эди. Аҳолини иш билан таъминлашда янги корхона, ташкилот, муассасаларнинг ташкил этилиши алоҳида аҳамиятга эга. Аммо 2007 йилда Ангор, Бандихон, Бойсун, Қизирқ, Музработ ва Шеробод туманларида мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича биронта ҳам корхона ташкил этилмаган. Янги объектларни ишга тушириш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини реконструкция қилиш ва кенгайтириш ҳисобидан иш жойлари яратиш бўйича Термиз, Музработ, Қизирқ ва Денов туманларида етарли ишлар олиб борилмади. Шу боис ҳам бу ҳудудларда кейинги йилларда ушбу йўналишда яратилган жами иш ўринлари 5 фоизга ҳам етмаган.

Замонавий касб ва малакага эга бўлган ёшларни иқтисодиётнинг реал соҳа ва тармоқларида ҳал қилувчи, асосий куч сифатида қўриш малакасининг йўқлиги ҳам бу масалада қатор муаммоларни келтириб чиқарди. Масалан, Сурхондарё вилоятида 2007 йилда ўқув юртларини битирган 15 мингдан ортиқ ўқувчининг 4520 нафари ёки 30 фоизи иш билан таъминланган, холос. Одамларни иш билан банд этиш масаласида аввало аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида янги имкониятлардан фойдаланиш даражаси ҳам паст бўлди. Жумладан, Ўзбекистон бўйича аҳолига хизмат кўрсатиш тармоғининг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 50

<sup>66</sup> Халқсўзи. 2008 йил 31 январь.

<sup>67</sup> Халқсўзи. 2008 йил 20 февраль.

фоизга яқин бўлган бир пайтда Сурхондарё вилоятида 36 фоизни ташкил этди, холос<sup>68</sup>.

Юртимизда ислохотлар ислохот учун эмас, энг аввало, инсон манфаатларини кўзлаб амалга оширилмокда. Аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш, фуқароларнинг эркин ҳаёт кечириши, ўзлари истаган касб-хунар билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Бундай имкониятлардан оқилона фойдаланган юртдошларимиз жамиятнинг турли жабҳаларида меҳнат қилиб, юрт равнақига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Инсонпарвар сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бири юртимизда кучли ижтимоий ҳимоя таъминлиги асосланади. Бу тизим ўзида жисмонан имконияти чекланган, ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотганлар, кўп болали ва кам таъминланган оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашдек хайрли амалларни мужассам этган.

“Устоз-шогирд” тизимини жорий этиш юзасидан вилоят бўйича 4429 та корхона ва ташкилотда 17122 нафар коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлашга эришилди. Корхона, ташкилот ва муассасаларда ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган, кам таъминланган оилалар фарзандлари бўлган коллеж ўқувчиларининг 2428 нафарига республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 20 ва 50 фоизи миқдорида, жами 60 миллион сўмдан ортиқ бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди<sup>69</sup>.

Сурхондарё вилоятида ўз бизнесини йўлга қўйиш истагида бўлган касб-хунар коллежларининг 50 нафар битирувчисига партия фаоллари ва депутатлар томонидан ташкилий-ҳуқуқий масалаларда ёрдам берилди. Бунинг натижасида қишлоқ жойларида 400 га яқин иш ўрин яратилди<sup>70</sup>.

Сурхондарё вилоятида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларни раванқ топтириш, кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорликни ривожлантиришда сезиларли ижобий ишлар амалга оширилди. Вилоят касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан

<sup>68</sup> Туркистон, 2008. 26 март; Каримов И. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б.307-308.

<sup>69</sup> Сурхон тонги, 2013 йил 14 март.

<sup>70</sup> Ўзбекистон овози. 2013 йил 14 март.



9 та янги иш ўрни яратилиб, бунга 8 миллион сўм сарфланди. 2013 йил “Обод турмуш йили” муносабати билан барча бошқарма, бирлашмалар, жамоат ташкилотлари ушбу йил вазифалари бўйича ўз дастурларини қабул қилдилар. Меҳнат муносабатларини чуқурлаштириш орқали “Инсонга бахт келтириш-олий бахт” шиори бўйича меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини кучайтириш, аъзоларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига кўмак бериш, айниқса, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор берилди<sup>71</sup>.

Юқорида таъкидланганлардан куйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

-Ўзбекистоннинг Жанубий вилоятларида мустақилликнинг дастлабки даврларида аҳолини иш билан бандлигини таъминлашда қатор қийинчиликлар юзага келди. Булар собиқ СССР даврида шаклланган иқтисодий механизмнинг барбод бўлиши, иқтисодий соҳадаги алоқаларнинг узилиши билан боғлиқ эди;

-бозор муносабатлари шакллана бошлаган бир даврда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида аҳолини иш билан таъминлашда ҳудуддаги табиий-жугрофий, демографик ҳолатлар ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Аҳоли табиий ўсишининг бошқа вилоятлардагига қараганда юқори эканлиги, саноатнинг нисбатан кам тараққий этганлиги, чорвачиликнинг муайян даражада ривож топганлиги-буларнинг бари аҳолини иш билан таъминлашда қийинчиликларни туғдирди;

-XX аср 90-йилларининг иккинчи ярмидан аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда муайян ижобий ҳолатлар юзага кела бошлади. Кишиларда боқимандалик руҳияти йўқола борди, янги қўшма корхоналар ташкил этила бошланди, ишдан чиққан корхона, муассасалар эса қайтадан тикланиб, реконструкция қилина бошланди. Хизматлар соҳасида ижобий ўзгаришлар юз бера бошлади;

-аҳолини иш билан таъминлашда “Бандлик” дастурлари, бўш иш ўринлари ярмаркалари, ёшларни иш билан таъминлаш марказлари фаолияти анча такомиллашди.

<sup>71</sup> Сурхон тонги. 2013 йил 14 март.

## II БОБ. ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ-ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШДАГИ ФАОЛИЯТИ

### 2.1. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида маҳалланинг ўрни

Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-мафкуравий ҳаётида маҳалланинг ўрни ва аҳамияти бениҳоя катта. Маҳалла ўзбек халқи характери, турмуш тарзи, фаолият мазмунини ўзида акс эттириб, одатда миллатни бирлаштирувчи, уюштирувчи, йўналтирувчи ва жамоатчилик асосида фаолият юритишга ундовчи ижтимоий институтдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонида мувофиқ 2018 йил 1 апрелдан фуқаролар йиғинларининг диний маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари маслаҳатчилари лавозими ўрнига ҳар бир фуқаролар йиғинида 1 тадан, оилалар сони 2000 ва ундан ортиқ фуқаролар йиғинларида эса 2 тадан хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими жорий этилди<sup>72</sup>. Шу билан бирга маҳалла нозирларининг хизмат уйлари ҳам маҳалланинг ўзида жойлашгани ҳамда уларга имтиёзли равишда енгил машина берилгани ҳам маҳаллага берилган катта эътибор намунасидир.

2017 йил мамлакатимизда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилинган эди. Ушбу йил давлат дастури доирасида амалга оширилган ижобий ишларнинг ҳам қамрови ниҳоятда кенг бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида бу ишлар ҳақида тўхталиб, “Кам таъминланган, уй-жойга муҳтож 1200 дан ортиқ ногирон фуқароларга арзон уй-жой ажратиш бўйича шартномалар

<sup>72</sup> Аёл ва замон 2018 йил 20 февраль.

имзоланиб, бошлангич тўловлар учун 22 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди”<sup>73</sup> деган эди. Бундан ташқари, 2017 йилда қишлоқ жойларида янги намунавий лойиҳалар асосида 24 мингта, шаҳарларда 187 та замонавий кўп қаватли уй-жойлар барпо этилгани ҳам ҳалқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлашга бўлган эътибор намунасидир<sup>74</sup>.

Совет мустабид тизими даврида ҳукмрон тизим ва сиёсий мафкура маҳаллани расман миллий ижтимоий институт сифатида тан олмади, аксинча, унга эскилик саркити, “ўрта асрчилик” қолдиғи сифатида муносабатда бўлинди. Совет мафкуравий тазйиқи остида Ўзбекистон олий қонун чиқарувчи ҳокимияти эса 1961 йилда маҳалланинг ҳар қандай молиявий-хўжалик фаолияти юритишини таъқиқлаб қўйди.

Бироқ бундай зиддиятли ҳолатлар Ўзбекистонда маҳалланинг ўрни, роли, аҳамиятига салбий таъсир кўрсатмади. Маҳалла мустақил ўзини-ўзи бошқарувчи субъект сифатида фаолият кўрсатаверди, кишилар ўз муаммоларини ҳал этишда унинг ёрдамига муҳтож эканликларини яширмадилар. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримов масаланинг муҳим эканлигини таъкидлаб, “Ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувиди, одамларнинг бошини қовуштириш, турар жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашда, ўзини-ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳамияти ва моҳияти кундан-кунга ошиб бораётганини кўриб турибмиз.

Шу боис, маҳалланинг ҳаётимиздаги мавқеи юксак, унинг қонуний-ҳуқуқий асослари ҳар томонлама мустаҳкам бўлиб ривож топса, бу идорани жамиятимиз сиёсий-иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас бир қисми, қуйи бошқариш тизими сифатида нечоғли кучайтирсак, бунинг учун барча моддий-молиявий шароитларни ташкил қилиб борсак, ўйлайманки, бу ўз олдимизга қўйган олий мақсадларга эришиш йўлида катта қадам бўлади”<sup>75</sup>.

Маҳалланинг таъсирчан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-мафкуравий институт эканлигини эътиборга олиб,

<sup>73</sup> Халқ сўзи 2017 йил 8 декабрь.

<sup>74</sup> Халқ сўзи 2017 йил 8 декабрь.

<sup>75</sup> Каримов И. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11.- Тошкент: Ўзбекистон, 2003.-Б.109.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида “Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди”<sup>76</sup>, деб қайд этилган.

1993 йил сентябрь ойида “Фуқароларнинг ўзини - ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Унга биноан маҳаллалар ўз ҳуқуқий мақомига эга бўлиб, маҳаллий ҳокимиятнинг таркибига кирди. Демак, маҳаллалар давлатимизнинг жойлардаги муҳим таянчи, юридик шахс сифатида ўз мол-мулкига, молиявий бюджетига, банкдаги ҳисоб-китоб рақамига – жамғармасига эгадир<sup>77</sup>. Шундай қилиб, давлат мустақиллигига ва сиёсий суверенитетига эришиш шароитида давлатчилиқнинг миллий шаклини қайта тиклашга, Ўзбекистон халқларининг ижтимоий турмушида миллий анъана ва одатлардан яна тўлароқ фойдаланишга интилиш кучайди.

“Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида” ги Қонунда маҳалла, унинг раисининг вазифалари, бурчлари белгилаб берилган. Жумладан, унинг 22-моддасида маҳалла оқсоқолининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, суд инстанцияларида, корхона, муассасаларда фуқароларнинг манфаатини ҳимоя қилиши, маҳалла ободонлиги учун қайғуриши, аҳолига савдо-коммунал, маиший хизматни яхшилашда ёрдам бериши, фуқароларга хизмат кўрсатиш маданиятини таъминлаш устидан жамоат назоратини ташкил этиши, аҳоли пунктлари, сув таъминоти манбалари, турар жойлар, мактаб ва бошқа муассасаларнинг санитария ҳолатини назорат қилишни амалга оширишга ёрдам бериш, давлат ва жамоат идораларига қогиронлар, боқувчисини йўқотган одамлар, кўп болали oilалар, яққа қолган оналар, табиий офатдан зарар кўрган фуқароларнинг моддий ва яшаш, турмуш шароитларини яхшилаш ҳақида таклиф киритиш каби қатор ваколатлари мавжудлиги белгиланди<sup>78</sup>.

<sup>76</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2008. - Б.29.

<sup>77</sup> Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп лугат. - Тошкент: Шарқ, 2006. - Б.189.

<sup>78</sup> Жалилов Ш. Маҳалла янгиланиш даврида. - Тошкент: Мехнат, 1995. - Б.12.

Мустақилликнинг илк давриданоқ маҳалланинг нуфузи ортиб бориши эътиборга олиниб, Ўзбекистон ҳукумати унга алоҳида диққат қарата бошлади. 1992 йил 12 сентябрда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримовнинг “Республика “Маҳалла хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги, 1992 йилнинг 8 октябрида эса “Республика “Маҳалла” хайрия жамғармасига маблағ ажратиш тўғрисида” ги Фармонлари эълон қилинди.

Шу йилнинг 17 октябрида республика Вазирлар Маҳкамасининг “Республика “Маҳалла” хайрия жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида” ги қарори эълон қилинди. Қарорда жамғарма фаолиятининг қуйидаги асосий йўналишлари белгилаб берилди:

*-тарихан таркиб топган миллий ва маънавий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удум ва анъаналарини оммалаштириш, республика аҳолиси ўртасида маданий ва маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш;*

*-инсонпарварлик ва меҳр-шафқат, кишилар ўртасида ўзаро бир-бирини тушуниш ва яхши қўшничилик гоёларини тушунтириш бўйича фаол таъшиқот ва тарғибот ишларини олиб бориш;*

*-ҳар бир аниқ ҳудудда яшовчи камҳарж оилалар, ногиронлар, кексалар ва болалар ҳуқуқларини ҳар томонлама ижтимоий ҳимоя қилиш;*

*-ҳар хил анъанавий маросимлар ўтказиш;*

*-жуда муҳтож оилалар ва алоҳида шахсларга текин моддий ёрдам кўрсатиш;*

*- маҳаллалар ҳудудини ободонлаштириш;*

*- республика маҳаллий маҳалла Қўмиталари фаолиятини яхшилашга доир ишларни мувофиқлаштириб бориш*<sup>79</sup>.

Ўрганилган даврда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида маҳаллалар ўрни ва ролини ошириш, уларнинг аҳолини ижтимоий ҳимоялашдаги аҳамиятини янада кўтаришда жиддий, ибратли ишлар амалга оширилди. Таъкидлаш лозимки, ўтган асрнинг 90-йиллари бошида Ўзбекистондаги мураккаб иқтисодий ҳолат, мавжуд иқтисодий механизмларнинг бузилиши, ишдан чиқиши, аҳолининг

<sup>79</sup> Жамиятни ислох қилиш йўлида. -Тошкент: Ўзбекистон, 1998. -Б.36.



ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмидаги муайян қийинчиликлар Ўзбекистон ҳукуматидан бу борада жиддий ишларни амалга оширишни талаб қиларди.

Жумладан, 1997 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримовнинг “Нархларнинг либераллашуви муносабати билан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ минимал меҳнат нафақалари миқдори бирданига 5 мартага оширилди ва унинг ҳажми 70 сўмдан 350 сўмга етказилди<sup>80</sup>.

Айниқса, бу даврда ёлғиз қарияларни қўллаб-қувватлаш жуда муҳим эди. Республика бўйича уларнинг сони 30573 нафар бўлиб, шулардан 1717 нафари Қашқадарё, 1861 нафари эса Сурхондарё вилоятидан эдилар<sup>81</sup>.

Маҳалла ёиҳлари фаолиятида ёлғиз қарияларни, умуман, ёлғиз фуқароларни, балоғатга етмаган болалари бор кўп болали оилаларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларига устувор аҳамият берилди. 1994 йил 23 августда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида”ги Фармони фуқароларнинг ўзини - ўзи бошқариш органларининг давлат вазифаларини бажаришда иштирок этишини бошлаб берди<sup>82</sup>.

Фармонга кўра кўрғонлар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллаларнинг фуқароларини ўзини - ўзи бошқарув органларида кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш махсус ёиҳлари ташкил этилди, уларнинг асосий манбаларини эса республика ва маҳаллий бюджетларнинг маблағлари, бюджетдан ташқари манбалар – жамоат ва хайрия жамғармалари, корхоналар, хўжаликларнинг маблағлари ва фуқароларнинг ихтиёрий хайр-эҳсонлари ташкил этди. Шунингдек, 1994 йил 10 октябрдан бошлаб кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамнинг ана шу жамғармалар маблағларидан ҳар ойда ойлик тўловлар тўлашлари топширилди.

Кам таъминланган оилалар маҳалла кўмитасининг тавсияси ва билдирилган фикрига асосан белгиланадиган бўлди. Яъни, кам таъминланадиган оилалар сирасига объектив

<sup>80</sup> ЎзРМДА.М-15фонд,1-рўйхат,92-иш,75-варақ.

<sup>81</sup> ЎзР МДА.М-15фонд,1-рўйхат,91-иш, 120-варақ.

<sup>82</sup> Ўзбекистон овози. 1994йил 25 август.

сабабларга кўра оиланинг биринчи навбатдаги эҳтиёжларини таъминлай олмайдиган кам даромадли оилалар ва ёлғиз фуқаролар (балоғатга етмаган болалари бўлган кўп болали оилалар, боқувчиси ногирон ёки меҳнат қобилятини қисман йўқотган сурункали касал оилалар, ишсизларнинг оилалари, ёлғиз пенсионерлар ва бошқа ўта муҳтож оилалар) киритилди ва ҳар ойда моддий ёрдам кўрсатилиши белгиланди.

Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрган, қишлоқ, овул, шаҳарлардаги маҳаллалар фуқаролар йиғини, йиғинни чақириш имкони бўлмаганда эса кўрганлар, қишлоқлар, овуллар кўчалари, турар жойлари, маҳаллаларнинг фуқаролари вакиллари йиғилишининг қарорига кўра тайинланиши, моддий ёрдам пули ҳар ойда оиланинг моддий ва мулкӣ аҳволига қараб, унга амалдаги энг кам иш ҳақининг 1,5 дан уч бараваригача миқдорда тўланиши, ўзини - ўзи бошқарув органларига ажратилган ва фойдаланилмаган бюджет маблағлари фуқаролар йиғинининг қарорига биноан, аҳоли турар жойларини ободонлаштириш, газлаштириш ва сув билан таъминлашга, шунингдек, бошқа ижтимоӣ муаммоларни ҳал этишга сарфланиши лозимлиги белгиланди<sup>83</sup>.

Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш масаласи ўта оғир, мураккаб масалалардан бири эди, зеро бунда муаммони фақат адолат нуқтаи назаридан, ҳолисона равишда ҳал этиш лозим эди. Таъбир жоиз бўлса, таъкидлаш лозимки, бу демократиянинг кўриниши, унинг амалда ҳал этилиши эди.

Аммо бундай ўта масъулиятли ишга қатор ҳудудларда масъулиятсизлик билан муносабатда бўлиш ҳоллари учради. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримовнинг “кам таъминланган оилаларни ижтимоӣ ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида”ги 1994 йил 23 августдаги Фармони бажаришда айрим камчиликларга йўл қўйилди<sup>84</sup>.

Мазкур Фармоннинг жойлардаги ижроси республика Бош прокуратураси томонидан текширилди ва қатор камчиликлар аниқланди. Жумладан, 1997 йилда Республика ҳудудидаги ўз-

<sup>83</sup> ЎзР МДА.М-15фонд, 1-руйхат, 411-иш, 689-парақ; Демократик жамият қуришда кучли ижтимоӣ сиёсат ва адолат, - Тошкент: Ўзбекистон, 2008. -Б.150.

<sup>84</sup> ЎзР МДА.М-15фонд, 1-руйхат, 903-иш, 150-парақ.

ўзини бошқариш органларининг жорий ҳисоб рақамларидаги маблағларнинг 86,2 фоизигина фуқароларга моддий ёрдам тариқасида тўланган ҳолос. 374,2 млн. сўм тарқатилмай қолдирилди. Сурхондарё вилоятида ишлатилмай қолган маблағларнинг ҳажми 17,4 фоизни ташкил этди. Қашқадарё вилоятида эса 20 фоиз маҳаллаларда белгиланган тартибга зид равишда моддий ёрдам тўловлари амалга оширилди<sup>85</sup>. Умуман, мазкур текширув натижаларига кўра Қашқадарё вилоятида 1997 йилдаги мавжуд 517 маҳалла кўмитаси ва ўзини - ўзи бошқариш органларидан 374 таси текширилди. Шулардан 79 тасида моддий ёрдамнинг белгиланган тартибга зид равишда берилганлиги аниқланди. Сурхондарё вилоятида эса барча маҳалла кўмиталари ва ўзини-ўзи бошқариш органлари сони 576 та бўлиб, уларнинг 41 тасида белгиланган тартибга мос келмайдиган иш бажарилган<sup>86</sup>.

Ўзбек халқининг кўп болали миллат эканлиги ва унинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдаги муайян қийинчиликларни келтириб чиқаришдаги ўрнини эътиборга олиб мамлакат ҳукумати болали оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласига катта эътибор берди. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримовнинг 1996 йил 10 декабрдаги “Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида”ги Фармони алоҳида таъкидлаш лозим. Унга биноан, 1997 йилнинг 1 январидан бошлаб болали оилаларга нафақалар фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари-шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, маҳаллалар фуқароларнинг йиғинлари томонидан тайинланади ҳамда оилаларнинг шундай нафақага муҳтожлиги ҳисобга олиниши бошланди. Юқоридагиларга мувофиқ 1 нафар болали оилаларга энг кам иш ҳақининг - 100 фоизи, 3 нафар болали оилаларга - 140 фоизи, 4 нафар ва ундан ортиқ болали оилаларга 175 фоизи миқдорида тўланадиган бўлди<sup>87</sup>. Фармонда болали оилаларга нафақа бериш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш чоғида ижтимоий адолат тамойилларига оғишмай риоя этиш, кенг ошкоралик ва очиқликни таъминлаш, ажратилган маблағлар-

<sup>85</sup> ЎЗР МДА.М-15фонд, 1-рўйхат, 903-иш, 151-варак.

<sup>86</sup> ЎЗР МДА.М-15фонд, 1-рўйхат, 903-иш, 155 - варак.

<sup>87</sup> ЎЗР МДА.М-15фонд, 1-рўйхат, 1045 - иш, 150-варак..

дан мақсадли ва самарали фойдаланишга эришиш мажбурий эканлиги таъкидланди.

Ўтган асрнинг 90-йиллари иккинчи ярмига келиб Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-мафкуравий институт ва мустақил субъект сифатида маҳалланинг шаклланиши юзага келди. Улар инсондаги муаммоларни адолатли ҳал этувчи, оилаларнинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза қилувчи, кам таъминланган оилалар, қаровсиз қариялар, уруш ва меҳнат ногиронлари, етим-есирлар, табиий офатдан зарар кўрганларни ижтимоий ҳимоялаш, маҳаллаларни ободонлаштириш ва уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатувчи орган сифатида жамиятда таъсирчан нуфузга эга бўлди.

Бу борада Қашқадарё вилоятида ҳам талай ижобий ишлар амалга оширилди. 1998 йилда вилоятда 1 та шаҳар, 14 туманларда “Маҳалла” жамғармалари бўлимлари бўлиб, улар таркибида 368 юридик мақомга эга бўлган маҳаллалар бор эди. Уларнинг 180 таси шаҳар ва туман марказларида, 188 таси эса қишлоқ фуқаролар йиғинлари қошида янгидан ташкил этилганди. 226 маҳалла эса қишлоқларда жамоатчилик асосида фаолият кўрсатди. 368 нафар маҳалла оқсоқоллари ва шунча котиблари ҳокимликларда маҳаллий бюджетдан маош олдилар.

“Маҳалла” жамғармаси вилоят бўлими томонидан анча хайрли ишлар амалга оширилди. Биргина 1997 йилда “Наврўз” байрамида 50 оилага 35 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Республика мустақиллиги тантаналари арафасида 36 минг сўмлик кийим-кечак ҳадя этилди.

Маҳалла фаоллари вилоятдаги тадбиркор, ишбилармонларнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятини мунтазам равишда қўллаб-қувватлаб турдилар. Бу борада, айниқса, Қарши шаҳридаги Қарлуғбоғот маҳалла фуқаролари йиғини раиси, “Ботир” зардўзлик фирмасининг бошлиғи Гулчехра Пиримқулова, “Мансур ота” хусусий чойхонасининг бошлиғи Тўра Мансуров, “Али Салим” фирмасининг бошлиғи Самад Насруллаев, Косон туманидаги “Роҳат” хусусий чойхонасининг бошлиғи Аҳмад Ҳожи Насриддинов каби ўнлаб тадбиркорлар даромадларининг бир

қисмини маҳалла ободончилиги, камхарж оилаларни ижтимоий ҳимоялашга сарфлашди<sup>88</sup>.

Бундай ижобий ишлар билан бирга ўрганилган даврда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида маҳалла роли, ижтимоий нуфузига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар ҳам кўп учради. Улар кўпроқ субъектив сабаблар туфайли содир бўлди. Масалан, Ўзбекистон ҳукуматининг кам таъминланган ва болали оилаларни ижтимоий муҳофаза қилишга оид қарорлари, кўрсатмаларини бажаришда маҳалланинг айрим ҳолларда эътиборсизлиги, таниш-билишчиликка йўл қўйиш ҳолатлари юзага келди.

Масалан, Қашқадарё вилоятида 629 та оилага 2 млн. сўм пул миқдоридан моддий ёрдам ноқонуний тарзда берилган. Шунингдек, вилоятда ўнлаб ижтимоий муҳофазага муҳтож фуқароларнинг аризалари асоссиз равишда рад этилиб, уларнинг ижтимоий ҳимояга бўлган ҳуқуқлари қўпол поймол этилган. Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги "Кўктепа" кишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи 639 та кўп болали оилаларнинг ижтимоий ёрдамга бўлган ҳуқуқлари поймол қилинганлиги ҳолатлари прокуратуранинг аралашуви билан бартараф этилди.

Маҳалла қўмиталари кам таъминланган ва болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун ажратилган бюджет маблағларидан фойдаланиш аҳволи ҳам юксак талаблар даражасида бўлмади. Масалан, ушбу мақсадларга ажратилган маблағларнинг 26 фоизи Сурхондарё вилояти бўйича фойдаланилмасдан қолди. Болали оилаларга нафақа тайинлаш учун республика бўйича 17,7 млрд. сўм маблағ ажратилиши белгилангани ҳолда амалда ушбу маблағнинг 83,2 фонзи молиялаштирилган, холос. Қашқадарё вилоятида эса бу рақам 81 фоизни ташкил этди. Мазкур вилоятда болали оилаларга 1998 йилда жами тайинланган нафақалардан 20,6 млн. сўми йил охирига қадар тарқатилмасдан қолган.

Икки ёшгача бўлган болаларнинг парвариши учун 1998 йилда Сурхондарё вилоятида ажратилган 477,0 млн. сўмлик пул маблағларининг 99,1 млн. сўми, Қашқадарё вилояти

<sup>88</sup> Қашқадарё вилояти "Маҳалла" жамғармасининг жорий архиви. 1997 йилги ҳисоботлар. –Б.2.



бўйича 1,2 млрд. сўмлик пул миқдорининг 148,7 млн. сўми банк муассасаларида нақд пул бўлмаганлиги сабабли ўз вақтида тўланмасдан қолди.

Айрим ҳолларда ажратилган пул маблағларининг мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари ҳам кенг тарқалди, ижтимоий таъминотга муҳтож аҳоли учун Қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқлари қўпол равишда бузилишларига йўл қўйилган. Масалан, Республика Халқ банкининг Сурхондарё вилояти Сариосиё туман бўлими бошқарувчиси Б.Дўсанов ўз хизмат мансабини суистеъмол қилиб, 1998 йил сентябрь-октябрь ойларида болали оилаларга тарқатилиши лозим бўлган катта ҳажмдаги пул маблағларини савдо ташкилотларининг ҳисоб-рақамларига ўтказиб бериш йўли билан нафақа тайинланган оилаларга нақд пул ўрнига ун, пахта ёғи каби маҳсулотлар тарқатилишига ва уларнинг манфаатларига зиён етказилишига йўл қўйган <sup>89</sup>.

Бундай камчиликларга қарамасдан, ўрганилган даврда ўзини-ўзи бошқариш органи сифатида маҳаллаларнинг аҳолини ижтимоий ҳимоялашдаги роли аста-секин ортиб борди. Аҳолининг маҳаллага ишончи кучайиб борди. Миллий характерга хос равишда аҳолининг жамоавийлик асосида яшашга бўлган интилиши туфайли кишилар ўзларининг қувончу-хурсандчилиги, ғаму-ташвишини маҳалла билан боғладилар. Республика миқёсидаги барча тадбирлар маҳалланинг йўналтирувчанлик функцияси асосида олиб борилди.

Таъкидлаш лозимки, маҳалланинг вазифаси фақатгина аҳолининг моддий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишдангина иборат бўлмади. Маҳалла кишилар ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий ҳаётининг ҳам марказига айлана борди. Аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий маданияти, сиёсий савиясини кўтариш каби масалаларга эътибор кучайтирилди.

Шу маънода маҳалла қўмиталарининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликдаги фаолияти кучая борди, профилактик тадбирлар ўтказиш зарурати сезилиб борди. Бунга, шубҳасиз, асослар бор эди. Масалан, 2002 йилда Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги Хўжаназар маҳалласида

<sup>89</sup> ЎЗР МДА. М-15-фонд, 1-рўйхат, 1045-иш, 349-варак.

9 та жинойтчилик, 209 та ҳуқуқбузарлик, Қурбонов номли маҳаллада 15 та жинойтчилик, 204 та ҳуқуқбузарлик, Миришкор туманидаги Янги Миришкор маҳалласида 21 та жинойтчилик, 97 та ҳуқуқбузарлик, Обод қишлоқ фуқаролар йиғинида 6 та жинойтчилик, 142 та ҳуқуқбузарлик, Китоб туманидаги Севаз қишлоқ фуқаролар йиғинида 13 та жинойтчилик, 20 та ҳуқуқбузарлик, Боғбон қишлоқ фуқаролар йиғинида 4 та жинойтчилик, 25 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланган<sup>90</sup>.

Масаланинг бундай ачинарли ҳолатда мавжуд бўлишининг сабабларидан бири аҳолининг ҳуқуқий саводсизлиги, сиёсий маданият даражасининг етишмаслиги бўлса, бошқа томондан, маҳалла қўмитаси, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳамкорликдаги ишлари самарасизлигидир.

Айни пайтда, маҳалла қўмиталари иш сифатининг яхшиланишига ушбу органни моддий-иқтисодий жиҳатдан таъминланишидаги қийинчиликлар ҳам таъсир кўрсатди. Масалан, Қарши шаҳрида Худойзот, Янги турмуш, Бешгумбаз, Мустақиллик каби 10 та маҳалланинг хизмат идораси йўқ. Қарликхона маҳалласининг идораси 3-сон ўрта мактаб ошхонасининг ёрдамчи биносида жойлашган. Чармгар маҳалласининг идораси эса шу маҳалладаги масжид биносида жойлашган.

Касби туманидаги Назартепа, Октепа, Қоратепа маҳаллаларида ҳам идоралар учун бино ажратилмаган. Бундай маҳаллалар Чироқчи, Қамаш, Дехқонобод ва Шаҳрисабз туманларида ҳам талайгина эди. Вилоят бўйича ҳар 2 маҳалланинг биттасида стол, стул, ҳужжатларни сақлаш учун шкаф каби жиҳозлар етишмасди.

“Маҳалла” жамғармаси шаҳар, туман бўлимларининг молиявий ҳолати қисқарсиз аҳволга тушиб қолган эди. Жамғарманинг Қарши шаҳар бўлими ҳисобида 406 минг сўм, Ғузор тумани бўлими ҳисобида 43 минг, Косон тумани бўлимида 72 минг сўм, Касби тумани бўлими ҳисобида 7 минг сўм пул маблағи бор эди, холос.

<sup>90</sup> Қашқадарё вилоти “Маҳалла” жамғармасининг жорий архиви. Қашқадарё вилоти “Маҳалла” жамғармасининг 2002 йилдаги иш ҳисоботи. 2002.-Б.4.

Дехқонобод, Қамаш, Муборак, Нишон, Қарши туманлари бўлимларининг ҳисоб рақамида эса мутлақо пул маблағи йўқ эди <sup>91</sup>.

Бундай ҳолат, табиийки, маҳалла кўмиталари иш фаолиятига, шубҳасиз, салбий таъсир кўрсатар эди. Ваҳоланки, ўрганилган даврда, айниқса, 2000 йиллар бошидан маҳалла нуфузи жиҳатдан аҳоли орасида энг обрўли жамоат ташкилоти, ўзини-ўзи бошқариш органига айланган эди.

Маҳалла ўз тузилмасига эга, шаклланган ижтимоий институт, ўзини-ўзи бошқаришнинг куйи органига айланиб бўлган эди. Масалан, Сурхондарё вилоятида маҳалла фуқаролар йиғини тизими 27 бўлимдан иборат эди. Булар ичида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчи, маънавият тарғибот комиссияси, спорт ишларини ташкил этиш комиссияси, жамоат хавфсизлигини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жазони ўтаб чиққан шахслар билан ишлаш комиссияси, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш комиссияси каби кўплаб комиссия, бўлимлар фаолият кўрсатди <sup>92</sup>.

Ушбу бўлинмалар иши маҳалла фуқаролар йиғини Кенгаши томонидан мувофиқлаштириб турилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Республика ҳукумати томонидан эълон қилинган ҳужжатлар, фармон, қарорларни ўрганиш, ўз фаолиятига жорий қилиш, аҳоли ўртасида ижтимоий адолат тамойилларига амал қилиш масалалари ҳал этила борди. Шунингдек, мазкур ишлар туфайли маҳалла кўмиталарининг энг куйи ўзини-ўзи бошқариш органи сифатидаги тажрибаси ортиб борди.

Олиб борилган ишлар натижасида маҳалла кўмиталарига аҳоли томонидан билдирилган ишонч орта борди. Бунинг сабаби эса маҳаллалар аҳоли ўртасида улар ижтимоий ҳимоясини ташкил этишда мақсадли равишда ишлаш амалиётига ўта бошлади.

Шу мақсадда Сурхондарё вилоятида аҳолининг эҳтиёжманд қатлами таҳлил этилди ва уларга моддий-иқтисодий ёрдам, мурувват кўрсатиш тизими ишлаб чиқилди. Жумладан,

<sup>91</sup> Қашқадарё вилояти "маҳалла" жамғармасининг жорий архиви. Қашқадарё вилояти "Маҳалла" жамғармасининг 2002 йилдаги иш ҳисоботи. 2002.-Б.5.

<sup>92</sup> Сурхондарё вилояти "Маҳалла" жамғармаси жорий архиви. 2002 йил ҳисоботлари.-Б.21.

2005 йилда бу ерда 5 тоифадаги аҳолига моддий ёрдам ва муруват кўрсатилди. Булар куйидагилар эди:

- кўп болали оилалар;
- ёлғиз кекса фуқаролар;
- боқувчисини йўқотган оилалар ва етим-есирлар;
- ногиронлиги мавжуд бўлган оилалар;
- бошқа тоифадаги эҳтиёжманд оилалар.

Ушбу тоифага моддий-иқтисодий ёрдам кўрсатиш ва муруват улашишда маҳалла кўмиталари фақат бюджет маблағидан фойдаланишнинг ўзи билан чекланиб қолмадилар. Умуман бундай ёрдам “Маҳалла” жамғармаси, маҳалла фуқаролар йиғини, бошқа ҳомийлар ҳисобидан амалга оширилди. Масалан, биргина 2005 йилнинг 3-чорагида ҳомийлар ҳисобидан Термиз шаҳридаги кўп болали оилалар учун 55,2 млн. сўм, Шеробод тумани учун 23,2 млн. сўм, Қизириқ тумани учун 41,4 млн. сўм, Ангор тумани учун 42,5 млн. сўм пул маблағлари ажратилди<sup>93</sup>.

Бундай ҳомийлик ҳаракати ўрганилган даврда аста-секинлик билан кучая борди. Мамлакатда аста-секин иқтисодий барқарорликнинг кучая бориши, бозор муносабатларининг такомиллашуви, ишбилармонлик ва тадбиркорликнинг ривожланиши туфайли аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмини кўллаб-қувватлаш имкониятлари ҳам кенгая борди.

Айни пайтда маҳалла кўмиталарининг иш самарадорлиги ҳам орта борди. Масалан, 2005 йилда Сурхондарё вилоятида жами 651 та маҳалла кўмиталари иш олиб борди. Уларда 642 та маслаҳатчи фаолият кўрсатди. Умуман, 2003 йилдан бошлаб маҳалла кўмиталари қошида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчи лавозимларининг ташкил этилиши катта воқеа бўлди. Бундай маслаҳатчилар аҳолининг ичига, айниқса хотин-қизлар билан ишлаш жараёнига бемалол кириб борар, улар муаммолари билан яқиндан танишар, пировард мақсадда аниқ маслаҳатлар беради.

Натижада, бу борадаги ишлар ўз самарасини бера бошлади. 2005 йилги маълумотларга кўра, Сурхондарё

<sup>93</sup> Сурхондарё вилояти “Маҳалла” жамғармаси жорий архиви. Аҳолининг эҳтиёжманд қатламига кўрсатилган муруват ёрдами кўрсаткичлари. 2005.-Б.27.

вилоятида турли мавзуларга оид 1824 та турли тадбирлар ўтказилди. Маҳаллалар кўмиталари аҳолини, айниқса, хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор бера бошлади. Биргина 2005 йилнинг ўзида Сурхондарё вилоятида 1323 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди.

Шу билан бирга ҳали вилоятда бажарилиши лозим бўлган кўплаб муаммолар мавжуд эди. Хусусан, диний ақида-парастликка мойил бўлганлар сони анча камайган бўлсада, уларнинг сони Денов (16 нафар), Жарқўрғон (3 нафар), Узун (4 нафар) туманларида кўп эди. Умуман, шу даврда уларнинг сони 23 кишини ташкил этар эди.

Вилоятда бу борада яна қатор муаммолар мавжуд эди. Масалан, нотинч оилалар сони аввалги йиллардагидан жиддий камайган бўлса-да, ҳали бу борадаги ишларни қониқарли, деб бўлмасди. Шу йили вилоятда нотинч оилалар сони 559 оилани ташкил этди. Бу рақам вилоят туман, шаҳарлар кесимида турлича кўринишга эга бўлди. Хусусан, Шўрчи (0), Сариосиё (1), Бандихон (2), Қизирик (4) каби туманларда нотинч оилалар сони жуда кам бўлгани ҳолда, Денов туманида улар сони 179, Олтинсой туманида 213 тани ташкил этарди.

Жиноий жавобгарликка тортилган шахслар сони жихатидан ҳам туман, шаҳарлар кесимида жиддий фарқлар бор эди. Масалан, 2005 йили вилоят бўйича жиноий жавобгарликка тортилганлар сони 118 нафарни ташкил этган бўлса, уларнинг 37 нафари Олтинсой, 18 нафари Денов туманларига тўғри келди. Фоҳишабозлик (17 нафар) ҳолатлари ҳам айнан шу туманларда аниқланди<sup>94</sup>.

Юқорида санаб ўтилган муаммолар Денов, Олтинсой каби туманларга тўғри келиши мазкур ҳудудларда маҳалла кўмиталари томонидан олиб борилаётган ишлар самараси суст эканлигидан далолат беради. Аҳоли ўртасида мақсадли равишда ва аниқ манзилли режалар асосида иш олиб борилган жойлардаги ишлар самараси ва натижасини берди. Аммо бу ишга алоҳида эътибор қаратмаганларда эса юқоридаги каби муаммолар кўпайиб бораверди.

<sup>94</sup> Сурхондарё вилояти “Маҳалла” жамағмаси жорий архиви. “Маҳалла” кўмиталари маслаҳатчилари иши бўйича ҳисоботлар.-Б.38.



Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида Қашқадарё вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Вилоят ҳокимининг 2003 йил 21 февралдаги махсус қарорига асосан “Маҳалла” жамғармаси вилоят бўлимининг дастури ишлаб чиқилди. 84 моддадан иборат ушбу дастур 7 бўлимдан иборат эди. Маҳалла фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, маҳаллаларда тадбиркорликни кучайтириш, хизматлар ва савдо соҳасини ривожлантириш ҳамда кичик бизнес соҳаси орқали янги иш ўринларини барпо этиш, маҳалла ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, кам таъминланган оилалар ижтимоий муҳофазасини кучайтириш ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, кекса авлодга эътибор бериш ва ғамхўрлик қилишни кучайтириш, аҳолига тиббий ва санитария-курорт хизматини кўрсатишни яхшилаш, болалар спортини ривожлантириш, фуқаролар ўртасида маънавий-ахлоқий тарбия ишлари самарадорлигини ошириш каби масалалар дастурда алоҳида ўринга эга бўлди<sup>95</sup>.

Юқорида номи тилга олинган дастурда маҳаллаларда тадбиркорликни кучайтириш, кичик бизнес соҳаси орқали Янги иш ўринларини ташкил этишга алоҳида аҳамият берилган. Жумладан, 2003-2004 йилларда вилоят бўйича кичик ва ўрта бизнес соҳасида 17500 та янги иш ўринларини ташкил этиш, хусусан, 6750 ўринли кичик корхоналар ташкил этиш, 3000 кишилик яқка тартибдаги тадбиркорлик, 750 оилавий бизнес ва касаначилик меҳнатини ташкил этиш каби вазифалар белгиланди. Мазкур вазифаларни бажариш маҳалла кўмиталарининг кундалик ишига айлантирилди. Шу мақсадда маҳалла кўмиталарида иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофазани ташкил этиш бўйича фуқароларга хизмат қилувчи меҳнат пунктлари иш бошлади.

Дарҳақиқат, Қашқадарё вилоятида ўзига хос демографик вазият мавжуд бўлиб, бу ерда республиканинг болалар туғилиши бўйича энг юқори кўрсаткичи кўзга ташланар эди. 2004 йилги маълумотларга кўра вилоятда 2349,9 минг киши истиқомат қилган бўлса, уларнинг 1135,0 минг нафари, деярли ярми вояга етмаган болалар эди. Бундай ҳолатда вилоятда

<sup>95</sup> Қашқадарё вилояти “Маҳалла” жамғармаси жорий архиви. “Маҳалла” жамғармаси вилоят бўлимининг Дастури. -Б.3-18.

ижтимоий муаммоларни ҳал этиш маълум қийинчиликларни юзага келтирар эди.

Айни пайтда Қашқадарё вилоятида 30685 кам таъминланган оила, 19913 та боқувчисини йўқотган оила, 874 та ўзгалар парваришига мухтожлар, 151 та ўзига хизмат қила олмайдиганлар, 54468 нафар ногиронлар бор эди.

Бундай муаммоли вазият маҳалла кўмиталари зиммасига жуда масъулиятли вазифаларни қўйди. 2004 йилнинг биринчи ярим йилининг ўзида 2164 нафар уруш қатнашчилари ва ногиронлар, 155 нафар урушда ҳалок бўлган жангчиларнинг оилаларига моддий ёрдам берилди, 3633 та моддий ва хайрия тадбирлари ўтказилди. Уларда 142890 нафар фахрийлар қатнашдилар.

Маҳалла кўмиталари бу тадбирларга корхоналар, муассасалар, жамоа ва фермер хўжаликлари, тадбиркорлар, хайрия ёиҳлари, давлат ва нодавлат ташкилотларини кенг жалб қилишга ҳаракат қилдилар. Улар томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича қатор ибратли ишлар ҳам амалга оширилди. Шулардан бири Китоб туманида кенг ёйилган ташаббус ҳисобланади. Унга биноан тумандаги “Меҳрибонлик уйи” да тарбияланаётган 110 нафар болаларни (шундан 80 нафари ўғил, 30 нафари қиз болалар) туман раҳбар ходимлари ўзларининг ҳомийлигига олдилар. Шу тумандаги фуқаро Бурҳон Исломов “ Меҳрибонлик уйи ” да тарбияланаётган 20 нафар боланинг суннат тўйини ўтказиб берди <sup>96</sup>.

Қашқадарё вилоятида аҳолига мурувват кўрсатиш ҳаракати кенгайиб борди. 2006 йилги маълумотларга кўра вилоятда жами кам таъминланган оилалар сони 21075 нафарни ташкил этди. Улардан 16500 тасига моддий жиҳатдан ёрдам кўрсатилди. Кўрсатилган моддий ёрдамнинг ҳажми 20256,1 млн. сўмни ташкил этди. Тадбиркор ишбилармонларнинг мурувват ёрдамлари кенгайиб борди. Масалан, Касби туманида 10 та оилага бир бошдан қорамол, Миришкор туманида 4 оилага 4 бош қорамол, Қарши шаҳрида эҳтиёжманд оилаларга 10 гилам, 6 та телевизор берилди <sup>97</sup>.

<sup>96</sup> Қашқадарё вилояти “Маҳалла” жамғармаси жорий архиви. “Маҳалла” жамғармасининг 2004 йилги ҳисоботи.-Б.5.

<sup>97</sup> Қашқадарё вилояти “Маҳалла” жамғармаси жорий архиви. Мурувват ёрдами ҳақида маълумотлар.-Б.21.

Бундай ижобий ҳолатлар билан бирга вилоятда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, кам таъминланган оилаларни моддий-иқтисодий жиҳатдан таъминлашда қатор камчилик, хатоларга йўл қўйилганлиги ҳам аниқланди. Масалан, Қашқадарё вилояти молия ва назорат тафтиш ходимлари томонидан ушбу соҳага маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағлардан тўғри фойдаланилиши юзасидан 2006 йилнинг 9 ойидаги ҳолати ўрганилди. Бунда вилоятдаги барча маҳалла кўмиталарининг 73 фоизи фаолияти таҳлил этилди. Ўтказилган текширишлар натижасида бюджетдан 846 ҳолатда 10564,0 минг сўмлик кам даромадли оилаларга ажратилган моддий ёрдам ва нафақа пуллари амалдаги Низом қоидаларига риоя қилинмасдан тайинланиб тўланганлиги аниқланди. Шундан моддий ёрдам 13 ҳолатда 243,0 минг сўм оилани моддий-мулкӣ ва бошқа даромадлари тўлиқ ҳисобга олинмасдан тайинланиб тўланганлиги, 16 ёшгача вояга етмаган болалари бўлган оилаларга тўланадиган нафақа пулларида 579 ҳолатда 6115,0 минг сўм ва 2 ёшгача бола парваришида бўлган ишламайдиган оналарга тўланадиган нафақа пулидан 254 ҳолатда 4206,0 минг сўмни ташкил этган.

Текшириш натижалари бўйича аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш, ошиқча тўланган маблағларни бюджетга тиклаш ва келгусида бундай хато ва камчиликларга йўл қўймаслик мақсадида туман ва шаҳар молия бўлимлари томонидан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ёзма равишда кўрсатма хатлари берилган. Айбдор шахсларга нисбатан Қонунда белгиланган тартибда чора кўриш мақсадида жойлардаги ҳокимликлар ва 34 маҳалла кўмиталарининг текшириш материаллари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига берилди<sup>98</sup>.

Бундай камчиликлар деярли барча вилоятларда мавжуд эди. Шу нуқтаи назардан маҳалла институтининг ижтимоий нуфузини ошириш, аҳолининг унга бўлган ишончини кенгайтириш мақсадида мазкур фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи фаолиятини такомиллаштиришга катта эътибор берилди. Айниқса бу нарсага эътибор 2003 йилдан, Ўзбекистон Республикасида “Обод маҳалла йили”

<sup>98</sup> Қашқадарё вилояти “Маҳалла” жағфармаси жорий архиви. Вилоят Молия бошқармасининг ҳисоботи. 2006. - Б.3.

эълон қилингандан сўнг янада кучайди. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислон Каримов бу ҳақида гапирар экан, шундай деган эди: “Маҳалланинг аҳамияти ва ўрни ҳақида гапирганда, инсоннинг, оиланинг маънавий олами, ундан хабардор бўлиш, уни англаш, бу рухий дунёга қўполлик билан аралашмасдан, унинг ижобий асосда шаклланишига нозиклик билан таъсир ўтказишда, ўйлайман-ки, маҳалладек идорага тенг келадиган бошқа бирон – бир восита йўқ”<sup>99</sup>.

Ҳақиқатдан ҳам, юқорида таъкидлангани каби, ўзбек оиласининг мавжудлиги кўп жиҳатдан маҳалла билан уйғунлашиб кетган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда мазкур ўзини-ўзи бошқариш органининг фаолиятини янада такомиллаштиришга устувор аҳамият берилди. Сурхондарё вилоятида 2002-2007 йилларда “Маҳалла” жамғармаси вилоят бўлими бошқарувининг 10 та Пленуми, 30 та раёсат йиғилишлари ўтказилди, уларда жами 480 та қарорлар қабул қилинди.

Бу даврда “Маҳалла” жамғармаси Сурхондарё вилоят бўлимига турли ташкилотлар, фуқаролардан жами 721 та ариза ва шикоятлар тушди. Жумладан, 2002 йил 193 та, 2003 йилда 93 та, 2004 йили 97 та, 2005 йилда 104 та, 2006 йилда 111 та, 2007 йилнинг 6 ойи мобайнида 123 та ариза ва шикоятлар рўйхатга олинди. Ушбу статистикадан кўриниб турибдики, ариза ва шикоятлар сони йилдан-йилга кўпайиб борди. Бунинг сабабини икки маънода тушуниш мумкин. Бир томондан, айрим жойларда белгиланган тартиб-қоидаларни бузиш ҳоллари учраб турибди. Иккинчидан, фуқароларда маҳалла қўмиталарига ишонч ортиб борди, улар Ушбу органга ўзларининг дарду-ҳасратларини билдирадиган ва кўмак оладиган муассаса сифатида қарадилар.

Шу билан бирга қатор маҳаллалар фаолиятида янги ташаббуслар пайдо бўлди. “Маҳалла” жамғармаси Сурхондарё вилоят бўлими илғор маҳаллалар фаолиятини оммалаштириш мақсадида, 2006 йили вилоят кўрик-танловини ўтказди. Унга биноан Бойсун туманидаги Н.Аъзамов, Ангор туманидаги “Наврўз”, Қизирик туманидаги “Рабатак”, “Янги ҳаёт”, Термиз шаҳридаги “Учкун”, “Алпомиш”, Жаркўрғон

<sup>99</sup> Каримов И.Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунёбилан ҳамкорлик йўли. Т.11.- Тошкент:Ўзбекистон, 2003.- Б.112.

туманидаги “Меҳнат-роҳат”, “Исмоилтепа”, Кумқўрғон туманидаги “Дўстлик”, Шўрчи туманидаги “Полвонтош”, Денов туманидаги “Наврўз”, “Янгиобод-1”, Сариосиё туманидаги М.Улуғбек, Узун туманидаги “Янги гузар”, Бандихон туманидаги “Навбахор” маҳаллалари фаолияти, иш тажрибаси кенг оммалаштирилиши тавсия этилди.

2002-2007 йилларда “Маҳалла” жамғармаси вилоят бўлими, шаҳар ва туман бўлимлари ҳисобига 1560 млн.сўм пул маблағи тушди. Шундан 822 млн. сўм хайрия ҳашарларидан, 598 млн. сўм ҳомийлик хайрия ёрдамларидан тушган маблағлардир.

Кам таъминланган оилаларни моддий-иқтисодий жиҳатдан таъминлашда маҳалла кўмиталари турли усул, воситалардан фойдаландилар. 2007 йилда Сурхондарё вилоятида маҳаллаларда истиқомат қилган кам таъминланган оила фарзандлари ва махсус мактаб интернатларида тарбияланувчи болалардан 2560 нафарига жамғарма ва ҳомийлар томонидан 43,4 млн. сўмлик кийим-кечаклар берилди. Жумладан, “Маҳалла” жамғармаси вилоят бўлими ва бўлинмалари ҳисобидан 511 нафар кам таъминланган оила болаларига 6 млн. 300 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди.

“Наврўз” байрами муносабати билан хайрия ҳашаридан тушган маблағлар ҳисобидан ва ҳомийлар томонидан 2151 та кам таъминланган ва кўп болали оилалар фарзандларига ва ногиронларга 24,4 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Термиз шаҳрида шаҳар ҳокимлиги ва жамғарма ташаббуси билан ҳомийлар томонидан ижтимоий ҳимоя йили дастури асосида махсус хайрия тадбирлари уюштирилиб, 27 та ёрдамга муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатилди. Жумладан, 4 дона телевизор, 40 дона гилам совға сифатида берилди<sup>100</sup>.

Маҳаллаларнинг фуқароларни ижтимоий ҳимоялашда, кам таъминланган оилаларни, эҳтиёжманд аҳолининг моддий-иқтисодий аҳволини яхшилашдаги маҳалла нуфузи тобора ортиб борди. Ўзбекистон Республикасида ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ортиб бориши, фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар туфайли маҳалла кўмиталари ҳуқуқлари кенгая борди. Энди мазкур

<sup>100</sup> Сурхондарё вилояти “Маҳалла” жамғармаси жорий архиви. Жамғарманинг вилоят бўлими фаолияти. 2007.-Б.8.



ижтимоий институтнинг тавсиясисиз бирон-бир жиддий тадбирни ўтказиш қийин бўлди.

Маҳалла қўмиталарининг ташаббуслари билан 2008 йилда Сурхондарё вилоятида 27271 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти иш олиб борди. Уларни молиявий қўллаб-қувватлаш ва бизнесни йўлга қўйиш учун 2008 йилнинг 9 ойида 29,8 млрд. сўм кредит маблағи ажратилди. Бундан ташқари, 14449 та ёш оилага тижорат банклари томонидан 4,7 млрд. сўм миқдорида ипотека, истеъмол ва микрокредитлар ажратилди<sup>101</sup>. Маҳалла қўмиталари тавсияси асосида Қарши шаҳрининг ўзида 68 минг аҳоли кичик бизнес билан шуғулланди<sup>102</sup>.

Маҳалланинг ёш оилаларни қўллаб-қувватлашдаги роли ҳам ортиб борди. 2007 йил давомида Қашқадарё вилоятида “Асакабанк”нинг вилоят филиали томонидан 31 та ёш оилага 1068000 минг сўмлик ипотека кредитлари ажратилди. 2008 йилнинг 5 ойи давомида 34 ёш оилага 852500 минг сўмлик кредитлар ажратилди<sup>103</sup>.

2012 йилда давлат бюджети умумий харажатларининг 59 фоизи айнан социал соҳаларга, яъни аҳолининг эҳтиёжини қондиришга йўналтирилгани, аҳолининг реал даромадлари ўртача 17,5 фоизга ошгани, давлат бюджетидан ойлик оладиган ходимларнинг иш хақи, нафақа ва стипендиялар миқдори ўртача 26,5 фоизга ўсганини алоҳида қайд этиш керак.

2013 йилда эса аҳолининг реал даромадларини кўпайтириш, жумладан, иш хақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар 23 фоиздан кўпроқ оширилди.

2014 йил “Соғлом бола йили” давлат дастурига мувофиқ 700 дан зиёд кам таъминланган оила фарзандларининг тўй маросимлари ўтказилди.

2015 йилда эса “Давлат дастури”да белгиланган ишларни бажариш учун 2 триллион 246,5 миллиард сўм ва 229,6 миллион доллар ажратилди.

Шундай қилиб, ўтган давр мобайнида Сурхондарё вилоятида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда маҳалланинг

<sup>101</sup> Сурхон тинги. 2008 йил 4 ноябрь.

<sup>102</sup> Ҳуқуқ 2009 йил 2 апрель.

<sup>103</sup> Маҳалла. 2008 йил 28 май.

ўрни ва роли ортиб борди. Маҳаллаларда тадбиркорлик, ишбилармонлик ҳаракати, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик фаолиятининг ривожлантирилиши у ёки бу ҳудудда мавжуд бўлган қатор муаммоларни ҳал этишга имкон берди. Энг аввало, аҳоли иш билан таъминлана бошлади. Натижада, аҳолининг турмуш шароитлари яхшилана борди. Шу билан бирга кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ўз навбатида ҳудуднинг инфратузилмасига ижобий таъсир кўрсата бошлади, йўллар текисланди, янги маиший-савдо иншоотлари юзага кела бошлади. Буларнинг барчаси маҳалла ижтимоий институтининг бевосита раҳбарлиги асосида олиб борилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг Жанубий вилоятларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда маҳалланинг ўрни ва роли ортиб борди. Маҳалла кўмитаси-ташаббускор, уюштирувчи, йўналтирувчи жамоат ташкилотига айланди. Маҳаллада ҳўжалик ва маданий-маиший қурилиш тадбирларини амалга ошириш, унинг ҳудудини ободонлаштириш, уй-жойларни ва ҳудуддаги шаҳар, қишлоқ жойларида озодаликни таъминлаш, тартиб-қондани мустаҳкамлаш учун шароитлар яратилди.

Шунингдек, маҳалла кўмиталари мазкур ҳудудда ижтимоий барқарорликни таъминловчи, ғоявий-мафкуравий бирликни таъминловчи, аҳоли яшаш шароитларини тартибга келтирувчи, таъсирчан кучга эга бўлди. Энг муҳими, аҳолининг маҳалла кўмитаси, фаолларига бўлган ишончи кучайиб борди. Аҳоли ўз манфаатлари қондирилишини маҳалладан қидира бошладилар. Маҳаллаларда ижтимоий адолат тамойилларига амал қилиш кучая борди.

Айни пайтда бу борада қатор камчилик, хатолар ҳам мавжуд эди:

*-айрим маҳаллаларда кам таъминланган аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатишда таниш – билишчиликка йўл қўйила бошланди. Афсуски, бу амалиёт ҳозиргача давом этмокда;*

*-кўнлаб маҳалла кўмитаси раис (оқсоқол)ларининг касбий, билим даражалари жуда юқори эмас. Тажрибаси кам, "юқори"нинг топиригини бажаришдангина фаолият олиб борадиган оқсоқоллар сони ҳам кўп. Бу эса ўз навбатида ташаббусни тўсмоқда;*

-маҳалла қўмиталари биноларини қуриш, ишга тушириш-да маълум ютуқларга эришилган бўлсада, ўрганилган даврда қўлаб бундай муассасалар ўз биноларига эга эмасдилар. Айниқса, уларни телефон, телевизор, бошқа техник воситалар билан таъминлашда жиддий муаммолар бор эди;

-кўп ҳолларда маҳалла қўмиталари, давлат ташкилотлари, бошқарув, ижроия идораларининг бир қисми, уларга ҳисоб берувчи, тадбир ўтказувчи ташкилотга айланиб қолди.

## 2.2. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида “Нуроний” жамғармасининг ўрни

Бир ижтимоий-сиёсий тизимдан бошқасига ўтиш жиддий зиддиятлар, қийинчиликлар билан уйғун ҳолда содир бўлади. Собиқ тизим даврида шаклланган базис ва устқурманинг замон талабларига жавоб бермай қўйиши, мавжуд механизмнинг барбод бўлиши, шубҳасиз, жамият олдига қатор муаммоларни кўндаланг қилиб қўяди. Бозор механизми-ни шакллантириш, аҳолини бўҳронли ҳолатлардан ижтимоий ҳимоялаш, айти пайтда хўжаликнинг янги иқтисодий муносабатларга мос механизмини яратиш жуда оғир масала эди. Бундай даврда аҳолини, айтиқса кекса ёшдаги, эҳтиёжманд нафақахўрлар манфаатини ҳимоя қилиш адолатли жамиятда давлат сиёсатининг устувор йўналишини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев нуроний отахон ва онахонларимизнинг хизматлари ҳақида сўз юритиб, “Айнан ана шундай табаррук инсонларнинг Ватанимизга бўлган буюк меҳр-муҳаббати ва жонқуярлиги туфайли мустақил Ўзбекистон давлатининг мустаҳкам замини яратилди,<sup>104</sup> деди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 9 май “Хотира ва кадрлаш куни” муносабати билан II жаҳон уруши қатнашчиларига 2 миллион сўмдан бир марталик моддий рағбатлантириш тўғрисида

<sup>104</sup> Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент: Ўзбекистон, 2016.-Б.11-12.

эълон қилган фармони ҳам нуронийларга бўлган чексиз эътибор намунаси бўлди<sup>105</sup>.

*Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан берилган алоҳида эътибор туфайли, замонавий ва муҳташам бинолар қурилиб, нуронийлар масканлари ташкил этилгани ҳам кекса отахон ва онахонларимизни бениҳоя қувонтирди.*

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки даврларидан ёши улуг, қарияларни, айниқса нафақахўрларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминловчи мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий асос ва механизмлар ишлаб чиқилди. Уруш қатнашчилари, ногиронлар учун қатор қонун ва қарорларда талай имтиёзлар берилди. Уларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш тизими яратилди.

Шу ўринда мамлакат биринчи Президенти И.Каримовнинг куйидаги фикрлари жуда ўринлидир: «Ҳаётда ўзидан бирон-бир из, яхши ном қолдириш туйғуси одамни куч-қувватга тўлган, навқиронлик пайтида ҳам, кексайган чоғида ҳам тарк этмайди. Ҳаётга муҳаббат, ҳаётга ташналик ҳисси одамзот қалбидан бир умр ўчмайди.

Лекин, табиат қонуни шундайки, йиллар ўтиши билан одам балоғат, камолот даврларидан ўтиб, кексалик палласига кадам қўяди. Шундай пайтда у, аввало, ўз оиласи, фарзандларининг, керак бўлса, маҳалла-қўй, жамиятнинг эътибори ва кўмагига кўпроқ муҳтожлик сезади.

Шунинг учун биз бугунги камолимизда, ҳаёт йўлларида эришаётган ютуқларимизда ота-оналаримиз, мўътабар қарияларимизнинг бекиёс хизмати борлигини унутмаслигимиз, уларнинг оғирини енгил, ҳаётини фаровон қилишга интилишимиз лозим»<sup>106</sup>.

Умуман, ёши улуг, қариялар, нуроний ота-оналарга ғамхўрлик қилиш ўзбек халқининг тарактери, унинг турмуш тарзига бевосита тааллуқлидир. Бу нарса шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз аксини топган. Унинг 66-моддасида «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар», дейилади<sup>107</sup>. Бошқа давлатлардан фарқи

<sup>105</sup> Халқ сўзи. 2017 йил 9 май.

<sup>106</sup> Каримов И. Хавфсизлик ва тиқчилик учун курашмоқ керак. Т.10. - Тошкент: Ўзбекистон, 2002. - Б.162.

<sup>107</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2008. - Б.13.

ўларок, Ўзбекистонда ушбу масалага бу тахлитда муносабатда бўлиши қариялар масаласи мамлакат ижтимоий-иқтисодий сиёсатида алоҳида ўринга эғалигидан далолатдир.

Мустақиллик йилларида уруш ва меҳнат фахрийларига, ёлғиз кексалар ва ногиронларга моддий, маънавий, тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ватандошларимиз хотирасини абадийлаштириш борасида катта кўламда ишлар амалга оширилди. 1995 йили фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги арафасида Иккинчи жаҳон урушида шахид бўлган ва бедарак йўқолган 450 мингга яқин Ўзбекистонлик жангчилар хотирасини абадийлаштириш мақсадида 34 жилдлик “Хотира” китоби нашр этилди. Президентнинг 1994 йил 6 майдаги Фармониға мувофиқ 109 минг уруш қатнашчиси Ўзбекистон Республикасининг илк нишони – “Жасорат” ва “Шуҳрат” медаллари билан мукофотланди<sup>108</sup>.

Қарияларға, ёлғиз, кам таъминланган нафақахўрларни ижтимоий таъминлашда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳам анчагина ишлар амалга оширилди. 1991 йилнинг охирида республика бўйича 30573 нафар ёлғиз қариялар бўлган бўлса, уларнинг 1861 нафари Сурхондарё, 1717 нафари Қашқадарё вилоятларида истиқомат қилдилар<sup>109</sup>.

90-йилларнинг бошларидаги иқтисодий қийинчиликлар нуроний-қарияларни ижтимоий ҳимоялаш муаммосини ҳал этишда маълум узилишларни келтириб чиқарди. Бу нарса айниқса қарияларға ўз вақтида нафақаларини тарқатиш масаласида аниқ кўринди. Масалан, 1992 йилда Қашқадарё вилояти бўйича 106 млн. сўм нафақа берилиши лозим эди. Аммо молиявий етишмовчилик нуктаи назаридан амалда 68 млн. сўм миқдорида нафақа берилди, холос. Сурхондарёда эса бу рақам 82 млн. сўм ўрниға 40 млн. сўмни ташкил этди<sup>110</sup>.

Ёлғиз қариялар устидан ғамхўрлик қилишға алоҳида эътибор берилган бўлса-да, улар олдида турган муаммоларни тўлиқ ҳал этиш имконияти бўлмади. Чунончи, 1992 йилги маълумотларға кўра Қашқадарё вилоятида 1850 нафар ёлғиз қария бўлиб, уларнинг 1293 нафаригагина моддий-иқтисодий

<sup>108</sup> Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. - Тошкент. 2004. №1. - Б.17.

<sup>109</sup> ЎзР МДА М-15-фонд, 1-рўйхат, 91-иш, 120-варак.

<sup>110</sup> ЎзР МДА М-15-фонд, 1-рўйхат, 92-иш, 57-варак.



ёрдам ва хизмат кўрсатилди, холос. Ёлғиз қарияларнинг 909 нафари эса фарзанд ва яқин қариндошларига эга эмасди. Уларнинг 447 нафари мустақил ҳаракат қила олмас, ёрдамга мухтожлар эди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари бўлган ёлғиз қариялар сони 73 нафарни ташкил этарди <sup>111</sup>.

Бундайларни ижтимоий ҳимоялаш жуда муҳим эди. Чунки, авваллари ёлғиз қарияларни рўйхатга олиш тизими шаклланмаган эди. Шу билан бирга кўплаб қариялар аввал давлат муассаса, идора ташкилотларида ишламаганлиги учун уларга давлат нафақасини тайинлашда маълум қийинчиликлар бор эди. Аммо уларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш ҳам мумкин эмасди.

Шунинг учун ҳам мазкур муаммо икки йўл билан ҳал этила бошланди. Биринчидан, уларга маҳаллий бюджет ҳисобидан нафақа берилиши амалга оширилди. Масалан, Қарши шаҳрида М.Рахматова, Н.Қиёмова, М.Абдуллаева, Ў.Отамуродова, С.Жўраеваларга шаҳар ижроия кўмитасининг қарори билан маҳаллий бюджетдан нафақа белгиланди. Иккинчидан, ёлғиз қарияларни ижтимоий ҳимоялаш учун ҳашарлар ташкил этила бошланди. Биргина Қарши шаҳрида 1991 йилнинг тўртинчи чорагида 27 нафар нафақахўрнинг уйи капитал таъмирланди, 41 нафар нафақахўрнинг уйи жорий таъмирланди <sup>112</sup>.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда ҳали ижтимоий ҳимоя тизими шаклланмаган, шунинг учун эҳтиёжманд фуқаролар устидан ғамхўрлик қилишда кўплаб муаммолар мавжуд эди. Энг муҳими, ушбу жараёнда мўкаммал шаклланган механизм йўқ эди. Ўзбекистонда ўша даврда ташкил топа бошлаган турли жамғарма, нодавлат ташкилотлари фаолияти эса ягона мақсадга бўйсундирилмаган эди. “Меҳрибонлик ва саломатлик”, “Болалар фонди”, “Тинчлик” фонди, уруш ва меҳнат фахрийлари фонди, қарлар, кўзи ожизлар, байналминал-жангчилар, “Чернобилчилар” каби ўнлаб фондлар, нодавлат ташкилотлар мавжуд эди. Уларнинг банкларда ўз ҳисоб-рақамлари ҳам мавжуд эди. Аммо ушбу жамғарма, ташкилотлар фаолиятида уйғунлик йўқ, уларнинг ҳар бири ўзича фаолият кўрсатар эди.

<sup>111</sup> Қашқадарё вилоят Давлат архиви (бундан буён: ҚВДА). 142-фонд, 1-рўйхат, 461-иш., 4-варак.

<sup>112</sup> ҚВДА. 142-фонд, 1-рўйхат, 461-иш, 8-варак.

Натижада, ёлғиз қарияларни ижтимоий ҳимоя қилишда бошбошдоқлик юзага келди <sup>113</sup>.

Бундай номутаносибликка барҳам бериш лозим эди. Шунинг учун ҳам 1996 йил 4 декабрда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримовнинг “Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Ушбу жамғарма фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлайдиган нодавлат жамоат бирлашмаси сифатида тузилди. Фармонда жамғармани қўллаб-қувватлаш, унинг фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш давлат ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари, тадбиркорлар, бошқа юридик шахслар ва фуқароларнинг кекса авлод олдидagi фарзандлик бурчи, дея алоҳида таъкидланди.

Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 31 декабрь Қарорига кўра, 17 та давлат ва жамоат ташкилотлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Республика Касаба уюшмалари федерацияси, “Ўзбекнефтгаз” миллий корпорацияси, “Маҳалла” хайрия жамғармаси, “Ватанпарвар” ташкилоти ва бошқалар томонидан таъсис қилинган.

Жамғарма Ўзбекистон Марказий Кенгашидан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бўлимлари, туман, шаҳар бўлинмаларига эга. Уларнинг хузурида жамоатчилик марказлари фаолият кўрсатди. “Нуроний” жамғармаси белгиланган тартибда ишлаб чиқариш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширади <sup>114</sup>.

Мазкур жамғарма олдига қуйидаги вазифалар қўйилди:

-республикада ўтказилаётган кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда, айниқса уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронларни эъзозлаш, уларнинг атрофида эҳтиромли муҳит ҳосил қилиш, зарур моддий, маънавий, тиббий ёрдам кўрсатиш;

-жамиятни янгилаш ва ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизларини мустаҳкамлаш, фахрийларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишлари, бор билим ва салоҳиятларини истиқдол ишига сафарбар

<sup>113</sup> ЎзР МДА М-15-фонд, 1-руйхат, 19-иш, 22-варақ.

<sup>114</sup> Қаранг: Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп дугат. - Тошкент: Шарқ, 2006. - Б. 455.

этишлари, муштабид совет тузумининг халқимиз, ўлкамиз тараққиётига етказган зарарини чуқур таҳлил этиши ҳамда жамоатчиликка етказишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиши;

- миллий қадриятларимиз, ўзбекона эрксеварлик, ватан-парварлик, меҳнатсеварлик, тотувлик, бошқаларга иззат-икром хислатларини авлоддан-авлодга ўтиб, янада бойитишга ҳисса қўиши;

- фахрийлар ва ногиронларнинг моддий шароитини яхшилаш, улар учун белгиланган имтиёзларнинг, нафақа тўғрисидаги қонунчиликнинг тўла ва ўз вақтида амалга оширилишида раҳномалик қилиш, бу борада ижрочи ҳокимият органларига қўмаклашиш, кексалар, ёрдамга муҳтож бошқа турли табақаларга савдо, маданий-маиший, тиббий ёрдамлар кўрсатиш, шу мақсадларга йўналтирилган ишлаб чиқариш, тижорат, ноширлик, хайрия ишларини амалга ошириш, оммавий тадбирлар ўтказиш<sup>115</sup>.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг мазкур фармони фахрийлар, кекса фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш, улар ижтимоий фаоллигини оширишда катта аҳамият касб этди. 1996 йилда Қашқадарё вилоятининг ўзида 707 та бошланғич фахрийлар ташкилотлари фаолият кўрсатди. Шулардан 212 ташкилот маҳаллаларда ва 495 ташкилот меҳнат жамоаларида бўлиб, улар 145942 нафақа олувчи нурунийларни ўз сафларига бирлаштирган. Ушбу нафақа олувчи нурунийларнинг 4900 нафардан кўпроғи уруш қатнашчилари ва 11200 нафари эса фронт орти меҳнат фахрийлари эди.

Қашқадарё вилоятида "Нуруний" жамғармаси бўлими фахрийлар корхоналарини ташкил этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор бера бошлади. Хусусан, 1996 йилда вилоятда 42 та шундай корхоналар ташкил этилди. Уларда 280 нафар киши, жумладан, 185 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари меҳнат қилдилар. 1996 йилнинг 9 ойида фахрийлар корхоналари томонидан 11,6 млн. сўмлик иш бажарилди. Шу жумладан, 1,3 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. 8,9

<sup>115</sup> Халқ сўзи. 1996 йил 5 декабр.

млн. сўмлик курилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилди, аҳолига 1,4 млн. сўмлик турли хизматлар кўрсатилди <sup>116</sup>.

Сурхондарё вилоятида ҳам нуруний-фахрийларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. 1998 йилда вилоятда жами 159493 нафар нафақа олувчилар бўлган бўлса, уларнинг 35362 нафари ногиронлар эди. Иккинчи жаҳон уруши ногиронларининг сони 2061 нафарни ташкил этди.

“Нуруний” жамғармаси Сурхондарё вилоят бўлими ногиронларни моддий-иқтисодий жиҳатдан таъминлаш учун турли воситалардан фойдаландилар. 1998 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан ажратилган 38 та ногиронлар аравачалари, 35 та эшитиш аппаратлари ҳамда 764 та таянч воситалари эгаларига етказилди. Шу йилнинг ўзида 92 нафар ногирон фахрийлар “Семашко”, “Сурхон” каби сиҳатгоҳларда ўз саломатликларини тикладилар.

“Нуруний” жамғармаси вилоят бўлимининг ташаббуси билан ижтимоий ёрдамга муҳтож ногирон-фахрийларни имтиёзли таъминлаш ишлари амалга оширилди. Унга биноан 6 минг нафар ногирон-фахрий рўйхати тузилди, электр қуввати, газ, коммунал тўлов бўйича уларга амалий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, вилоятда 566 нафар ногирон-фахрийлар ёқилғи маҳсулотларини имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Вилоятда иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг оилаларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида оталиқ ташкилотларини бириктириб қўйиш амалиёти жорий этилди. Масалан, Қизирик туманидаги оталиқ ташкилотлари 1998 йилда 219 минг, Денов туманида 562 минг, Музработ туманида 110 минг сўмлик моддий ёрдамлар кўрсатилди. Умуман, уруш қатнашчилари, ногиронларга 2557013 сўмлик ижтимоий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, ногирон-фахрийларга савдо хизматини кўрсатиш, улар соғлигини мустаҳкамлашни ташкил этиш бўйича ҳам талай ишлар амалга оширилди. 1998 йилда Сурхондарё вилоятида ногиронлар учун 8 та савдо хизмати

<sup>116</sup> ҚВДА 142-фонд, 1-рўйхат, 470-иш, 28-варак.

кўрсатиш дўконлари, 14 та дўконда эса махсус бўлимлар ташкил этилди <sup>117</sup>.

Ўрганилган даврда фахрийлар корхоналарини ташкил этиш масаласи жуда долзарб аҳамиятга эга эди. “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими турли корхоналар, ишлаб чиқариш ташкилотлари билан ҳамкорликда бундай муассасаларни кўпроқ ташкил этиш бўйича иш олиб борди. 1998 йилда вилоятда жами 34 та фахрийлар ишлаб чиқариш корхоналари ва фермер хўжаликлари фаолият кўрсатди. Жами 216 нафар киши меҳнат қилган бўлса, уларнинг 87 нафари фахрийлар эди.

Таъкидлаш лозимки, фахрийлар корхоналари тадбиркор, ишбилармонлар томонидан, Айни пайтда давлат органлари, ижроия ҳокимияти томонидан қўллаб-қувватлаб турилгандагина муваффақиятли фаолият кўрсатиши мумкин. Лекин ўрганилган даврда Сурхондарё вилоятида ҳар доим ҳам шундай бўлмади. Натижада ташкил этилган 34 та корхонанинг 6 таси 3 ой давомида ишлаб чиқариш билан машғул бўлмаганлиги сабабли тарқатиб юборилди. Айни пайтда яна 6 та корхона ташкил этилди. Уларнинг 5 таси Денов туманида фаолият кўрсатди. Бойсун туманида эса бирорта ҳам бундай корхона очилмади <sup>118</sup>.

Архив ҳужжатлари ва статистик маълумотларга кўра вилоятда “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими тасарруфидаги фахрийлар корхоналари сони ортиб борди. 1999 йилда уларнинг сони 41 тага етди. Шулардан 11 таси деҳқон фермер хўжаликлари, 9 таси унитар ишлаб чиқариш корхонаси ва 21 таси турли турдаги кичик корхоналардан иборат эди. Юқоридаги корхоналарга туман ҳокимиятлари томонидан 202,5 гектар ер ажратиб берилган ва ерлардан боғдорчилик, пахтачилик ҳамда ғалла экинлари етиштиришда фойдаланилган. 1999 йил якунида юқоридаги корхоналарнинг жами ишлаб чиқариш ҳажми 46091, 2 минг сўм бўлиб, шундан умумий ишлаб чиқариш харажатлари 35957, 3 минг сўм ва умумий даромад ҳажми 10131,9 минг сўмни ташкил этган.

<sup>117</sup> Сурхондарё вилояти ҳокимиятининг жорий архиви. “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими ҳисоботлари. 1998.-Б.3.

<sup>118</sup> Сурхондарё вилояти ҳокимиятининг жорий архиви. “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими ҳисоботлари. 1998.-Б.9.



“Нуроний” жамғармасы вилоят бўлими томонидан 1999 йилда фахрийларнинг соғлигини тиклаш учун 20 минг сўмлик дори-дармон олинди, “100 билан юзлашганлар” тадбирини ўтказиш бўйича 100 ёшга кирган отахон-онахонлар учун совғалар берилди. “Наврўз” байрамида эса фахрийларга 277 минг сўмлик совғалар тарқатилди.

Бундай тадбирлар Сурхондарё вилоятининг барча туман ва шаҳарларида ўтказилди. Масалан, Шеробод туманида жами 8567 нафар фахрий бўлиб, уларнинг 321 нафари Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларидир. Уларга 1999 йилда фақат “Хотира ва қадрлаш куни” муносабати билан 501 минг сўмлик совғалар топширилди <sup>119</sup>.

Сурхондарё вилоятида уруш фахрийлари, ногиронлари учун алоҳида дастурлар асосида ғамхўрлик қилишга эътибор қаратилди. Шу маънода 1999 йили “Нуроний” жамғармасы вилоят бўлими Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, уларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича махсус дастур ишлаб чиққанлиги ва унинг асосида мақсадли тадбирлар ўтказилганини қайд этиш лозим. Гап шундаки, Иккинчи жаҳон урушига вилоят бўйича 44327 нафар аскар жўнатилган. Улардан 13613 нафари ҳалок бўлишган ёки бедарак йўқолганлар. Қолганларининг сони йилдан-йилга камайиб бормоқда. 1999 йилда тирик уруш қатнашчилари сони 3283 кишини ташкил этди. Уларнинг 1950 нафари эса ногиронлар эди.

Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан уруш қатнашчилари, фронт ортида меҳнат қилганлар, ногиронларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, уларга мунтазам равишда моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб турилди. Шаҳар, туманлар ободонлаштирила бошланди, фахрийлар уйлари таъмирланди, қабристон тартибга келтирилди. Биргина 1999 йилда Сурхондарё вилояти бўйича бундай харажатлар учун 19,7 млн. сўм пул маблағи ажратилди <sup>120</sup>.

Уруш қатнашчилари, ногиронлар, ёлғиз фахрийларни ижтимоий ҳимоя қилиш ўта савоб иш эканлигини англаган

<sup>119</sup> Сурхондарё вилояти ҳокимиятининг жорий архиви. “Нуроний” жамғармасы вилоят бўлимининг 1999 йилги ҳисоботлари. – Б.5.

<sup>120</sup> Сурхондарё вилояти ҳокимиятининг жорий архиви. “Нуроний” жамғармасы вилоят бўлимининг 1999 йилги ҳисоботлари. – Б.3.

худудларда мазкур муаммоларни ҳал этиш қийинчиликларсиз бажарилди. Масалан, Сурхондарё вилоятида мазкур мақсадлар учун барча йирик ташкилот, корхоналар жалб этилди. Ҳар бир ташкилот, корхона томонидан мазкур муаммони ҳал этиш бўйича ички ҳаракат дастурлари ишлаб чиқилди. Шунингдек, вилоятдаги ишбилармон, тадбиркорлар ҳам бундай тадбирларда фаол иштирок этдилар. Ўзбек минталитетига хос бўлган кексаларга ғамхўрлик қилиш, эҳтиёжманд фуқароларни моддий ва маънавий рағбатлантириш ишлари мунтазам равишда олиб борилди.

Айни пайтда, таъкидлаш лозимки, вилоятда бу борада қатор муаммолар бор эди. Масалан, кам таъминланган кўп болали оилалар сони йилдан –йилга ортиб борди. Жумладан, бундай оилалар сони 2000 йилнинг 1 январидagi маълумотларига биноан 12406 нафар бўлса, шу йилнинг 1 октябрига келиб улар сони 1558 нафарга ортиди, ёки 13964 нафарни ташкил этди. Шунингдек, энг кам пенсия оладиганлар сони ҳам ортиб борди. Чунончи, 2000 йил 1 январи бўйича улар сони 10671 нафар бўлса, 1 октябрь маълумотига кўра улар сони 1514 нафарга кўпайиб, жами 12185 нафарни ташкил этди. Шунингдек, шу йили вилоятда 1557 нафар кўзи ожиз ва 100 нафар гунг ногиронлар бор эди.

Яна шу нарсага эътибор бериш лозимки, бутун республикада бўлгани каби Сурхондарё вилоятида ҳам уруш қатнашчилари, уруш ногиронлари, уруш орти фахрийлари сони муттасил равишда камайиб борди. Жумладан, 2000 йил 1 январь ҳисобига кўра бу ерда уруш қатнашчилари сони 1116 нафарни ташкил этган бўлса, шу йилнинг октябрида улар сони 272 нафарга камайди. Уруш ногиронларининг сони эса 292 нафарга камайди. Шу қисқа муддат ичида уруш орти фахрийларининг сони 1047 нафарга камайди.

Ушбу мисоллар шундан дарак берар эдики, фахрийлар, ёлғиз фахрийлар, уруш қатнашчилари сони йилдан-йилга мунтазам равишда камайиб борди. Ушбу фактнинг ўзи ҳам уларга бўладиган ғамхўрлик, давлат томонидан бериладиган моддий ва маънавий ғамхўрликни янада оширишни талаб қиларди. Айни пайтда, бундай ёрдамлар ўз ижобий таъсирини кўрсата бошлади. Вилоятда ўзгалар ёрдамига муҳтожлар сони камайиб борди. Хусусан, юқорида муддатлари келтирилган

давр мобайнида вилоят бўйича ўзгалар ёрдамига мухтож оилалар сони 146 тага камайди <sup>121</sup>.

Вилоятда мавжуд уруш қатнашчилари, фронт орти фахрийларини ижтимоий ҳимоялашда уларни реабилитация техник воситалари билан таъминлаш алоҳида ўринга эга эди. Шунинг учун ҳам Сурхондарё вилоятида бу масалага катта эътибор берилди. Вилоят бўйича 1999 йилда 69 та ногиронлар аравачаси тарқатилган бўлса, бу рақам 2001 йилга келиб 189 тага етди. Шунингдек, 1999-2001 йилларда 182 та эшитиш мосламаси, шу давр мобайнида 1318 та қўлтиқтаёқ, 1615 та ҳасса топширилди. 2001 йилги маълумотларга биноан 933 нафар ногиронлар сиҳаттоҳларга йўлланмалар олдилар <sup>122</sup>. Вилоят ҳокимияти ва ҳомийлар ёрдамида 2017 йилда 1070 та ногиронлик аравачаси тарқатилди <sup>123</sup>.

Ўзбекистон Республикасида азалий қадриятлар, қадимий урф-одатлар қария, ёши улуг инсонларга ғамхўрлик қилиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб туриш бутун жамият, ҳар бир фуқаронинг соф инсоний бурчи эканлигидан далолатдир. Бундай ҳол Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти томонидан мунтазам равишда эътиборга олиб келинмоқда. Шу аснода 2002 йил Ўзбекистонда “Қарияларни қадрлаш йили”, деб эълон қилинди.

Ҳақиқатан ҳам юқорида қайд этилгани каби, Ўзбекистон жамиятида нуронийларга бўлган муносабат ўта самимий, аниқ, манфаатли равишда олиб борилиши билан ажралиб туради. “Ҳозирги вақтда, деган эди биринчи Президентимиз И.Каримов, бундай фахрийларимизнинг сони 3 миллион 87 минг нафар кишини ташкил этади. Уларга ҳар ойда 28 миллиард сўм миқдорида пенсия тўланмоқда.

Давлат томонидан кўрсатилаётган ёрдам билан бирга, кексаларимизга кўпгина жамоат ташкилотларининг ҳам моддий ва маънавий кўмак бераётгани, бундай ҳаракат кенгайиб бораётгани, айниқса ибратлидир. Хусусан, кейинги пайтда биргина “Нуроний” жамғармаси томонидан уруш ва

<sup>121</sup> Сурхондарё вилояти ҳокимиятининг жорий архиви. “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлимининг 2000 йилги ҳисоботлари. – Б.3.

<sup>122</sup> Ўша жойда. – Б.1.

<sup>123</sup> Сурхон тўғи. 2017 йил 30 декабрь.

меҳнат фахрийларига 125 миллион сўмдан ортиқ ёрдам кўрсатилгани ҳам бунга мисол бўла олади”<sup>124</sup>.

Ўзбекистон Республикасида “Қарияларни қадрлаш йили”-нинг эълон қилиниши, бу бўйича чиқарилган ҳуқуқий дастури, шунингдек, Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида қария, ногирон, фахрийларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича олиб борилган ишлар ўзининг муайян самарасини бери.

2004 йилда Қашқадарё вилоятида 223669 киши пенсия ва нафақа олди. Шулардан 3000 нафари уруш қатнашчилари ва ногиронлари бўлиб, 1043 нафари 1-гурух, 1079 нафари 2-гурух уруш ногиронлари эди. 16064 нафар уруш орти фахрийлари, 145276 нафари ёши тўлиб пенсияга чиққан кексалар эди. Биргина 2002 йилдан 2004 йилгача Қашқадарё вилоятида 12475 нафар фуқарога Янги пенсиялар тайинланди.

Шунингдек, 281 нафар афғон уруши ногиронлари, 366 нафар ЧАЭС ногиронлари ва 1780 нафар якка-ёлғиз қариялар истикомат қилишди. Вилоят бўйича тасдиқланган тартибга биноан 2614 нафар ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар ҳисобга олинган. Улардан 1110 киши уйларида, 594 киши шифохоналарда даволандилар. Дори-дармонларга эҳтиёжи бўлганларнинг ҳар бирига ўртача 5,5 минг сўмлик дори-дармон етказилди. Ҳар бир рўйхатга олинган якка-ёлғизга 55 минг сўмлик қўшимча моддий ёрдам кўрсатилди. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримовнинг “Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳақида”ги Фармонида биноан рўйхатга олинган фуқароларга 55,4 млн. сўмлик 9 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳомийлар ҳисобидан 30,8 млн. сўмлик моддий ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди. Шу билан бирга муҳтож ногиронларга 153 та ногиронлар аравачаси, 282 та ҳасса, 164 та қўлтиқтаёқ, 83 та кўзойнак, 151 та эшитиш мосламалари тарқатилди. 259 нафар ёлғиз пенсионер турли сихатгоҳларга бориб соғликларини тикладилар”<sup>125</sup>.

Вилоятда ногиронларнинг соғликларини тиклаш, мустаҳкамлаш йўлида ҳам муайян ишлар бажарилди. Яккабоғ туманида жойлашган “Саховат” уйида 157 нафар қария

<sup>124</sup> Каримов И. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10.- Тошкент: Ўзбекистон, 2002.- Б.163.

<sup>125</sup> Саховат.-Тошкент, 2004. №2. -Б.8.

мунтазам равишда ўз соғликларини тикладилар, уларга 48 нафар тиббиёт ходимлари малакали хизмат қилдилар. Қарши шаҳридаги “Мурувват” уйида 150 ўринли янги ётоқхона қурилиб, 2003 йилда фойдаланишга топширилди.

Айни пайтда Қарши шаҳрида ногиронларни реабилитация қилиш Маркази фаолият кўрсатиб келди. Унда ногиронларга физиотерапия, чўмилиш ҳавзалари, жисмоний соғломлаштириш, игна билан даволаш, уқалаш ҳамда доривор гиёҳлар ёрдамида муолажалар кўрсатилди. Марказда 2003 йилда 400 бемор даволанди<sup>126</sup>.

Ўзбекистон Республикасида пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш баробарида улар соғлигини мустаҳкамлашга кўмаклашиш ҳаракати ҳам кучайиб борди. Бу борада фахрийларни имтиёзли равишда дори-дармонлар билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Шу ўринда Сурхондарё вилоятида онкология, сил, эндокринологик, руҳий, юрак касалликлари учун дори-дармонларни имтиёзли равишда етказиб берилаётганлиги беморларга катта ёрдам бўлди. Жумладан, онкология билан касалланган 153 нафар, 31 сил, 381 эндокринологик, 219 руҳий, бир неча юрак касаллигига дучор бўлганлар учун 2005 йилнинг ўзида 10,2 млн.сўм миқдорида дори-дармонлар тарқатилди.

Вилоятда бундай касалликка дучор бўлганлар бир томондан, маҳаллий ва ихтисослашган поликлиникаларга ва ҳомийларга бириктириб қўйилди. Масалан, биргина 2005 йилнинг ўзида бундай беморлардан 607 нафари оталиқ ташкилотларга бириктирилди, улар доимий ғамхўрликда бўлдилар. Биргина Денов ва Термиз шаҳрининг ўзида 524 нафар беморга 6,4 млн. сўмлик дори-дармонлар тарқатилди<sup>127</sup>.

Шунингдек, вилоятда боқувчисини йўқотган кексалар устидан ғамхўрликни кучайтириш борасида ҳам анча ибратли ишлар амалга оширилди. Сурхондарё вилоятида 2006 йили жами 18350 нафар боқувчисини йўқотганлар бўлиб, уларнинг аксарият кўпчилиги кекса ёшдаги қариялар ва ёш болалар эди. Уларни ижтимоий ҳимоялаш ўта долзарб муаммолардан бири эди, зеро ҳар икки категориядаги фуқаролар меҳнат қилиш

<sup>126</sup> Қашқадарё вилояти “Нуроний” жамғармаси бўлимининг 2002-2004 йиллар ҳисоботи. -Б.21.

<sup>127</sup> Сурхондарё вилояти ҳокимиятининг жорий архиви. “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлимининг 2005 йилги ҳисоботмаълумотлари. -Б.31.



қобилияти йўқ, ўзгалар ғамхўрлигига муҳтож, эҳтиёжмандлар эди. Бундайларга кўрсатиладиган моддий-иқтисодий ёрдам бир марталик бўлиши муаммони ҳал этишга имкон бермас эди. Улар мунтазам равишда ёрдам олишга мажбур эдилар. Бундай ҳолат кўпроқ ёши улуг, кекса, якка қарияларга тегишли эди.

Ўзбекистон ҳукумати шундай тоифадагиларни мунтазам равишда, доимий моддий-иқтисодий жиҳатдан таъминлаш механизмини шакллантиришга ҳаракат қилди. Умуман, бундай муаммо бутун дунёга тегишли эди. Статистик маълумотларга кўра, Дунё аҳолиси орасида кекса-қарияларнинг сони йил сайин ортиб бормоқда. 2000 йиллар бошида уларнинг сони барча аҳолининг 600 млн. нафарини ташкил қилди. Айниқса, АҚШ, Буюк Британия, Япония, Германия каби ривожланган давлатлар аҳолисининг 15-20 фоизини кекса-қариялар ташкил қилади. Ўзбекистон Республикасида болалар туғилиши кўрсаткичининг нисбатан баландлиги туфайли, аҳоли структурасининг 6-7 фоизини кекса-қариялар ташкил қилишига қарамай, республикада истиқомат қилаётган кекса-қарияларнинг абсолют сони 1550 мингдан ортиқдир. Умуман, аста-секинлик билан Ўзбекистонда аҳоли умумий миқдорида кексалар ҳиссаси ортиб бораверади. Чунки, бир томондан, ёш болалар туғилиши оилалар томонидан регуляция қилиниши бошланди, яъни жаҳон амалиётида бўлгани каби, ўзбек оилаларида ҳам болалар туғилиши камайиб боради. Бу табиий жараён. Бошқа томондан эса Ўзбекистон Республикасида турмуш шароитининг аста-секинлик билан яхшиланиб бориши, соғлиқни сақлаш тизимидаги янгиликлар, халқ фаровонлигининг ортиши кекса-қарияларнинг узок умр кўришига асос солади.

Аммо, бу билан кекса – қариялар муаммоси ўз-ўзидан ҳал бўлмайди. Уларга нисбатан давлат ғамхўрлигини кучайтириш, ижтимоий ҳимоя тизimini такомиллаштириш долзарб вазифа сифатида кун тартибиде тураверади. Фахрий-нуронийлар асосан сурункали касалликларга чалинганлиги, касалликлар кечиши билан вужудга келувчи асоратлари туфайли мунтазам тиббий хизматга, таянч-ҳаракат тизимидаги ўзгаришларга, реабилитация техник воситалари – ногиронлик аравачалари, ходуюноклар, ҳасса ва қўлтиқтаёқларга, кўриш ва эшитиш

қобилиятининг ёшга доир пасайиши ҳамда тиш-жағ аъзоларининг секин-аста ишдан чиқиши туфайли оптик кўзойнаклар, эшитиш мосламалари ва сунъий жағга муҳтожлик ортиб бораверади. Шу билан бирга, уларнинг кўпчилиги ўзлари ёлғиз истиқомат қилаётганликлари, кундалик эҳтиёжларини бировларнинг ёрдамисиз қондира олмаётганликлари туфайли моддий ёрдамга ўзгаларнинг қарови ҳамда парваришига, қолаверса, ҳамдардлигига эҳтиёж сезади. Ижтимоий ҳимояга муҳтож 85 нафарга ногиронлик аравачалари, 31 нафарга қўлтиқтаёк, 271 нафарга ҳасса, 9 нафарга, оёқ протези, бир нафар ногиронга қўл протези, 5 нафарга эшитув, худди шундай яна 35 нафар ногиронларга турли мосламалар берилди <sup>128</sup>.

Маълумки, инсон қаришининг макро иқтисодий натижалари охир-оқибатда аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатишнинг ривожига, бу борада қўлланиб келинаётган услуб ишларга бюджет ва ҳомийлар маблағлари сарф-харажатининг сезиларли даражада оширилишини талаб қилади. Ҳар йилни бир ном билан аташ, унинг асосида ишлаб чиқилган чоратадбирлар дастурини бажариш орқали республикамиз барча аҳолисининг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг тўлақонли ҳаёт кечиришларини таъминлаш каби буюк мақсадларга интилиш масалалари республикамизда чуқур анъанага айланган.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2006 йил 7 сентябрдаги ПК-459-сон Қарори билан тасдиқланган “2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги дастури ҳам аввал қабул қилинган дастурларнинг манتيқий давоми бўлиб, унинг мақсади ёлғиз кекса пенсионерлар ва ногиронларнинг, кам таъминланган оилалар ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги республикада амалга оширилиб келинаётган мақсадли ишларни янада чуқурлаштириш, уларнинг кўлами ва таъсирчанлигини оширишдир.

<sup>128</sup> Сурхон тинги 2017 йил 24 январь.

Дастур 3 та йўналишдан иборат бўлиб, унда 30 та чора-тадбирнинг ижроси кўзда тутилган. Шундан “Ижтимоий хизмат тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги биринчи йўналишда 10 та чора-тадбир, “Ёлғизларни даволаш ва соғломлаштириш, геронтологик ва гериатрик ёрдамни кучайтириш тўғрисида”ги 2 - йўналишда 16 та чора-тадбир ва ёлғизларнинг “Уй-жой маиший шароитларини яхшилаш борасида”ги 3 – йўналишда 4 та чора-тадбир белгиланган.

Дастурда кўзда тутилган чора-тадбирларнинг ижроси учун жами 30144,3 миллион сўм ажратиш режалаштирилган бўлиб, улардан 14282,8 миллион сўм (режанинг 47,4 фоизи) бюджет маблағидан, 15862,2 миллион сўми (52,6 фоизи) эса идора ва ташкилотлар, ҳомийлар маблағларидир<sup>129</sup>.

Ўзбекистон ҳукумати эҳтиёжманд ёши улўғларни ижтимоий ҳимоялашни мақсадли равишда, қатъий режа асосида, мунтазамлилик тамойилларига амал қилган ҳолда олиб борди. Шу ўринда мамлакат биринчи Президентининг 2007 йил 17 сентябрдаги “Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармони алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Ушбу Фармондан кўзда тутилган асосий мақсад эса аҳоли даромадлари ва фаровонлиги даражасини муттасил ўстириб бориш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган сиёсатни амалга оширишни давом эттириш, кексалар тўғрисидаги ғамхўрликни ҳар томонлама ошириш, шунингдек пенсия таъминоти тизимини изчиллик билан такомиллаштириб боришдан иборат эди.

Маълумки, мамлакат биринчи Президенти томонидан стратегик вазифа – ҳар уч йилда аҳоли даромадлари ва иш ҳақининг ўртача ҳисобда 2-2,5 баровар оширилишини таъминлаш, яқин йиллардаёқ ўз аҳолиси даромадлари ва фаровонлигининг юксак стандартларини таъминлаётган мамлакатлар даражасига кўтариш вазифаси қўйилган.

Аҳолининг турмуш даражасини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тизимида пенсионерлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, уларнинг турмуш шароити ва сифатини яхшилаш муҳим ўрин тутадн. Ўзбекистон Республикаси пенсия

<sup>129</sup> Саҳоват.-Тошкент, 2006. № 5-6. - Б.5.

тизимининг қонунчилик базаси ва механизмлари муттасил такомиллаштириб борилди. 2002 йилдан бошлаб мамлакатда пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган меҳнат стажи давоматини чеклаш бекор қилинган. 2005 йилдан бошлаб эса пенсия маблағларини фуқароларнинг жамғарма ҳисоб варақаларида якка тартибда жамғариш тамойилларига асосланган пенсия тизимининг янги қўшимча механизми жорий этилган. Юқорида жами зикр этилган Фармон давлатимизда пенсия ёшига етган деярли 3 миллион фуқаро даромадларининг асосий манбаи – пенсияларни янада қўпайтиришни таъминлаш бўйича аниқ-равшан вазифаларни амалга оширишдаги муҳим босқич ҳисобланади <sup>130</sup>.

Ушбу фармонлар ва бошқа стратегик аҳамиятга эга ҳукумат қарорларини бажариш бўйича жойларда анча ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, “Нуроний” жамғармаси Кумкўрғон туман бўлими томонидан ўтказилган турли тадбирлар қариялар манфаатини кўзлаб ташкил этилди. Туман марказий шифохонасининг ички касалликлар бўлимида, жамғарма маблағи ҳисобидан, уруш ва қаровчиси йўқ кексаларнинг саломатликларини тиклаш учун 2 ўринли бир палата тўлиқ замонавий тарзда таъмирдан чиқарилди. Нуронийларга мўлжалланган хона 2 та диван, кресло, тумбочка, рангли телевизор, қандил, гиламлар билан безатилган. Бу ерда даволанувчилар учун шифокор тавсия этган дори-дармонлар бепул тарқатилди, 14 нафар беморга 470 минг сўмлик дори-дармон жамғарма ҳисобидан берилди. Бундан ташқари, 9 нафар фахрийнинг аризасига кўра 390 минг сўмлик, ногиронларга 450 минг сўмлик 30 дона биринчи ёрдам учун тиббий сумкача ҳам жамғарма ҳисобидан олиб берилди.

Жамғарма кўп болали, кам таъминланган oilаларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам арзигулик ишларни амалга оширди. Мисол, “Тарвузкая” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи уруш қатнашчиси, 1-гуруҳ ногирони Кўчар бобо Чориевга, Кумкўрғон шаҳридаги М.Қорабоев номли маҳалладан 1-гуруҳ ногирони, меҳнат фахрийси Эргаш бобо Тоғаевларга бир бошдан соғин сигир олиб берилди. Туман

<sup>130</sup> Саҳоват. – Тошкент, 2007. №4-5. -Б.4.

ижтимоий таъминот бўлимига ногиронлар аравачаси олиш учун жамғарма томонидан 180 минг сўм ажратилди <sup>131</sup>. Шунингдек, “Нуроний” жамғармаси Сурхондарё вилояти бўлими ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасидаги қадимий ва навқирон шаҳарларни зиёрат қилиш, ислохотларнинг бориши билан яқиндан танишмоқ учун 200 нафар нуроний Тошкент, Самарқанд, Хива шаҳарларига саёҳатга бордилар. Вилоят ҳокимлиги ушбу мақсад учун 20 млн. сўм пул маблағи ажратди <sup>132</sup>.

Музработ туманида эса Наврўз ва Мустақиллик байрамлари арафасида кам таъминланган 98 оилага 29, 1 млн. сўмлик ёрдам кўрсатилди. Уларнинг аксариятига бир бошдан қора мол ҳамда 12 млн. сўмлик имтиёзли кредит берилди. Шунингдек, 8 нафар ёлғиз кексага 542500 сўмлик манзилли ёрдам кўрсатилди. 172 нафар туман ногирон ва пенсионерлари Ўзбек-истоннинг диққатга сазовор ерларига саёҳатга бордилар <sup>133</sup>. “Жаркўргоннефть” очик акциядорлик жамияти Сурхондарё вилоятидаги энг йирик саноат корхоналаридан ҳисобланади. Жамоада 750 нафардан ортиқ турли миллат вакиллари меҳнат қилади. Корхона раҳбарияти ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича анча жиддий ишларни олиб бордилар. Корхона маъмурияти ташаббуси билан жамоада узоқ йиллар ишлаб нафақага чиққан 165 нафар фахрийга 6,5 млн. сўм қўшимча нафақа берилди <sup>134</sup>.

Қашқадарё вилоятида ҳам аҳолининг ночор қатламларини, айниқса, кекса ёшдаги фахрийларни ижтимоий ҳимоялаш борасида қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Жумладан, бепул қорамол билан таъминланадиган 4250 та кам таъминланган оилалар рўйхати тузиб чиқилди. Вилоят ҳокимининг қарори билан тасдиқлангандан сўнг уларга қорамоллар тарқатилди. Ушбу режаларни амалга ошириш бўйича белгиланган тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб келинди. 2007 йилда 2007-2010 йилларда кекса ёлғизлар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимоя қилишни ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш режаси тузилиб, тасдиқланди ва жойларга

<sup>131</sup> Сурхон тонги. 2008 йил 13 март.

<sup>132</sup> Халқ сўзи. 2008 йил 8 август.

<sup>133</sup> Моҳият. 2008 йил 4 апрель.

<sup>134</sup> Ўзбекистон овози. 2009 йил 14 апрель..



етказилди. 2120 нафар ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимояга олинди, рўйхатлар тузилди, уларнинг эҳтиёжи ўрганиб чиқилди ва вилоят дастурига киритилди.

Қашқадарё вилоятида геронтология хизматини яхшилаш мақсадида вилоят бўйича 140 ўринли геронтология бўлими ва хоналари ташкил этилиб, кексалар ва пенсионерларни соғломлаштириш ишлари олиб борилди. 914 нафар ёлғиз кексалар, уй, амбулатория, стационар шароитларида даволандилар. Уларга ижтимоий хизматни янада кучайтириш мақсадида ҳар бирига ҳомийлар бириктирилди. 1042 нафар ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларнинг уйлари, квартираларини таъмирлаш амалга оширилди<sup>135</sup>.

Кекса ёшдагилар, ёлғизлар, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш, улар устидан моддий ва маънавий ғамхўрликни кучайтириш вилоят раҳбарияти, мутасадди ташкилот, муассалар фаолиятида устувор вазифа сифатида кун тартибида турди.

Бизга маълумки, нуронийлар ичида Иккинчи жаҳон урушида қатнашган отахонларимиз ҳам бор. Мамлакатимизда ҳар йили 9-май “Хотира ва қадрлаш” куни муносабати билан уларни моддий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. 2013 йил 25 апрел куни биринчи Президентимиз фармонида мувофиқ Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг 500 минг сўмдан бир марталик моддий рағбатлантирилиши ҳам кекса авлод вакилларига бўлган чексиз ҳурмат ва эътибордан нишонадир<sup>136</sup>. Мустақиллик йилларида нодавлат ташкилотлар томонидан Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳам жуда катта ҳажмда ишлар бажарилди. Кекса ёшдагилар, ёлғизлар, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш, улар устидан моддий ва маънавий ғамхўрликни кучайтириш вилоят раҳбарияти, мутасадди ташкилот, муассасалар фаолиятида устувор вазифа сифатида кун тартибида турди.

2014 йил 9 май “Хотира ва қадрлаш куни” муносабати билан II жаҳон уруши қатнашчиларига 600 минг сўмдан бир марталик моддий рағбатлантириш тўғрисида фармони эълон

<sup>135</sup> Саҳоват. – Тошкент, 2007. №3.-Б.11.

<sup>136</sup> Халқ сўзи. 2013 йил 25 апрель..

қилинди<sup>137</sup>. Айтиш керакки, Биринчи Президентимиз И.Кари-мовнинг 2014 йил 13-октябрдаги “1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони уруш ва меҳнат фахрийларини эъзозлаш йўлидаги эзгу ишларнинг яна бир ифодаси бўлди.

Денов ва Қизирик туманларида истиқомат қилувчи 2 нафар жаҳон уруши катнашчисига “Нуроний” жамғармаси Республика ҳайъати қарори билан 240 миллион сўм қийматга эга намунали уйлар совға қилинди. 15 нафар фахрийларнинг хонадонларида 13,5 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари олиб борилди<sup>138</sup>.

2016 йил 28 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Мазкур фармонга мувофиқ, вилоятлар ҳоким-ликлари, “Нуроний” жамғармалари ёлғиз кексалар, ногиронлар, пенсионерларга ижтимоий ҳимоя сиёсатини олиб боришда ўзбек халқи менталитети, миллий урф-одат ҳамда анъаналарига риоя қилишга эътиборни янада кучайтирдилар. 365 нафар фахрийга 52 миллион 260 минг сўмлик озиқ-овқат, уй-рўзғор буюмлари ва кийим-кечаклар берилди<sup>139</sup>.

Олиб борилган ижтимоий ҳимоя сиёсати аниқ режа, белгиланган мақсадли тадбирлар асносида ташкил этилди. Кекса, ногирон, ёлғиз пенсионерлар устидан олиб борилган ижтимоий ҳимоя аниқ, илмий асосланган Концепция асосида уюштирилди. Натижада, бу борада ўрганилган даврнинг дастлабки йилларида учраган айрим салбий ҳолатлар бартараф этила бошланди. Фуқароларда бу масалада ижтимоий қониқиш ҳолати юзага келди.

<sup>137</sup> Халқ сўзи. 2014 йил 20 апрель.

<sup>138</sup> Сурхон тонги, 2017 йил 4 май.

<sup>139</sup> Сурхон тонги, 2017 йил 2 декабрь.

# III БОБ. ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ТИЗИМИДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ВА ЁШЛАР МУАММОЛАРИ

## 3.1. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракатининг ўрни

Ўзбекистон Республикасида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими аста-секинлик билан шаклланиб бормоқда. Бозор муносабатлари, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг янги босқичи, халқаро миқёсда иқтисодий соҳада интеграция жараёнларининг кучайиб бориши ижтимоий ҳимоя тизимининг такомиллашувида муайян аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бошчилигида мамлакатимизда тадбиркорларни ҳар томонлама ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилиб, ушбу масалалар бўйича кўплаб қонунлар ва қарорлар қабул қилинаётганлигини қайд этиш зарур. Шу ўринда 2018 йилга “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб ном берилгани ҳам ўзига хос муҳим аҳамият касб этди.

2017 йил 22 декабрда Олий мажлисга қилган мурожаатномасида Президентимиз тадбиркорлик ҳақида гапириб, “Биз 2018 йилни фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили деб эълон қилар эканмиз, келгуси йили фаол тадбиркорликни ривожлантириш эътиборимиз марказида бўлади,” деб алоҳида таъкидлади<sup>140</sup>.

Айнан Президентимиз Ш. Мирзиёев ташаббуси билан барча тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш 2 йилга тўхтатилиши, тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга бўлган яна бир муҳим қадам бўлди десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Собиқ совет тизими даврида аҳолини ижтимоий муҳофазалаш фақат давлат монополиясига айлантирилган эди. Алоҳида шахслар, тадбиркорлик, ишбилармонлик асосида

<sup>140</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрда Олий мажлисга мурожаатномасидан. Сурхон тонги. 2017 йил 27 декабрь.

фукароларга кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам ўзгача тарзда баҳоланар ҳамда “социалистик ижтимоий-иқтисодий сиёсат” нинг бузилиши сифатида баҳоланар эди.

Мустақиллик йилларида бу масалага нисбатан муносабат ўзгара бошлади. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда давлатнинг ўрни ва роли катта бўлиши билан бирга, бу жараёнда нодавлат ташкилотлари, тадбиркор, ишбилармонларнинг роли ҳам кучая борди. Айниқса тадбиркорлик ҳаракати кучая борди. Пировард натижада тадбиркор, ишбилармонларнинг аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишдаги ўрни кенгая борди.

Бу жараён мустақилликнинг дастлабки йилларида маълум даражада секинлик билан шакллана борган бўлсада, кейинчалик, айниқса ҳаракатнинг ҳукукий базаси мустаҳкамлана боргани сари тадбиркорлик, ишбилармонлик ҳам сон, ҳам сифат жиҳатдан кенгая борди. Шунингдек, кишиларда аста-секинлик билан тадбиркорлик ҳаракатида иштирок этишда ишонч ҳосил бўла бошлади. Бу эса соҳанинг аста-секинлик билан шаклланишига имкон ярата борди.

Тадбиркорлик кенг маънода шахсий ва ижтимоий манфаатни қондиришга асосланган ақлий ва жисмоний фаолиятни билдиради. У субъект ўз олдига қўйган мақсадга эришишига йўналтирилган бўлиб, бу мақсадга унинг бевосита қатнашуви ва хусусий омиллари (мулки, жисмоний ва ақлий қобилияти, билими, тажрибаси, ижтимоий муҳитдаги ўрни, бу ўринга боғлиқ имтиёзли ҳуқуқлари) дан фойдаланиш йўли билан эришилади. Тор маънода тадбиркорлик фаолияти иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини – уй хўжалигини бошқаришдан тортиб ишлаб чиқаришгача, товарлар сотиш ва хизмат кўрсатиш турларигача қамраб олади.

Янги маҳсулст ишлаб чиқариш, технологияни жорий қилиш, бозорларга кириб бориш, истеъмолчиларни жалб қилиш, ишлаб чиқаришга ресурсларни, молиялаштиришнинг усуллари жалб қилиш, кооперация ва халқаро алоқаларни шакллантириш шулар жумласидандир. Товар хўжалигига хос бўлган беқарорлик, хавф-хатарлилик тадбиркорлик фаолиятининг муҳим хусусиятидир.

Тадбиркорлик “қонуний” ва “ғайриқонуний” бўлади. Фаолият турига боғлиқ ҳолда тадбиркорлик субъектлари

бўлиб, ишлаб чиқаришда корхоналар, тижоратда-савдо муаммолари ва биржалар, молиявий тадбиркорликда-тижорат банклари, фонд биржалари, инвестиция ва бошқа фондлар ҳисобланади.

Тадбиркорликда ташкилий – ҳуқуқий шаклларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

-хусусий тадбиркорлик, юридик шахс бўлмаган тадбиркорлар фаолияти;

- кичик бизнес (кичик корхоналар);

-хўжалик ва ижтимоий бирлашмалар тадбиркорлиги;

- фермер (деҳқон) хўжалиги асосидаги тадбиркорлик;

- ижара ва жамоа хўжаликларидаги тадбиркорлик;

- чет эллик шериклар билан қўшма тадбиркорлик;<sup>141</sup>

Маълумки, Ўзбекистонда, бутун дунёда бўлгани каби, тадбиркорлик тизимида кичик бизнеснинг ўрни жуда катта бўлмоқда. “Кичик бизнес, - деган эди мамлакат биринчи Президенти, - жамиятда ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий вазиятни мўътадиллаштиришга ёрдам берадиган ўрта тадбиркорлик синфининг пайдо бўлиши демакдир. Бу – Республика бозорини зарур истеъмол товарлари ва хизматлар билан бойитишдир. Бу – янги иш ўринларидир. Шунинг ҳамини назарда тутиш керакки, фақат кичик ва хусусий тадбиркорликни кенг, ҳамма жойда ривожлантириш ҳисобигагина ғоят кескин муаммони – аҳолининг (айниқса ортиқча меҳнат заҳиралари мавжуд бўлган қишлоқ жойлари ва минтақаларда) иш билан бандлигини таъминлаш вазифасини ҳал қилишга қодир бўламиз”<sup>142</sup>.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик, энг аввало, капитал ҳажмини кам талаб этувчи, қисқа муддатларда фойда келтирувчи тармоқларда кенг ривож топади. Бу эса кичик бизнес, кичик корхоналарнинг ривож топишига олиб келади.

Кичик бизнес, кичик тадбиркорликнинг афзалликлари жуда кўп бўлиб, уларнинг айримлари қуйидагилардан иборат:

- кичик бизнес ва тадбиркорлик бозор талаби ўзгаришига сезувчан бўлади. У янги технология ёки янги маҳсулот ишлаб чиқаришга осонлик билан ўтиши мумкин. Йирик корхоналар-

<sup>141</sup> Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп дугат.-Тошкент: Шарк, 2006.-Б.238-239.

<sup>142</sup> Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Тошкент: Ўзбекистон, 1998.-Б.574-575.



да эса бу жараён катта харажатлар ва кўп вақт талаб қилади;

- кичик корхоналарни ривожлантириш маҳаллий ресурслардан кенг фойдаланиш имкониятини беради. Йирик корхоналарни бундай миқёсдаги фаолиятлар кучли рағбатлантирмайди;

- кичик корхоналарда йирик корхоналарга нисбатан бошқариш харажатларининг улуши анча паст бўлади;

- кичик бизнес корхоналари йирик сармояни талаб қилмайди ва сарф қилинган капиталнинг қопланиш муддати қисқа бўлади;

- кичик бизнес янги иш ўринларини барпо этиб, ишсизлик муаммосини ҳал қилишда муҳим рол ўйнайди;

- кичик бизнес жамиятда ўрта мулкдорлар қатламининг шаклланишига олиб келади;

- тадбиркорларнинг мазкур шакли ички бозорни истеъмол моллари билан тўлдиришнинг асосий омили ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида кичик ва хусусий бизнес ривожланишини 3 bosқичга бўлиб ўрганиш мумкин. Биринчи bosқич 1991-1995 йилларни ўз ичига олади. Bosқичнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бу даврда кичик ва хусусий бизнес корхоналари сони юқори суръатларда ўсди. Бунинг сабаби эса илгари яширин ва ярим яширин ҳолатда иш юритган корхоналарнинг очиқ фаолият кўрсата бошлаши, кичик хусусийлаштириш дастурининг амалга оширилиши, бунинг натижасида корхона раҳбарлари ва ишчилари томонидан корхоналарни сотиб олишлари, корхона активларининг хорижий ва ички инвесторларга сўтилиши, нисбатан эркин иқтисодий муҳитнинг қарор топиши, ўзбек халқининг тадбиркорлик ва ижодкорликни рағбатлантирувчи кўп асрлик анъаналарининг тиклана бориши билан боғлиқ эди.

Иккинчи bosқич 1996-1999 йилларни ўз ичига олади. Bosқичнинг асосий хусусияти шунда эдики, унда кичик ва хусусий бизнес ривожланиши бир мунча секинлашди. Унинг сабаби эса иқтисодий ислохотларнинг иккинчи bosқичида давлатнинг инвестицион фаоллиги ишчанлиги билан боғлиқ эди. Бу эса молиявий ресурсларнинг давлат сектори фойдасига қайта тақсимланишига олиб келди. Шунингдек,

кичик бизнес учун воситачилик фаолиятдан олинадиган даромадлар даражаси сезилари даражада қисқарди. Бунга, бир томондан, микроиқтисодиёт соҳасида қўлга киритилган ютуқлар, иккинчи томондан, 1996 йилнинг кузидан бошлаб импортни давлат томонидан тартибга солишнинг кучайганлиги таъсир кўрсатди.

Ўзбекистонда кичик ва хусусий бизнес ривожланишининг учинчи босқичи 1999 йилдан бошланди. Бундай бизнеснинг асосий қисми қишлоқ хўжалиги, савдо ва умумий овқатланиш ҳамда саноат тармоқларига тўғри келди <sup>143</sup>.

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик ва ишбилармонликни ривожлантиришдан кўзланган стратегик мақсад бор эди. Биринчидан, соҳани ривожлантириш орқали мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, аҳоли талаб ва эҳтиёжларини тўлароқ қондириш бўлса, бошқа томондан, кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни такомиллаштириш натижасида мамлакатда мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этиш эди. Кам таъминланган аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ногиронлар, етимлар, чин етимларни моддий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ёшлар муаммоларини ҳал этиш буларнинг бари тадбиркорликни ривожлантириш натижасида бажарилиши мумкин бўлган вазифалар эди.

Шунингдек, тадбиркорлик ва ишбилармонликни ривожлантириш натижасида, энг муҳими, янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг иш билан бандлик муаммосини ҳал этиш имконияти туғилар эди. Айни пайтда, тадбиркорликни ривожлантириш шаҳар ва қишлоқлар инфратузилмасини ўзгартириб юборар, янги типдаги бинолар, иншоотлар қурилиши, мамлакатнинг янада обод бўлишига шарт-шароитлар яратар эди.

Бу борада Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Маълумки, мустақилликнинг дастлабки йилларида Жанубий вилоятларда тадбиркорлик ҳаракати нисбатан суст ривожланди. Аммо шунга қарамасдан айрим тадбиркорлар масалага ижобий муносабатда бўлиб, аҳолининг кам таъминланган қисми, айниқса ёлғиз пенсионер қарияларга моддий ёрдам кўрсатдилар. Масалан, 1992 йилда

<sup>143</sup> Тўхлиев Н., Ҳақбердиев Қ. ва бошқ. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. - Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006. - Б.147,152.

Қашқадарё вилоятидаги 1717 нафар ёлғиз пенсионер қарияларга турли тадбиркорлар, ҳомийлар ҳисобидан 412 минг сўм қўшимча моддий-иқтисодий ёрдам кўрсатилди. Сурхондарё вилоятидаги 1861 нафар шу тоифадаги фуқароларга кўрсатилган қўшимча ижтимоий ёрдам ҳажми 446 минг сўмни ташкил этди <sup>144</sup>.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда тадбиркор, ишбилармонларнинг фаоллигини ошириш масалаларига ҳукумат даражасида катта аҳамият берилди. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 1994 йил 23 августдаги “Кам таъминланган оилаларни ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида”ги, 1996 йил 10 декабрдаги “Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари ва шулар асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида” ги ва 1996 йил 10 декабрдаги “Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорларида фуқароларнинг муайян табақаларига ижтимоий ёрдам кўрсатишда тадбиркорлар алоҳида ўрин эгаллаши мумкинлиги таъкидланган <sup>145</sup>.

Ўрганилган даврда ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган аҳолига мақсадли ёрдам кўрсатиш тизими шакллана бошлади. Масалан, Қарши шаҳрида 1991 йилнинг октябрь-декабрь ойларида шаҳар ёлғиз пенсионерларига хизмат кўрсатиш социал бўлими ташаббуси билан тадбиркор ҳомийлар ёрдамида 27 нафар ёлғиз пенсионерларнинг уйлари капитал таъмирланди, 12 нафар шундай тоифадаги фуқаронинг газ плиталари алмаштириб берилди. “Кулол” маҳалласидаги ижтимоий ёрдамга муҳтож Б.Раззоқов, А.Худойкулова, У.Рахматова, Б.Абдуллаева, С.Отамуродоваларга 4 тонна кўмир олиб берилди.

“Қаршистрой” ёғ-мой заводи, Тўқимачилик фабрикаси эса ўзларининг собиқ, ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимларига мунтазам равишда моддий-иқтисодий ёрдам кўрсатдилар.

<sup>144</sup> ЎзР МДА. М-15-фонд, 1-рўйхат, 91-иш, 120 –варак.

<sup>145</sup> ЎзР МДА. М-15-фонд, 1-рўйхат, 1045-иш, 345–варак.

4 нафар ёлғиз пенсионерларни корхона ҳисобидан бепул овкатлантириш ташкил этилди.

Яккабоғ туманида ижтимоий ҳимояга муҳтож, айниқса ёлғиз қарияларни ҳомий ташкилотларга бириктириб қўйиш амалиёти жорий этилди. Натижада, 1999 йилнинг декабрь ойида тумандаги 10 нафар ёлғиз қарияга сомон, 3 нафар ёлғиз қарияга 4 куб.метр ўтин, 80 нафар фуқарога 50 кг. дан буғдой, 50 нафар аҳолига 500 кг.дан кўмир тарқатилди<sup>146</sup>. Шунингдек, Косон шаҳридаги 89 нафар ёлғиз, иш қобилятини йўқотган пенсионерларга ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди. Чирокчи туманидаги 165 нафар, Шаҳрисабз шаҳридаги 25 нафар, Шаҳрисабз туманидаги 151 нафар ёлғиз, иш қобилятини йўқотган қарияларга 23 турдаги турли ёрдамлар кўрсатилди. Масалан, биргина Шаҳрисабз шаҳрида 16 та тадбиркор ва ҳомийлар жами 35000 сўмлик ижтимоий ёрдам кўрсатдилар<sup>147</sup>.

Бундай ишларни тартибга солиш, улар самарадорлигини ошириш мақсадида Сурхондарё вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган фуқаролар, айниқса ёлғиз пенсионер қарияларни моддий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида меҳрибонлик, ғамхўрликка йўналтирилган жамоатчилик фондлари ташкил этила бошланди. Масалан, Сурхондарё вилоятида ўтган асрнинг 90-йиллари бошида ташкил этилган “Меҳрибонлик ва саломатлик” жамоатчилик жамғармаси фаолияти анча самарали бўлди<sup>148</sup>.

Ўрганилган даврда пенсионерлар, кам таъминланганларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида жойларда кичик корхонлар, кичик бизнес тармоғини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратила бошланди. Масалан, Қашқадарё вилояти Фахрийлар Кенгаши раёсати ташаббуси билан 6 та кичик корхона ва ширкат хўжалиги тузилди. Улар Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида, Косон, У. Юсупов, Қамаш и туманларида фаолият кўрсатдилар. Бундай кичик корхоналарга аксарият ҳолларда пенсионерлар ишга олиндилар. Кўрилган фойданинг бир қисми эса ишлаш қобилятини

<sup>146</sup> Қашқадарё вилояти Давлат архиви. 142-фонд, 1-рўйхат, 461-иш, 27-варак.

<sup>147</sup> Қашқадарё вилояти Давлат архиви. 142-фонд, 1-рўйхат, 461-иш, 85-87 -вараклар.

<sup>148</sup> ЎзР МДА. М-15-фонд, 1-рўйхат, 91-иш, 22-варак.

йўқотган ёлғиз пенсионер қарияларга ёрдам тариқасида тарқатилди <sup>149</sup>.

Кичик ва ўрта бизнес корхоналари фермер ва деҳқон хўжаликлари аъзоларини моддий-маънавий жиҳатдан рағбатлантириш борасида ҳам анча ишлар амалга оширилди. Маълумки, кичик бизнес ўз хусусиятига кўра кўпроқ хусусий корхона ҳисобланади. Унда меҳнат қилганларни рағбатлантириш эса уларнинг кейинги фаолиятига замин яратар эди. Шу мақсадда 2002 йили Сурхондарё вилоятида кичик ва ўрта бизнес, хусусий корхоналар, фермерлар ва деҳқон хўжаликларида меҳнат қилган 199 нафар ходимга пенсия тайинланди <sup>150</sup>.

Умуман, сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг хусусий тадбиркорликдаги иштироки кучая борди. 2003 йилги маълумотларга кўра Сурхондарё вилоятидаги ширкат хўжаликларида 149 543, фермер хўжаликларида 68582, ҳиссадорлик жамиятларида 28287, хусусий корхоналарда 28516 нафар ходим меҳнат қилган. Улар аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоялаш бўйича анча хайрли ишларни бажардилар.

Айни пайтда шуни ҳам қайд этиш лозимки, турли сабабларга кўра вилоятда иқтисодий фаол бўлмаган аҳолининг сони ҳам кўпайиб борди. 2003 йил Сурхондарё вилояти бўйича 51697 меҳнатга лаёқатли ёшдагиларнинг ишлаб чиқаришдан ажратилган ҳолда таълим олиши, 40487 кўп болали аёлларнинг ижтимоий фойдали меҳнатда иштирок этмаслиги, 24701 аёлларнинг ишламайдиган ҳомиладорлик таътилида эканлиги, 52463 аёлнинг 3 ёшгача бола тарбияси билан машғуллиги, 7223 шахснинг имтиёзли шартларда пенсия олиши аниқланди. Шу билан бирга 22570 нафар фуқаронинг ихтиёрий равишда ишламаётганлиги маълум бўлди <sup>151</sup>.

Ушбу рақамлар, шубҳасиз, вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий муҳитга маълум маънода ўзининг салбий

<sup>149</sup> Қашқадарё вилояти Давлат архиви, 142-фонд, 3-рўйхат, 1-иш, 90-варақ..

<sup>150</sup> Сурхондарё вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош Бошқармаси жорий архиви. 2002 йилги маълумотлар папкаси.-Б.28.

<sup>151</sup> Сурхондарё вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош Бошқармаси жорий архиви. 2002 йилги маълумотлар папкаси.-Б.38.



таъсирини кўрсатар эди. Натижада, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг муайян қисмида ижтимоий ҳимоя билан шуғулланувчи ташкилот, муассаса, кичик бизнес, тадбиркор ўртасидаги нисбати салбий томонга ўзгариши кузатилди.

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ўрганилган даврда кичик ва ўрта бизнес, оилавий тадбиркорлик орқали аҳолининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга эътибор кучайтирила бошланди. Маҳаллаларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун тижорат банкларида очилган кредит линиялари орқали иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармалари маблағи бўйича ҳам анча ижобий ишлар бажарилди. 2003 йилнинг 8 ойида Қашқадарё вилоятида ушбу кўмаклашувчи давлат жамғармаси ҳисобидан 809 та янги иш ўринлари яратилди. Уларнинг 524 таси оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, 285 таси эса кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳисобига амалга оширилди. Мазкур иш ўринларини яратиш учун ён ҳисобидан оилавий тадбиркорлик субъектлари мақсадларига 178.6 млн. сўм ва бошқа кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун 451,6 млн сўм имтиёзли кредит маблағи ажратилди.

Вилоятдаги энг ўтқир, бажарилиши қийин бўлаётган муаммолардан бири аҳолини иш билан таъминлаш, бандлик муаммосини ҳал этиш эди. Мазкур вазифаларни бажариш учун турли йўللار, воситалардан фойдаланилди. Маҳаллаларда иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари бўйича фуқароларга хизмат килувчи пунктларни ташкил этиш ушбу муаммоларни ҳал этишдаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Қашқадарё вилоятидаги 521 та фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳудудида 2003 йили 203 та шундай пунктлар ташкил этилди.

Шунингдек, вилоятда аҳоли ижтимоий муаммоларини ҳал этишда ҳомийлар қўллаб-қувватлашидан ҳам самаралироқ фойдаланишга ҳаракат қилинди. Биргина 2003 йилда вилоят бўйича ҳомийлар маблағидан 1733 нафар ёлғиз фуқарога 80,8 млн. сўмлик манзилли ёрдам кўрсатилди. Умуман, ҳар бир ёлғиз фуқарога кўрсатилган ҳомийлик ёрдами ҳажми 46,6 минг сўмни ташкил этди. Айни пайтда ёлғиз фуқаролар, “Саҳоват” ва “Мурувват” уйларига ҳамда боқувчисини йўқотган болаларга инсонпарварлик тариқасида ҳажми 120,5

млн. сўмлик мурувват ёрдами кўрсатилди. Ҳомийлар, ҳомий ташкилотлар томонидан 60 кишига ногиронлар аравачаси, 15 кишига эшитиш мосламаси, 105 нафар муҳтожга кўлтиқтаёк, 201 одамга ҳасса тақдим этилди.

Умуман, Қашқадарё вилоятида 2000 йилларнинг дастлабки ўн йиллигида ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга ҳомийлар томонидан кўрсатилган моддий ёрдамлар ҳажми, сифати ортиб борди. Ижтимоий ёрдам, ҳомийлик ҳаракатининг турлари ҳам кенгая борди. Масалан, 1990 йиллар бошларида аҳолининг ночор қисмига кўрсатилган моддий-иқтисодий ёрдам асосан озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат бўлган бўлса, кейинчалик кўпроқ ижтимоий-маиший мазмундаги ёрдам турлари, аҳолини маданий товарлар-телевизор, магнитофонлар, шунингдек, тиббиёт соҳасига оид товарлар, ускуна, мосламалар билан таъминлаш устувор аҳамият касб эта бошлади.

2000 йилларнинг бошларидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмини моддий-иқтисодий жиҳатдан таъминлаш, ҳомийлик ёрдамини таклиф этишда маълум тизим шакллана бошлади.

Бу нарса, энг аввало, мамлакатнинг иқтисодий аҳволи, ижтимоий турмушдаги ўзгаришлар, аҳоли турмуш тарзининг такомиллаша бориши билан боғлиқ эди. Шунингдек, бу даврга келиб ҳомийлик ҳаракатида иштирок этаётган ташкилот, муассасалар, ҳомий шахсларнинг ижтимоий портрети (қиёфаси) ҳам ўзгариб, сифат жиҳатдан такомиллаша борди.

Бундай ижтимоий портретнинг муҳим жиҳатларини савоб иш қилиш, камбағалларга ғамхўрлик, ижтимоий ёрдам муҳтож, айниқса ногиронлар, ёлғиз фуқаролар, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳисси, Саҳоватпешалик, мурувват кўрсатишни инсонпарварликнинг муҳим кўриниши, деб билиш кабиларда кўриш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий қудрати оша борган сари, айти пайда, кичик, ўрта бизнеснинг ривожланиши, ҳомийлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш буларнинг бари ҳомийлар сонининг ортишига сабаб бўла бошлади.

Натижада, Қашқадарё вилоятида ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган фуқароларга ҳомийлар томонидан кўрсатилган

моддий ёрдамлар ҳажми йилдан-йилга ортиб борди. Масалан, 2002 йилда вилоят бўйича ҳомийлар томонидан кўрсатилган жами моддий ёрдамлар ҳажми 193,9 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2003 йилда эса 1517,0 млн. сўмга етди. Яъни, 4 йил давомида ҳомийлар томонидан кўрсатилган моддий ёрдамлар ҳажми қарийб 7 мартага ошди. Бу нарса айниқса Шаҳрисабз, Яккабоғ, Чироқчи, Камаши туманларида маълум тизим асосида олиб борилди. Шунингдек, айрим туманларда эса мавжуд иш жуда қониқарсиз ҳолда эди. Чунончи, Дехқонобод туманида 2004 йилда ушбу ҳомийлик ёрдам ҳажми 89,7 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2005 йилда унинг ҳажми 56,7 млн. сўмга тенг бўлди, ҳолос <sup>152</sup>.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати аҳолининг ижтимоий ҳимоясини ташкил этиш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, айниқса аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида турли воситалардан фойдалана бошлади. Бу жараён айниқса 2000 йилларда анча ривож топди. Кичик тадбиркорликда иш жойлари яратиш учун бериладиган кредитларни амалиётга тадбиқ этиш шу ўринда муҳим аҳамият касб этди. Умуман бундай кредитлар миқдори йилдан-йилга ортиб бора бошлади. Масалан, Қашқадарё вилоятида бу рақам 10527,0 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2003 йилда бу рақам 11859,0 млн, 2005 йилда 12760,0 млн. сўмга етди. 2006 йилда вилоят бўйича жами берилган кредитлар миқдори 237000,0 млн. сўмни ташкил қилди ва бу рақам 2005 йилга нисбатан 165,6 фоизни ташкил этди. Натижада, Қашқадарё вилоятида янги иш жойларининг барпо этилиш даражаси орта борди. Бу айниқса Қарши, Камаши, Косон, Китоб туманларида анча сезиларли бўлди <sup>153</sup>.

Кичик бизнес ва тадбиркорликда иш жойлари яратиш учун берилган кредитлар, шубҳасиз, ўз натижаларини бера бошлади. Ўрта ва кичик бизнес корхоналари сони орта бошлади, уларда иш билан таъминланганлик даражаси ҳам кўпайиб борди. Қашқадарё вилоятида бу борада олиб борилган ишлар натижасида 2006 йилга келиб рўйхатга

<sup>152</sup> Қашқадарё вилояти Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси жорий архиви. 2005 йил материаллари папкаси.-Б.7.

<sup>153</sup> Қашқадарё вилояти Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси жорий архиви. 2006 йил материаллари папкаси.-Б.12.

олинган ўрта ва кичик бизнес корхоналари сони 69845 тага етди. Рўйхатга олинган ўртача битта кичик ва хусусий корхонага тўғри келувчи ишловчилар сони 8,6 кишига етди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш эвазига аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича Сурхондарё вилоятида ҳам анча ижобий ишлар амалга оширилди. Вилоятда микрофирмалар ташкил этилиши айниқса тез ривож топди. Микрофирмалар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бир кўриниши бўлиб, улар ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасининг турли йўналишларини ўз ичига олди. Одатда микрофирмалар қисқа муддатда тез фаолият кўрсатувчи, ҳаракатчан ишлаб чиқариш соҳаси сифатида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, айниқса фуқароларнинг иш билан бандлик муаммосини тезликда ҳал этишда муҳим омил эди.

Агар 2003 йилда Сурхондарё вилоятида жами 11533 та микрофирмалар фаолият кўрсатган бўлса, бу рақам 2004 йилда 13432 тага, 2005 йилда эса 15615 тага етди. Шунингдек, вилоятда кичик корхоналар сони ҳам йилдан йилга ортиб борди. 2003 йилда вилоятда бундай корхоналар сони 1944 та бўлган бўлса, 2004 йилда улар сони 1224 тага, 2005 йилда эса 1327 тага етди. Термиз шаҳри, Жарқўрғон, Узун, Шеробод туманларида бу рақам анча юқори бўлди. Айни пайтда бундай ижобий ишлар барча туманларда ҳам бир хил бўлмади. Масалан, Бандихон туманида 2003 йилда жами 71 та кичик корхоналар фаолият кўрсатган бўлса, бу рақам 2004 йилда 37 тага, 2005 йилда эса 22 тага тушиб қолди. Худди шундай ҳолни Музработ, Сариосиё, Қизирик туманларида ҳам кўриш мумкин эди <sup>154</sup>.

Сурхондарё вилоятида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида хайрия тадбирларни ўтказишга ҳам алоҳида эътибор берилган. Хайрия тадбирлари асосан ҳомийлар, тадбиркор ва ишбилармонлар томонидан амалга оширилди. Бундай тадбирлардан тўпланган маблағ аҳолининг кам таъминланган қисми, иш билан банд бўлмаганлар, ёлғиз фуқароларга тақсимлаб берилган. Жумладан, 2003 йили вилоят бўйича хайрия тадбирларидан 9746,7 минг сўм, 2004 йили 7637,9

<sup>154</sup> Сурхондарё вилояти. Статистик маълумотлар. 2005.-Б.63.

минг сўм, 2005 йили 10851, 5 минг сўм, 2006 йили 422998,4 минг сўм тўпланди ва улар юқорида номлари келтирилган тоифадаги аҳоли ўртасида тақсимлаб борилган <sup>155</sup>.

Аҳолининг кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллалардаги ишбилармон ва тадбиркор шахслар томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилди. 2006 йилнинг ўзида Қашқадарё вилояти бўйича етим болаларга “Маҳалла” жамғармаси ташаббуси билан ҳомийлар томонидан 12 млн. сўм моддий ёрдам ташкил этилди. Жумладан, Китоб туманидаги тоғли ҳудудда жойлашган Кабзахона ва Мусабозор қишлоқларидан туман марказига кўчирилган 128 оиланинг ҳар бирига биттадан телевизор совға қилинди. Қарши шахридаги кўзи ожизлар яшайдиган 2 қаватли бинони таъмирлаш учун эса ҳомийлар томонидан бир миллион сўм маблағ ажратилди <sup>156</sup>.

Ўрганилган даврда Ўзбекистон Республикасида бошқарув органларининг аҳолининг кам таъминланган қисмига моддий ёрдам бериш бўйича фаолияти кучайиб борганлигини кўриш мумкин. Аҳолининг кам таъминланган қисми, ногиронлар, етим-есирларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида маҳаллий ҳокимият ишбилармон, тарбиркорларда ҳомийлик руҳиятини шакллантиришга ҳаракат қилдилар. Булар, шубҳасиз, ўз натижаларини берди. Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани ҳокимлигининг 2006 йил январь ойида чиқарган Қарорига биноан тумандаги якка-ёлғиз яшовчилар, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, ҳарбий хизматчиларнинг оилалари, етим-есирлардан 190 киши ҳокимлик қарори билан ҳомий ташкилотларга бириктириб қўйилган.

Шунингдек, ногиронлар куни муносабати билан 66 нафар ногирон, пенсионерларга моддий ёрдам сифатида кийим-кечак, 170 нафар ногирон ва пенсионерларга озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат совғалар топширилди. 2006 йил давомида ҳомийлар томонидан 1137 оилага 30212 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди, 43 оилага 53 та йирик

<sup>155</sup> Ўзбекистон Республикаси “Маҳалла” жамғармаси Сурхондарё вилоят бўлимининг IV конференцияси ҳужжатлари тўплами.-Термиз, 2007.- Б.42.

<sup>156</sup> “Маҳалла” жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлимининг 2006 йилда амалга оширилган ишлари ҳақида маълумотнома.-Бўлим жорий архиви. 2006.-Б.4.



шоҳли қорамоллар берилди, майда шоҳли моллар билан эса 30 оила таъминланди <sup>157</sup>.

Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидаги “Саҳоват” уйида 2006 йилда 158 нафар қариялар, меҳнат ва уруш фахрийлари ва I – II гуруҳ ногиронлари истиқомат қилдилар. Ҳомий ташкилотлар, тадбиркорлар томонидан турли тоифадаги ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича анча ижобий ишлар бажарилди. Айниқса ҳомий ташкилот – Муборак газни қайта ишлаш заводи раҳбариятининг саъй-ҳаракатлари билан “Саҳоват” уйи учун 160 кишига мўлжалланган ҳаммом ва янги спорт мажмуасининг қурилиб, ишга туширилиши катта воқеа бўлди <sup>158</sup>.

Бу борада Нишон туманида ҳам катор ибратли ишлар амалга оширилди. Туманда ҳомий ташкилотлар томонидан 49 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга транспортда бепул юриш имтиёзи берилди. 2005 йилнинг 9 ойида ҳомийлар кўмагида 379 нафар ёлғиз, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ночор кишиларга 14 млн. сўмлик мурувват ёрдами кўрсатилди. Тумандаги ҳомий ташкилотлар орасида “Толлимаржон” қурилиш бошқармаси, “Маҳалла” хайрия жамғармаси вилоят бўлими, “Нишон” қорақўлчилик наслчилик-кооператив ширкат хўжалиги, айниқса, кўплаб хайрли ишларни амалга оширди <sup>159</sup>.

Сурхондарё вилоятида ҳам аҳолининг кам таъминланган қисмини моддий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда ҳомийлик ҳаракатидан самарали фойдаланилди. 2006 йилда республикада “Хайрли, савобли ишларда бир-биримиздан қолишмайлик” шиори остида “Энг яхши ҳомий ва шифокор” номинацияси бўйича кўрик-танлов ўтказилди. Кўрик – танловда 14 та туман, битта шаҳар иштирок этди. Сурхондарё вилоятидан туман, шаҳарларда ғолиб бўлган 10 нафар ҳомий-вакиллар республика кўрик-танловига тавсия этилди. Мазкур кўрик-танлов доирасида вилоятда ҳомийлик ҳаракати анча ривож топди. Масалан, 2006 йилнинг ўзида “Экосан” халқаро жамғармаси вилоят филиали томонидан 22,4 млн. сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Жамғарманинг Кумкўрғон

<sup>157</sup> Саҳоват.-Тошкент, 2006. № 2. – Б. 7.

<sup>158</sup> Саҳоват.-Тошкент, 2006. № 3-4. – Б.12.

<sup>159</sup> Саҳоват.-Тошкент, 2006. № 1. – Б.6.

туман бўлинмаси ҳисобидан 45 нафар болаларга 120 минг сўм, Сариосиё туман бўлинмалари томонидан 30 нафар болаларга 45 минг сўм, шунингдек, Узун туманида 55, Жарқўргон туманида эса 65 нафар болага ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди <sup>160</sup>. Умуман, Сурхондарё вилояти бўйича 2006 йилда фақат “Маҳалла” жамғармаси бўлимлари ташаббуслари билан ижтимоий ҳимояга муҳтожлар учун 1,4 миллиард сўм маблағ ажратилди <sup>161</sup>.

Ўрганилган даврда Ўзбекистон Республикасида ҳомийлик ҳаракати анча тез ривожлана борди. Ҳомийлик ҳаракати, меҳр-мурувват кўрсатиш билан боғлиқ савобли ишларни бажариш кенг ёйилди. Сурхондарё вилоятида ҳам бу борада анча ижобий ишлар бажарилди, меҳр-мурувват ва ҳомийлик гояларини ёйиш бўйича комплекс тадбирлар ишлаб чиқиладиган бўлди. Бу борада қуйидаги тадбирларни алоҳида таъкидлаш лозим:

*-Республика ва вилоят телевидениеларида “Ҳомийлик-улугвор фазилят” мавзусида туркум кўрсатувлар тайёрланди;*

*-оммавий ахборот воситаларида “Ҳомийлик ҳаракатининг мақсад ва вазифаларини очиб берувчи “Яхшиликни аввало кимга қилмоқ керак?”, “Ҳомийлик ва ватанпарварлик” каби рухлар ташкил этилди;*

*-ҳомийлар ва меҳр-мурувват гояларини тарғиб қилишнинг энг яхши, таъсирчан шакллари ишлаб чиқиш мақсадида минтақавий танловлар ўтказилди.*

Ўзбекистон Республикасида, шунингдек, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳомийлик ҳаракатини, унинг ўзбек халқи маданияти ва менталитетидаги аҳамиятини эътиборга олиб кенг тарғиб этилиши, табиийки, бу ҳаракатнинг оммавийлашуви, мазкур жараёнда тадбиркор, ишбилармонларнинг фаол иштирок этишига сабаб бўлди. Бу ҳаракат айниқса 2006 йили – Ҳомийлар ва шифокорлар йилида авж олди.

Ҳомийлик ҳаракати кам таъминланган оилаларни чорва моллари, парранда ва бошқа турдаги ёрдамлар билан қўллаб-

<sup>160</sup> Сурхондарё вилояти “Маҳалла” жамғармаси бошқарувининг жорий архиви. 2006 йилги маълумотлар.-Б.10.

<sup>161</sup> Сурхондарё вилояти “Маҳалла” жамғармаси бошқарувининг жорий архиви. 2006 йилги маълумотлар.-Б.2.

кувватлаш, шунингдек, нақд пуллар, озиқ-овқат маҳсулотлари, коммунал тўловларни тўлаб боришда яққол намоён бўлди. 2006 йили Қашқадарё вилоятида жами 94235 та оилага фақатгина ҳомийлар маблағи ҳисобидан 10702,2 млн. сўм, бандлик жамғармаси микрокредит ҳисобидан 1242,4 млн. сўмли моддий ёрдам кўрсатилди. Мазкур ҳомийлик ёрдами майда шохли моллар (18121), йирик шохли қорамоллар (15711), паррандалар (21918) билан таъминлаш асосида ташкил этилди. Шунингдек, 20176 оилага деҳқон хўжаликларини ташкил этиш учун қўшимча ер майдони ажратилди <sup>162</sup>.

Вилоят тадбиркор, ишбилармонлари, ҳомий ташкилотлар томонидан нақд пул, ун, гуруч, ёғ каби озиқ-овқат маҳсулотлари, ғалла билан таъминлаш, тўй маросимларини ўтказиб бериш, коммунал тўловлари тўлаб борилиши каби ҳомийлик ёрдамлари ҳам мунтазам кўрсатиб борилди. Бундай ёрдам олган оилаларнинг сони 18309 тани ташкил этди. Жумладан, нақд пул билан таъминланган оилалар сони 4629 тани ташкил этган бўлса, сарфланган пул миқдори 600859, 4 минг сўмга етди <sup>163</sup>.

Сурхондарё вилоятида ҳам бу борада анча ибратли ишлар амалга оширилди. Айниқса мамлакат биринчи Президентининг “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва Республика Вазирлар Маҳкамасининг “2006-2010 йиллар даврида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоялаш, ҳомийлик ҳаракатини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этди.

Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантириш асосида 2007 йил 1 январь ҳолатига кўра Сурхондарё вилоятида 72732 нафар фуқаро меҳнат дафтарчаси олиш ва юритишга ариза берди. Шу асосда 39909 кишига янги меҳнат дафтарчаси берилди. Юқоридаги ҳужжатлар бўйича иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари

<sup>162</sup> Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг жорий архиви. 2006 йилги “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” мат.ериаллари папкаси. - Б.21.

<sup>163</sup> Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг жорий архиви. 2006 йилги “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” материаллари папкаси. - Б.32.

ҳисобига 400 млн. сўм кам таъминланган оилаларга, асосан қорамол сотиб олиш учун, имтиёзли кредитлар берилди. Умуман вилоят бўйича 2070 кам таъминланган ва кўп болали оилаларга бепул сигирлар берилди <sup>164</sup>.

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган кўплаб банклар ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, мушкулини осон қилиш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида катта ишларни амалга оширди. Биргина акциядорлик тижорат “Ҳамкорбанк” нинг Термиз филиали томонидан 2007 йилда тадбиркорлар ва ишбилармонларга 5,4 млрд. сўм кредитлар берди.

Бунинг 1,8 млрд. сўмини истеъмоладан кредитлари ташкил этди <sup>165</sup>. 2007 йили “Пахта Банк” нинг вилоят бошқармаси 700 дан ортиқ ёш оилаларга қарийб 1 млрд. сўмлик микро, истеъмоладан ва ипотека кредитлари ажратди.

Мамлакат биринчи Президентининг “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги (2006 йил 23 март) Қарори бўйича 1 миллиард 744 миллион 200 минг сўм кредит ажратилди. Натижада, 1769 та кам таъминланган оила 3184 бош қорамол сотиб олиб, шароитини яхшилаб олди. “Пахта Банк”нинг вилоят бошқармаси Шеробод туманидаги “Агрохизмат Шингдон” Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасининг ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш лойиҳасини қўллаб-қувватлади. Шўрчидаги “Мирзо Эсон” хусусий фирмаси банк кредити ҳисобидан Хитойдан шифер ишлаб чиқариш технологик линияларини сотиб олди, натижада 120 киши иш билан таъминланди <sup>166</sup>.

Вилоятда тадбиркор аёлларга, хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланиладиган ва аёллар бошқарадиган корхоналарга, шунингдек, яқка тартибда фаолият юритадиган 5 мингга яқин тадбиркор хотин-қизларга 8,8 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Ажратилган кредитлар ҳисобига 10 минг 483 нафарга яқин аёл иш билан таъминланди. Хотин-қизлар учун мақбул иш ўринлари яратишда уларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш Давлат жамғармаси ҳисобидан

<sup>164</sup> Чағонийн. 2007 йил 6 апрель.

<sup>165</sup> Чағонийн. 2008 йил 29 февраль.

<sup>166</sup> Ишонч. 2008 йил 15 март.

катта ҳажмдаги кредитлар ажратила бошланганлиги ҳам ижобий аҳамият касб этди. 2008 йилнинг биринчи ярим йиллигида вилоятда чорва соҳасини ривожлантиришга ҳисса қўшишга истаги бўлган 45 нафар аёлга 49,5 млн. сўмлик кредит берилди. Умуман, ушбу ярим йил давомида 908 нафар тадбиркор аёлга 3 миллиард 46 миллион 800 минг сўм миқдордаги маблағ тижорат банклари томонидан ажратилди<sup>167</sup>.

Ўрганилган даврда тадбиркорлик, ишбилармонлик туфайли кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтожларга ҳомийлик ёрдами кўрсатиш турлари, шакллари ҳам тобора кенгайиб борди. Жойларда бу борада турли кўрик-танловлар ўтказилди, ҳомийларга имтиёз бериш тизими шакллана борди. Қашқадарё вилоятида ҳомийлик ҳаракати туфайли уй-жойларни таъмирлаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат моллари, нақд пул, қорамол, майда шохли моллар, паррандалар, тикув машиналари, компьютер ва бошқа орг. техника, реабилитация техника воситалари, спорт анжомлари, сихатгоҳларга йўлланмалар билан таъминлаш амалга оширилди. Шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг тўй ва бошқа маросимларини ўтказиб бериш, ёш оилаларга уй-жой қуриш учун ер ажратиб бериш каби хайрия – ҳомийлик ишлари ҳам бажарилди<sup>168</sup>.

Кичик бизнес, тадбиркорлик, ишбилармонликни янада ривожлантириш, унинг натижасида аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоялаш борасида катта ҳажмдаги ишлар бажарилиб борилди. Жумладан, 2008 йили мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси барқарор ривожланди, хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ юки янада камайди, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови 10 фоиздан 8 фоизга 2009 йилдан эса 7 фоизга туширилди, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари камайтирилди, уни ҳисоблаш тартиблари такомиллаштирилди. Буларнинг бари тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни изчил ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омил бўлди. Натижада,

<sup>167</sup> Халқ сўзи. 2008 йил 17 октябрь.

<sup>168</sup> Қашқадарё вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси жорий архиви. 2008 йил маълумотлар папкаси.-Б.39.



кичик бизнес субъектлари сони ортди, иш билан банд аҳолининг микдори кўпайди.

Сурхондарё вилоятида саноат ишлаб чиқариш ҳажми 111,8 фоизга, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми 112,6 фоизга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажми 110,3 фоизга, пудрат ишлари 120,7 фоизга, чакана савдо 113,3 фоизга, пуллик хизмат кўрсатиш 131,7 фоизга кўпайди. Кичик ва ўрта бизнес улуши 67,2 фоизни, хизматлар улуши 38,1 фоизни ташкил этди.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда олиб борилган иқтисодий ва ижтимоий сиёсат туфайли тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракати анча ривож топди. Мазкур ҳаракат аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоялашда маълум аҳамиятга эга бўлди. Мамлакат ҳукумати тадбиркорликнинг эркин фаолият кўрсатишига кенгроқ имконият яратиб беришга ҳаракат қилди. Унинг қонунчилик ва ҳуқуқий базаси ривожлана бошлади.

Тадбиркор, ишбилармонларнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда миллий кадриятлар, миллий менталитетни эътиборга олиши кучайди. Муҳтожларга ёрдам, инсонпарварлик, Саҳоватпарварлик, ўзганинг қийинчилигига шерик бўлиш, уни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш каби ҳислатлар тадбиркорлар, ҳомийларнинг энг муҳим сифатлари шаклида пайдо бўла бошлади.

Айни пайтда бу борада қатор камчиликлар ҳам мавжуд эди. Уларнинг айримлари қуйидагилардан иборат:

-тадбиркорларнинг эмин-эркин фаолият кўрсатишига ҳалақит берувчи ноқонуний текиширувлар тўлиқ барҳам топа бошлади;

-тадбиркор, ишбилармонлар, ҳомийларнинг инсонпарварлик, меҳрибонлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришининг мукамал механизми ишлаб чиқилмади;

-тадбиркор, ишбилармонлар, ҳомийларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида шакллантирилган имтиёзлар етарли бўлмади;

- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда хорижлик ҳомийларни жалб этиш даражаси жуда суст бўлди.

### 3.2. Ёшлар ижтимоий муҳофазасини таъминлаш масалалари

Президентимиз Ш.Мирзиёев ёшларни ҳар томонлама ижтимоий ҳимоялашни бундан буён ҳам давом эттириш ҳақида гапириб, “Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз.

Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”<sup>169</sup> деган эди. Президент Шавкат Мирзиёев бевосита ташаббуси ва раҳбарлигида 2017 йил 7 февралда ПФ-4947-сонли қабул қилинган ҳамда изчил амалга оширилаётган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича ҳаракатлар стратегияси тараққиётнинг янги даврини бошлаб берди.

Ҳаракатлар стратегияси аҳолини электр, табиий газ, тоза ичимлик суви каби энг зарур неъматлар билан таъминлашни, шунингдек, арзон ўй-жойлар қуришни, одамлар учун муносиб ҳаёт тарзини юзага келтиришни аниқ режалаштириб, уни реал вақт режимида амалга ошириш механизминини ишлаб чиққани билан аҳамиятлидир. Ҳаракатлар стратегиясининг тўлиқ амалга оширилиши натижасида ҳар бир оила уй-жой, электр энергияси, табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминланади<sup>170</sup>.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз аҳолисининг 32 фоизини ёки 10 миллионини 30 ёшгача бўлган ёшларимиз ташкил этади<sup>171</sup>.

2016 йилда 10 миллионга яқин болалар тиббий кўрикдан ўтиб соғломлаштирилди. Жумладан, республика ихтисослаш-

<sup>169</sup> Мирзиёев Ш.Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент: Ўзбекистон, 2016.-Б. 14.

<sup>170</sup> Бекмуродов М.Куронбоев Қ.Тангриев Л. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиликлар сари.Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи., 2017. –Б. 16.

<sup>171</sup> Мирзиёев Ш.Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент: Ўзбекистон, 2016.-Б. 13.

тирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида эшитиш бўйича нуқсони бўлган 350 дан ортиқ болада кохлеар имплантация операциялари амалга оширилди. Бунинг учун 21 миллиард сўм сарфланди. Лекин биз учун қанча маблағ кетгани эмас, балки юзлаб болаларимизнинг саломатлиги тиклангани муҳимдир <sup>172</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев, “Фарзандларимиз учун замонавий иш жойлари яратиш, уларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашини таъминлашга қаратилган ишларимизни янги босқичга кўтаришни даврнинг ўзи тақоза этмоқда” <sup>173</sup> деган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев фармонида мувофиқ 2017 йил 30 июн куни Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди <sup>174</sup>. Шу билан бирга ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш борасидаги ишларимизни янги босқичга кўтариш мақсадида “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йилда ёшлар масаласида амалга оширилган ишлар ҳақида гапириб, “Жорий йилда олиб борган ислохотларимизнинг энг муҳим натижаларидан бири - бу, шубҳасиз, мамлакатимизда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга бутунлай чек қўйилгани бўлди. Бундай ижобий ўзгаришлар Халқаро меҳнат ташкилоти ва бошқа тузилмалар томонидан эътироф этилгани эътиборга лойиқ, албатта”, деган сўзлари ҳам юртимизда ёшларга ва уларнинг ижтимоий ҳимоясига нечоғлик аҳамият берилаётганлигини билдиради.

Дарҳақиқат, мустақилликнинг дастлабки кунларидан бола боқиш Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий муҳофазалаш, айниқса ёшлар муаммоларини ҳал этишга устувор аҳамият берила бошланди. Мамлакат биринчи Президенти И.Каримов таъкидлагани каби, “Ёшлар билан ишлаш масалалари алоҳида эътиборни талаб қилади. Биз Ўзбекистон Республикасининг истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай

<sup>172</sup> Мирзиёев Ш. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент: Ўзбекистон, 2016.-Б.13.

<sup>173</sup> Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент: Ўзбекистон, 2016.-Б. 14.

<sup>174</sup> Халқ сўзи. 2017йил 1 июл.

маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳамиша ёдда тутишимиз керак. Бизнинг бугунги меҳнатимизга қандай баҳо берилиши ҳам ана шунга боғлиқ.

Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз зарур.

Шундай экан, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик даражасининг юқорилигича қолаётгани, рўйхатга олинган ишсизларнинг анча қисмини ёшлар ташкил этиши бизни ташвишга солмай қўймайди”<sup>175</sup>.

Ўрганилган даврда Ўзбекистонда ёшлар муаммоларини ҳал этиш бўйича катта ҳажмдаги ишлар бажарилди. Улар ўқиши, етук мутахассис бўлиб етишиши, жамиятнинг муносиб аъзоси бўлиши учун давлат томонидан олиб борилган ишлар ўз натижаларини бера бошлади. Ёш авлод ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза этишда муайян ютуқларга эришилди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг ратификация қилинган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенцияси бўлди. 1992 йилда конвенцияга қўшилгач, Ўзбекистон Республикаси бола ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича қатор халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларни ўз зиммасига олди.

Ўзбекистоннинг бола ҳуқуқлари ҳимояси бўйича амалдаги қонунчилиги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси меъёрлари асосида “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенциянинг талабларига мувофиқ ривожлантирилмоқда. Унга кўра, боланинг асосий ҳуқуқлари, уларни ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси фуқаролик, оила, меҳнат, жиноят, жиноят-процессуал ва бошқа қатор кодексларда шакллантирилган. Мазкур нормаларнинг қабул қилиниши бола ҳуқуқлари ҳимояси тўғрисидаги қонунчилик ривожига катта ҳисса қўшди.

Ҳозиргача БМТнинг бола ҳуқуқлари бўйича қўмитасига ушбу конвенция талабларини бажариш юзасидан Ўзбекистон

<sup>175</sup> Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. - Тошкент: Ўзбекистон, 1999. - Б.23-24.

Республикасида бажарилаётган ишлар ҳақида 2 та миллий маъруза тақдим этилди. Миллий маърузаларни кўриб чиқиш натижалари бўйича БМТнинг бола ҳуқуқлари қўмитаси якуний кузатишларни ишлаб чиқиб, унда давлат томонидан эътибор қаратилишини талаб этувчи соҳалар кўрсатилди ва ҳуқуқларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилди. Мазкур ҳаракат режасида бола ҳуқуқларини амалга ошириш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилди, БМТ қўмитасининг якуний мулоҳаза ва тавсияларини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Миллий ҳаракат дастури ишлаб чиқилди ва 15 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ўзбекистонда болаларни ҳимоя қилишга доир мукамал тизим яратилди <sup>176</sup>.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистон Республикасида ёшлар таълим-тарбияси, уларнинг маънавиятини юксалтириш соҳасидаги ислохотларнинг ҳаётимиз бошқа соҳалари – ижтимоий – иқтисодий, турмуш тарзи билан ўзаро чамбарчас боғланган ҳолда, тизимли, босқичма-босқич амалга ошириладиган стратегияси ишлаб чиқилди.

Унга асосан ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг куйидаги устувор йўналишларида ислохотлар амалга оширилди:

- ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кафолатловчи қонунчилик асосларини яратиш ва такомиллаштириб бориш;

- ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ зарур институционал тузилмаларни қўллаб-қувватлаш;

- ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларга таълим бериш сифатини ошириш;

- ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш;

- ёшлар спортининг оммавий ривожлантириш тизимини яратиш;

- ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш;

<sup>176</sup> Сурхон тонги. 2008 йил 7 февраль.



- баркамол авлодни тарбиялаш мақсадида зарур ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни вужудга келтириш.<sup>177</sup>

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида ёшлар муаммоларига алоҳида эътибор берилишининг қатор сабаблари бор эди. Биринчидан, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида 18 ёшгача бўлган ёшлар 10 миллион 360 минг нафарни ёки умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса-17 миллион 80 минг нафарни ёки 64 фоизни ташкил этади. “Ўз-ўзидан аёнки,- дейди мамлакат биринчи Президенти, аҳолимининг аксарият қисмини ташкил этадиган ёшларимизнинг ҳали-бери ечилмаган муаммоларига эътиборингизни жалб этиш, уларни ҳаётимизда ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучга айлантириш масаласи жамоатчилигимизнинг диққат марказида туриши шарт”<sup>178</sup>.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасида 950 мингдан зиёд ёш оила мавжуд. Улар жами оилаларнинг 16 фоизини ташкил этади. Уларни моддий ва маънавий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг устувор вазибаларидан ҳисобланади.<sup>179</sup>

Учинчидан, мустақиллик йўлларида ўзгаларга тобе бўлмаган ҳолда, боқимандалик руҳиятидан озод бўлган шароитда мутлақо янги иқтисодий инфраструктурани шакллантириш, ёшлар муаммоларини ҳал этиш, айниқса уларнинг иш билан бандлик масаласини адо этиш муҳим аҳамият касб этарди. Шунингдек, Ўзбекистон йигит-қизларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, улар учун муносиб турмуш шароитини яратиш ўта зарур эди.

Тўртинчидан, ёшлардаги совет мустабид тизимига хос бўлган руҳий-мафкуравий дунёқарашини ўзгартириш лозим эди. Айниқса совет давридаги ёшларга нисбатан бўлган муносабатда қуйидаги жиҳатлар билан ажралиб турар эди:

1. Ёшлар сиёсатнинг сиёсий объектига айлантириб қўйилган эди.

<sup>177</sup> Туркистон. 2008 йил 14 июнь.

<sup>178</sup> Каримов И. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б.163.

<sup>179</sup> Каримов И. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б.166.

2. Ёшлар сиёсий ҳаётда мажбурий-маъмурий тарзда иштирок этарди.

3. Ягона мафкуравий боғлиқлик, тобелик.

4. Фикрий қарамлик.

5. Ўзлигидан бегоналашиш ҳолатлари.

6. Сохта ташаббускорлик, партияга нисбатан “укалик”, “ворислик”, “ўринбосарлик” туйғусининг, коммунистик ғоя ва қарашларининг ёшлар онгига ва қалбига сингдирилганлиги ҳолати мавжуд эди <sup>180</sup>.

Бундай салбий ҳолатларни бартараф этиш эса Ўзбекистон Республикасида ёшлар муаммосини ҳал этишга имкон берар эди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасида мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмининг манфаатларини кўзлаб олиб борилган сиёсат ўз натижаларини бера бошлади. Мамлакат Президенти таъкидлагани каби, “Ёшларни ижтимоий ҳимоялашнинг бошқа шакллари – овқат нархининг бир қисмини қоплайдиган кўшимча тўловлар, мактаб ошхоналари ва тамадди хоналари кўшимча ҳаражатларининг бир қисмини бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаш, хусусий хонадонларда яшаётганлар учун кўшимча тўловлар, жамоат транспортида арзон ҳақ тўлаб юриш ва бошқа енгилликлар жорий этилди. Миллий анъаналарни назарда тутиб, биринчи бор никоҳдан ўтаётган келин-куёвлар учун мебель ва гилам маҳсулотлари сотиб олинишининг имтиёзли тартиби белгиланди” <sup>181</sup>

Кўрилган бундай тадбирлар бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида жуда кўл келди. Жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорлик таъминланди, бўлиши мумкин бўлган иқтисодий-сиёсий бўҳронлар, унинг натижасида содир бўлиши мумкин бўлган аҳоли муайян қисми қашшоқланишининг олди олинди.

Бу борада Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳам муайян ижобий ишлар амалга оширилди. Вилоятлар раҳбариятлари, турли давлат ташкилотлари, касаба уюшмалари, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ

<sup>180</sup> Тангриев Л. Ёшлар сиёсат субъекти: Бандлик муаммоси: Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. - Тошкент, 2001. - Б.11.

<sup>181</sup> Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Тошкент: Ўзбекистон, 1998. - Б. 289.

муассасалар томонидан олиб борилган ишлар фукароларда эртанги кунга ишонч уйғотди. Масалан, 1992 йил 24 февралда Қашқадарё вилояти ижтимоий таъминот бошқармаси “Талаба ёшлар ва ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоялаш чоратадбирлари тўғрисида”ги буйруқни эълон қилди. Унга биноан талабалар, ўрта махсус таълими ва мактаб ўқувчилари учун махсус ижтимоий ёрдам кўрсатилиш билан боғлиқ масалалар ҳал этилди. Талаба ва ўқувчиларнинг овқатланиши, уларга тиббий ёрдам кўрсатиш, транспорт хизматларидан фойдаланишлари учун имтиёзлар белгиланди. Жумладан, мактаб ўқувчилари учун тушлик овқатларнинг 50 фоизи республика ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан қопланиши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон ҳукумати мустақилликнинг дастлабки йилларида ўтиш даври қийинчиликлари, хусусан нарх-навонинг эркинлашуви шароитида кўп болали оилаларни ижтимоий муҳофазалаш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Масалан, биргина 1992 йилнинг ўзида болалар манфаатлари учун ҳамда компенсация харажатлари учун қўшимча 5,9 миллиард сўм пул ажратди. Шунингдек, нон, сут-қатик, шакар, тухум, гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари учун 10 миллиард сўм бюджет пули ажратилди.

Таъкидлаш лозимки, ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида ўтиш даври қийинчиликларига қарамасдан ҳукумат ёшлар, айниқса ёш болали оилаларни ижтимоий ҳимоялашга эътиборни кучайтирди. Шу маънода, 1992 йили вояга етмаган болалари бор оилалар учун ҳар чоракда товар-маҳсулотлар нархининг ортиб боришини эътиборга олиб, қуйидаги даражада компенсация тўловларини амалга оширишга қарор қилинди:

- 6 ёшгача бўлган болалар учун – 25 фоиз;
- 6 ёшдан 13 ёшгача бўлган болалар учун – 30 фоиз;
- 13 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар учун – 35 фоиз<sup>182</sup>.

Аҳолини, жумладан ёшларни ижтимоий ҳимоя қилишда қасаба уюшмалари томонидан олиб борилган ишлар ҳам самарали бўлди. Қасаба уюшмалари ўша даврда аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминловчи ягона жамоатчилик

<sup>182</sup> ЎзР МДА. М-15-фонд, 1-руйхат, 93-иш, 44-варак.

ташкилоти сифатида фаолият кўрсатди. Ўзбекистон Республикаси Касаба Уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 1992 йил 23 апрелдаги Қарорига биноан ҳар бир туғилган бола учун бюджет ҳисобидан 1100 сўм ҳажмидаги болалар кийим-кечаклар комплектини бепул бериш бошланди. Шунингдек, болали аёлларнинг ишга чиқиши, айти пайтда уларнинг ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим муассасаларида билим олишлари учун ҳам кўшимча имтиёзлар белгиланди. Мактаб формалари ва болалар кийим-кечаклари учун тўланадиган компенсация пуллари ҳажми 2 мартага оширилди<sup>183</sup>.

Ёшлар ва кўп болали, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш сиёсати илмий асосланган ҳолда, мавжуд шарт-шароит ва имкониятлар, шунингдек ўзбек халқининг анъанавий турмуш тарзи эътиборга олинган ҳолда олиб борилди. Бу ўз навбатида жамиятда ижтимоий бўҳронларнинг олдини олиш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 1994 йил 31 августдаги Фармони алоҳида аҳамият касб этди. Фармон бўйича истеъмол молларининг асосий турларини ва хизматларининг эркин нархга ўтиши тугалланиши муносабати билан ҳамда аҳолининг ўсиб бораётган харажатларини қоплаш мақсадида 1994 йил 1 октябрдан бошлаб 100 сўм миқдорида ҳар ойлик компенсация тўловлари жорий этилди.

Мамлакат биринчи Президентининг 1994 йил 31 ноябрдаги Фармонида асосан юқорида кўрсатилган компенсация тўловларининг миқдори 150 сўмгача кўпайтирилди. 1994 йил сентябрдан бошлаб амалдаги болаларга қараб турганлиги учун оналарга тўланадиган нафақалар бола 1,5 ёшга тўлгунга қадар эмас, балки 2 ёшга тўлгунга қадар тўлана бошланди. Нафақанинг миқдори эса республикада ўрнатилган энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида қаралаётган болаларнинг сони ва нафақа олувчининг меҳнат стажидан қатъий назар ҳар ойда тўлаб турилиши белгиланди<sup>184</sup>.

Маълумки, бола икки ёшга тўлгунга қадар тўланадиган нафақа ижтимоий ҳимоя тизимида алоҳида аҳамият касб этди. Ўзбекистонда 1994 йилда бундай оилалар сони 60680 та

<sup>183</sup> ЎзР МДА. М-15-фонд, 1-рўйхат, 92-иш, 59-варақ.

<sup>184</sup> ЎзР МДА. М-15-фонд, 1-рўйхат, 411-иш, 1-варақ.

эди. Шундан 5018 таси Қашқадарё, 8162 нафари эса Сурхондарё вилоятига тўғри келди. Шу билан бирга республикадаги 16 ёшгача бўлган болалари бор 70832 оиланинг 3527 таси Қашқадарё, 4716 таси Сурхондарё вилоятларига тўғри келган <sup>185</sup>.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг механизми ўзгариб, у тобора такомиллаша борди. Ижтимоий ёрдамнинг талайгина қисми имтиёзлардан иборатдир. Ўзбекистонда жорий қилинган 30 турдаги имтиёзлар 15 тоифадаги фуқароларни қабул қилинган умумий қоидаларнинг талаблари ва мажбуриятларидан озод қилган ёки енгилликлар берган. Имтиёзлар биринчи навбатда барча тоифадаги ногиронларга, уруш қатнашчиларига ва уларга тенглаштирилган шахсларга, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига, ёлғиз кексаларга, мамлакат ва миллат олдида алоҳида хизматлари бўлган фуқароларга берилди.

Мавжуд имтиёзлардан катта қисми, юқорида қайд этилгани каби, ёшларга ва болаликдан ногирон бўлганларга қаратилди. 1996 йилги маълумотларга кўра, Сурхондарё вилоятида 9881 нафар болаликдан ногирон бўлганлар истиқомат қилди. Шулардан 5337 нафари 16 ёшгача бўлган болалар эди. Уларни ижтимоий муҳофаза этиш, давлат томонидан берилган турли имтиёзларни ўз вақтида ва сифатли тақдим этиш, ҳомийлар томонидан бериладиган моддий-иқтисодий ёрдамни самарали ташкил этиш жуда зарур эди.

1995 йилда Сурхондарё вилоятида “Жовид” протез ва ортопедия кўп тармоқли ишлаб чиқариш хусусий фирмаси 1 йил давомида 50 дона ногиронлар учун оёқ кийимлари, 296 дона протез буюмлари ишлаб чиқарди, 16 дона протез буюмлари таъмирлаб берилди <sup>186</sup>.

Республикада ёшларни, болали оилаларни давлат томонидан ҳимоя қилиш, қўллаб қувватлаш тизими йилдан-йилга такомиллашиб борди. Уларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадли равишда олиб борилди, бу жараёнда давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳомий муассаса, ташкилотларнинг

<sup>185</sup> Қашқадарё вилояти Давлат архиви. 142-фонд, 1-руйхат, 471-иш, 8-варақ.

<sup>186</sup> Сурхондарё вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош Бошқармаси жорий архиви. 1996 йил маълумотлар папкаси.- Б.13.



ўрни ва роли тобора оша борди. Давлат томонидан, шунингдек, ижтимоий нафақага мухтож шахслар, оилаларни аниқлаш, улар билан ишлаш бўйича муайян тажриба тўпланди.

Мустақиллик йилларида хомий ташкилотлар, ишбилармон ва тадбиркорларнинг ёшлар муаммоларини ҳал этиш, болали оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича муайян ишларни олиб бордилар. Шунингдек, ўзбек халқининг миллий хусусиятлари, менталитети нуқтаи назаридан уларнинг бири-бири устидан ҳамкорлик аънавалари ўтиш даврида яна бир бор синовдан ўтди. Ночор, мухтожларга ёрдам бериш, уларни бефарқ қолдирмаслик натижасида Ўзбекистонда мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этиш имкониятлари туғилди.

Аммо барибир ёшлар, болали оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш давлат ижтимоий сиёсатининг устувор йўналиши сифатида сақланиб қолаверди. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 1996 йил 10 декабрдаги “Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида”ги фармони муҳим аҳамият касб этди. Фармонда болали оилаларга ижтимоий ёрдам аниқ берилишини кучайтириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги чора-тадбирларни рўёбга чиқаришда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари роли катта эканлиги таъкидланди. Шунингдек, 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақаларни шундай нафақага мухтож оилаларгагина бериш ва уни фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан тўлаш белгиланди<sup>187</sup>.

1997 йил 1 январдан бошлаб болали оилаларга нафақалар фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, маҳаллалар фуқароларнинг йиғинлари томонидан тайинланиши белгилаб қўйилди. Бундай ҳолнинг икки муҳим жиҳати бор эди. Биринчидан, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари мазкур ҳудудда яшовчи аҳолини яқиндан билар, уларнинг ижтимоий аҳволидан энг яхши хабардор эди. Нафақа белгилашнинг мазкур органларга берилиши ижтимоий адолат тамойилига мос эди. Иккинчидан, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига берилган

<sup>187</sup> ЎЗР МДА. М-15-фонд, 1-руйхат, 1045-иш, 150-варак.

имконият аҳолининг демократик тизим шароитида яшаш кўникмаларини ҳосил қилар эди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Халқ банки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига юридик шахс ҳуқуқи билан “Болалар нафақалари” махсус ҳисоб варақалари очиб берди<sup>188</sup>.

Ўзбекистон Республикасида ёшлар муаммоларини ҳал этиш, уларни ижтимоий ҳимоялаш бўрасида турли жамоат ташкилотлари, муассасалар фаол иштирок этдилар. Бу борада Ўзбекистон Республикаси ёшларнинг “Камолот” ЁИХ ташкилоти томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилди. ЁИХ томонидан олиб борилган ишлар турли йўналишларда бўлиб, айниқса ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёшларни топиш, танлаш, тарбиялаш, уларни ўқиш ва касб эгаллашга йўналтириш кабилар устувор аҳамият касб этди. Кам таъминланган, болали, ногирон болалари бор оилалар билан олиб борилган ишлар ҳам ўз натижасини бера бошлади.

Бу борада Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида олиб борилган ишлар ҳам самарали бўлди. Масалан, 1996 йилда Ўзбекистон Республикаси ёшларнинг “Камолот” ЁИХ Сурхондарё вилояти бўлими томонидан 1-июн Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунида 2-ногиронлар уйи тарбияланувчиларга 21 минг сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди, вилоят “Камолот” ЁИХ томонидан турли тадбирларда ғолиб бўлган ёшларни тақдирлаш мақсадида 7 минг сўм ажратилди.

Вилоят бўйича мактабларга оталиқ ёрдами кўрсатиш, мактаблар майдонларини кўкаламзорлаштириш ва асфальтлаш мақсадида 350 минг сўм маблағ ажратилди<sup>189</sup>.

Қашқадарё вилоятида эса “Камолот” ЁИХ ҳудудий бўлими маблағларидан Шаҳрисабз туманидаги “Бизнес-инкубатор” очилишига бағишланган тадбирга 50 минг сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Турли тадбирлар ғолибларини муносиб тақдирлаш мақсадида 20 минг сўм пул ажратилди<sup>190</sup>.

1998 йилда Сурхондарё вилоятида “Камолот” ЁИХ ҳисобидан иқтидорли ўқувчилар анжуманини ўтказиш учун 8 минг сўм пул маблағи ажратилди. Шунингдек, вилоятда

<sup>188</sup> ЎзР МДА. М-15-фонд, 1-руйхат, 1045-иш, 151-варақ.

<sup>189</sup> ЎзР МДА. М-13-фонд, 1-руйхат, 11-иш, 2-варақ.

<sup>190</sup> ЎзР МДА. М-13-фонд, 1-руйхат, 11-иш, 21-варақ.

“Инновация-98” ҳаракатлари учун 4,5 минг сўм маблағ ажратилди. Умуман, Ўзбекистон Республикасида “Камолот” ЁИХ ҳисобидан турли тадбирларга ҳомийлик қилиш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ташаббускор йигит-қизларни рағбатлантириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Масалан, 1996-1998 йиллар давомида вилоятларга ажратилган Низом фонди 26 млн. сўми, Республика “Камолот” ЁИХ қошида ташкил этилган фирмаларга ажратилган Низом фонди 29,2 млн. сўми, турли ёшлар томонидан ташкил этилган фирмаларга берилган айланма маблағ 28,8 млн. сўми, оргтехника ва компьютерлар учун ажратилган маблағ 5,8 млн. сўми, турли тадбирларни ўтказиш учун сарфланган маблағ ҳажми 14,9 млн. сўми ташкил этди <sup>191</sup>.

Архив ва статистик маълумотларга кўра, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида 2 ёшгача бўлган болалар ҳамда 16 ёшгача бўлган болалар учун тўланадиган нафақалар сони ва ҳажми йилдан-йилга ортиб борганлигини кўриш мумкин. Масалан, 1999 йилги маълумотларга кўра Қашқадарё вилоятида 16 ёшгача бўлган 162165 нафар бола учун 1478,7 млн. сўм пул маблағи тўланди. Шунингдек, 60074 нафар 2 ёшгача бўлган болалар учун 986,2 млн. сўм пул маблағи ажратилди. Ушбу рақамлар Сурхондарё вилояти бўйича юқоридагига мос равишда 189022; 1046,3; 43112, 707,5 ни ташкил этди <sup>192</sup>.

Шу билан бирга, ёшлар муаммоларини ҳал этиш, уларни ижтимоий муҳофазалаш борасида қатор муаммолар ҳам мавжуд эди. Айниқса ёшлар ижтимоий муҳофазасини таъминлаш мақсадида давлат томонидан ажратилган маблағларни ўзлаштириш, ўз эгаларига етказишда қатор камчиликлар кўзга ташланди. Масалан, биргина Сурхондарё вилоятининг ўзида ажратилган маблағнинг 17,4 фоизи ишлатилмай қолди.

Фуқаролар, айниқса ёшларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлашда бошқарув органлари томонидан қатор камчилик, хатоларга йўл қўйилди, адолатсизлик ҳоллари учради, ариза берувчиларни махсус таклиф этмасдан, “қўл учида” масалани

<sup>191</sup> ЎзР МДА. М-15-фонд, 1-рўйхат, 1045-иш, 10-варақ.

<sup>192</sup> ЎзР МДА. М-15-фонд, 1-рўйхат, 1045-иш, 144-варақ.

ҳал этиш амалиёти юзага келди. Шунингдек, ариза ва тўланадиган ёрдамни ҳисобга олиб боришда ҳам қатор хатоларга йўл қўйилди. Биргина Қашқадарё вилоятида 79 та ўзини-ўзи бошқариш органлари-махаллаларда мазкур масалаларда хато камчиликлар учради, бу рақам Сурхондарё вилоятида эса 4 тани ташкил этди. Қашқадарё вилоятида 238 оилага, Сурхондарё вилоятида эса 41 оилага Низомга хилоф равишда моддий ёрдам кўрсатилди<sup>193</sup>.

Ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш, улар муаммоларини ҳал этишда маҳаллий ҳокимиятлар, ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан йўл қўйилган хато, камчиликлар 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси томонидан махсус ўрганилди. Аниқланишича, Молия, Меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирликлари, Халқ банки, республика почта ва телекоммуникациялар агентлиги тизимларида ҳамда маҳаллий ҳокимликларда ёшлар муаммоларига, болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунларга беписандлик билан муносабатда бўлинган.

Ушбу тоифадаги оилаларни аниқлаш ва уларга моддий ёрдам тайинлашда амалдаги қонунлар билан белгиланган ижтимоий адолат мезони ва инсонпарварлик қоидаларига оғишмай риоя этилиши, бериладиган моддий ёрдамнинг ҳақиқатан ҳам муҳтож оилаларга аниқ тайинлаб тарқатилиши ва улардан самарали фойдаланишда боқимандачиликка тўлиқ чек қўйилиши таъминланмаган.

2000 йилда Сурхондарё вилоятида 1370 ижтимоий ёрдам бўйича аризачилар тақдим этилгани ҳолда улар жойлардаги меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш органлари томонидан ўрганилмасдан, таҳлил этилмасдан рад этилган. Қашқадарё вилоятида 45 та кўп болали оилаларнинг ижтимоий ёрдамга бўлган ҳуқуқлари поймол қилинган.

Айрим жойларда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари масъул мансабдор шахслари томонидан масъулиятсизликка йўл қўйилганлиги, айрим ҳолларда уларнинг жиноятлар содир этилишида иштирокчи эканликлари аниқланган. Масалан, Сурхондарё вилояти Денов туманидаги

<sup>193</sup> ЎЗР МДА. М-15-фонд, 1-руйхат, 903-иш, 155-варақ.

Х. Муродов номли маҳалла кўмитаси котиби С.Боймуродов мансаб ваколатини суистеъмол қилиб, бюджет маблағларини тақсимлашда 16 ёшгача болали оилаларга нафақа тайинлаш ҳужжатларини сохталаштириб, 341,4 минг сўмлик бюджет маблағларининг ноқонуний равишда харажат қилинишига йўл қўйган ва бюджетга кўп миқдорда зарар етказган. Қашқадарё вилоятида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида нафақаларни тайинлаш ва тўлашда жами 453 та ҳолатда 1,3 млн. сўмлик, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатишда 105 та ҳолатда 500 минг сўмлик нафақа ва ёрдам пуллари тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилмасдан ноқонуний равишда бериб юборилган<sup>194</sup>.

Мазкур камчилик, хатолар, шубҳасиз фуқаролар, айниқса ёшларда асосли норозиликларни келтириб чиқарди. Шунинг учун ҳам юқори муассаса, идоралар, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар томонидан бу борада катта ишлар амалга оширилди. Ижтимоий ёрдамга муҳтожларни аниқлаш, уларга мақсадли ёрдам бериш, бунда ижтимоий адолат тамойилларига амал қилиш муҳим аҳамият касб этди. Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларидаги аҳоли таркиби, демографик жараёнлар, ижтимоий-иқтисодий инфратузулмаларни эътиборга олган ҳолда ёшларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишга эътибор кучайтирила бошланди. Бунда турли ташаббуслар, янгиликлар мавжуд муаммони ҳал этишда маълум аҳамият касб этди.

Масалан, 1999 йилдан Қашқадарё вилоятида ёшлар муаммоларини ҳал этиш мақсадида қишлоқ хўжалигида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда ёшлар иштирокини кучайтириш, деҳқончилик учун ер олиш ҳамда уларни “Қамолот” ЁИХ шафъелигида ишлатиш масаласи ҳал этила бошланди. Бунда турли ташаббуслар, янгиликлар мавжуд муаммони ҳал этишда маълум аҳамият касб этди.

Масалан, 1999 йилдан Қашқадарё вилоятида ёшлар муаммоларини ҳал этиш мақсадида қишлоқ хўжалигида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда ёшлар иштирокини кучайтириш, деҳқончилик учун ер олиш ҳамда уларни “Қамолот” ЁИХ шафъелигида ишлатиш масаласи ҳал этила

<sup>194</sup> ЎзР МДА. М-15-фонд, 1-рўйхат, 1235-иш, 41-варак.



бошланди. Яъни, вилоят ҳокимлиги ва “Камолот” ёиҳси вилоят бўлимининг умумий қарорига асосан вилоятдаги ҳар бир жамоа хўжалигидан 10 гектар ер ажратиладиган ва унда “Камолот” ЁИХ бошланғич ташкилотининг “Жамоатчилик маркази” ташкил этиладиган бўлди.

Натижада, олинган ҳосилдан тушадиган фойданинг 85 фоизи “Жамоатчилик маркази”га, 5 фоизи “Камолот” ЁИХ бўлимига, 5 фоизи вилоят ва 5 фоизи Республика “Камолот” жамғармасига ўтказилиши келишиб олинди. Айни пайтда ҳар бир “Жамоатчилик маркази” худудида истиқомат қилувчи 10 нафар ёш йигит-қизни касб-хунарга ўргатишга йўналтириш, олий таълим муассасасида шартнома асосида ўқиётган битта талабанинг контракт-шартнома пулини тўлаш амалга оширила бошланди.

Бундай тажриба Қашқадарё вилоятида маълум қизиқиш уйғотди. Натижада, биринчидан, ишсиз ва амнистия туфайли жазо муддатини ўтаб келган ёшларни иш билан таъминлашга эришилди. Иккинчидан, туман “Камолот” ЁИХ бўлимларининг моддий-техника базаси мустаҳкамлана борди. Учунчидан, тумандаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи ускуналарни тадбиқ этиш орқали туманларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва ёшлар учун кўшимча иш ўринлари яратиш имкони туғилди<sup>195</sup>. Биргина Муборак туманининг ўзида 35 та “Жамоатчилик марказлари” ташкил этилди<sup>196</sup>.

Ёшларни ижтимоий ҳимоялаш, улар муаммоларини ҳал этишда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўрни ва роли тобора ортиб борди. Бунда ҳаракатнинг Қашқадарё бўлими томонидан олиб борилган ишлар ҳам анча самарали бўлди. Бўлим томонидан ёшларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, улар иқтидорларини рўёбга чиқариш, ижтимоий ҳимояга муҳтожларни моддий-иқтисодий жиҳатдан таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилди. Масалан, биргина 2004 йилда мазкур мақсадлардаги ишлар 12 йўналишда олиб борилди. Жумладан, ёшлар ва болалар наشرларини кўллаб-қувватлаш, ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий масалаларини ҳал этишга, иш билан таъминлаш,

<sup>195</sup> ЎзР МДА. М-13-фонд, 1-рўйхат, 32-иш, 265-варак.

<sup>196</sup> ЎзР МДА. М-13-фонд, 1-рўйхат, 32-иш, 266-варак..

кичик ва ўрта тадбиркорликка жалб этиш билан боғлиқ тадбирлар, ёшлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ижтимоий аҳамиятли тадбирлар, кўшимча моддий рағбатлантириш каби йўналишларда олиб борилган ишлар ёшлар муаммосини ҳал этишда аҳамиятли бўлди <sup>197</sup>.

Айнан шундай ишлар Сурхондарё вилоятида ҳам олиб борилди. Масалан, биргина Термиз туманининг ўзида 2004 йили кичик корхоналарнинг ёшлар муаммоларини ҳал этишга сарфлаган харажатлари ҳажми 14192 сўмни ташкил этган бўлса, Термиз шаҳрида бу рақам 46,1 минг сўмга етди. Термиз тумани бўйича ҳомийларнинг ихтиёрий ажратмалари ҳажми 486 минг сўмга етди <sup>198</sup>. Ўрганилган даврда етим болаларни ижтимоий ҳимоялаш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида ҳам талай ишлар амалга оширилди. Сурхондарё вилоятида 2005 йилда 18425 нафар оилага боқувчисини йўқотганлик пенсияси ва ижтимоий нафақалар тайинланди. Улардан 17762 нафар оилаларнинг 43288 нафар фарзандларига боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланган бўлиб, бир ойга тўланадиган пенсия миқдори 489154400 сўмни ташкил этди ва улар ўз вақтида алоқа бўлимлари орқали тўланиб келинди. Вилоят бўйича 2005 йилда 374 нафар оиланинг 742 нафар фарзандларига боқувчисини йўқотганлик ижтимоий нафақаси тайинланди. 651 нафар ота-онасини йўқотган чин етим болалар мавжуд бўлиб, уларга 396 оила туман ҳокимларининг васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги қарорига асосан, ўз қарамоқларига олинди. Уларга пенсия ва ижтимоий нафақалар ўз вақтида тўланиб келинди, 360 нафарига жанубий Кореядан кийим-кечаклар келтирилди <sup>199</sup>.

Қашқадарё вилояти Ғузор туманида ҳам бу борада талай ибратли ишлар амалга оширилди. Туман бўйича 2006 йилда 14488 нафар пенсионер ва ижтимоий нафақа берувчилар рўйхати олинган бўлса, уларнинг 226 таси ногиронлик, 264 нафари боқувчисини йўқотганлар, 1398 нафари ижтимоий нафақа олувчилар эди. Бу борада ижтимоий адолатни ўрнатиш мақсадида туман ижтимоий таъминот бўлими қатор

<sup>197</sup> ЎзР МДА М-13-фонд, 2-рўйхат, 26-иш, 176-варак.

<sup>198</sup> ЎзР МДА М-13-фонд, 2-рўйхат, 91-иш, 1-варак.

<sup>199</sup> Сурхондарё вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош Бошқармасининг жорий архиви. 2005 йилги маълумотлар папкаси. –Б.5.

чора-тадбирларини кўрди, бўлимда “Очиқ эшиклар” кунлари мунтазам равишда ўтказиб турилди, ҳар ойда бир марта семинар тренинглар ўтказилди. 2006 йилининг ўзида 120 нафар болаликдан ногиронларга аравача ва ортопедик оёқлар берилди <sup>200</sup>.

Ўрганилган даврда Ўзбекистон Республикасида турли тоифаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича жиддий ишлар амалга оширилди. Аҳолининг барча ижтимоий табақаларига, шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларидан озод бўлганларга ҳам мақсадли кўмак кўрсатиш жорий этилди. Жумладан, 2008 йилда жазони ижро этиш муассасаларидан Сурхондарё вилояти бўйича 708 нафар шахс озод қилинди. Қамоқ жазосидан озод бўлганларнинг 639 нафари билан уйма-уй юриб суҳбат ўтказилди, уларга ҳудудлардаги мавжуд бўш ва квоталанган иш ўринлари, меҳнат қонунчилиги бўйича тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилди. Натижада, жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатирилганлардан 45 нафари меҳнатга лаёқатсиз эканлиги, жумладан 11 нафари ногирон, 30 нафари тиббий муассасаларда даволаниш учун юборилдилар. Қолган 594 нафар бўшатирилганлар меҳнатга лаёқати бўлиб, улардан 248 нафари шахар ва туман бандликка кўмаклашиш марказ ходимларига иш сўраб мурожаат қилганлар, 217 нафари марказ ходимлари томонидан жамоат ишларига жалб қилинган <sup>201</sup>. Шунингдек, Сурхондарё вилоятида Куролли кучлар сафидан бўшатирилган ёш йигитларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларни иш билан таъминлаш, улар муаммоларини ҳал этишда ҳам муайян тажриба тўпланди.

Ўзбекистон Республикасида ёшлар муаммоларини ҳал этишда 2008 йил алоҳида аҳамият касб этди. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримов томонидан мазкур йилнинг “Ёшлар йили” деб эълон қилиниши бу борадаги ишларнинг янада такомиллашувига сабаб бўлди. Умуман, ёшлар муаммоларини ҳал этиш Ўзбекистон қонунчилигида мукамал тарзда ҳал этилганлигини таъкидлаш лозим. Масалан, Қомусимизнинг 45-моддасида

<sup>200</sup> Саҳоват.-Тошкент, 2006. № 5-6. - Б.15.

<sup>201</sup> Сурхондарё вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг жорий архиви. 2008 йилги маълумотлар папкаси.-Б.1.

вояга етмаганлар ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги, 64-моддада эса ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур эканликлари, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналари васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш, ўқитишни таъминлаши лозимлиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, 65-моддада фарзандлар ота-оналарнинг насл-насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар қонун олдида тенглиги, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши таъкидланган.

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида, юқорида таъкидлангани каби ёшлар муаммоларини ҳал этишда мавжуд қонунчиликнинг ўрни катта бўлди. 2008 йили Сурхондарё вилоятида 844 та умумтаълим ва 30 та ихтисослаштирилган мактабни 68235 нафар ёшлар битиришди. Улардан 48928 таси 9-синфни, 19307 нафари эса 11-синфни тамомладилар. “Ёшлар йили” давлат дастури доирасида Ўзбекистон маданияти ва санъат форуми жамғармаси, “Келажак овози”, “Ёшлар ташаббуси” маркази ва “Меҳр нури” Хайрия жамғармаси “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда “Биз – Ўзбекистон ёшларимиз”, “Биз бир жамоамиз” шиори остида тадбирлар ўтказилди. “Баҳор” ресторанида 500 нафар кам таъминланган ва ногирон ёшлар учун дастурхон ёзилди, совғалар улашилди.

“Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва акциядорлик тижорат “Микрокредит банк” ҳамкорлигидаги имзоланган битимга мувофиқ Сурхондарё вилоятида тадбиркорлик билан шуғулланувчи ёшларга микрокредитлар ажратиш бўйича танлов эълон қилди. Танлов ғолибларига 5 фоизлик имтиёзли кредитлар берилди. 2007-2008 йилларида вилоятда 644 та ёш оила уй-жой сотиб олиш ва қуришга имтиёзли кредит сўраб мурожаат қилган. Уларнинг хужжатлари ишчи гуруҳлари томонидан ўрганилиб 471 та ёш оилага имтиёзли кредитлар берилди. Шулардан 61 нафарига “Ипотека банк” вилоят бошқаруви томонидан 963 миллион 102 минг сўм миқдорида кредит ажратилди<sup>202</sup>.

Денов туманидаги Саҳоватпеша тадбиркор томонидан эса кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш

<sup>202</sup> Сурхон тонги. 2008 йил 29 март.

мақсадида 38 ёш оилага бир бошдан қорамол инъом этилди ва 38 нафар боланинг суннат тўйлари ўтказиб берилди <sup>203</sup>.

Ўрганилаётган даврда айниқса, ёш оилаларни ижтимоий-химоялаш, уларни уй-жой билан таъминлашда кўплаб ижобий ишлар амалга оширилди. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримовнинг 2007 йил 18 майдаги “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Фармонда ёшлар учун янги иш ўринлари очиш, уларни кичик бизнес ва тадбиркорликка фаол жалб қилиш, ёш оилаларга ўз ишини ташкил этиш учун микрокредитлар ажратиш, имтиёзли равишда қорамоллар сотиш ва бошқа самарали йўллар билан барқарор даромад манбаларини шакллантириш каби ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш йўллари кўрсатилган.

2009 йилда Сурхондарё вилоятида 220 нафар ёш оилага истеъмол кредитлари ва 1669 та ёш оилага микрокредитлар берилди. Уларнинг умумий миқдори 4,2 миллиард сўми ташкил этди. Бундан ташқари вилоят бўйича ҳомийлик кўмаги ҳисобидан ҳам таъминланган 759 та ёш оилага 979 миллион сўмлик бепул қорамол берилди. Шунингдек, давлат тижорат банклари ҳамда иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобига 1465 нафар ёш оилага қорамол сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар берилди <sup>204</sup>.

Ўзбекистон Республикасида ёшлар муаммоларини ҳал этишда турли ташкилот, муассаса, жамғармаларнинг ўрни ҳам катта бўлди. Қашқадарё вилоятида, масалан, касаба уюшмалари томонидан олиб борилган ишлар ҳам ўз натижаларини берди. Касаба уюшмалари томонидан тузилган жамоа шартномаларига асосан, 2008 йилда вилоятда маънавий-маърифий ишлар учун 15,5 миллион сўм, “маънавият ва маърифат” хоналарини жиҳозлаш кутубхоналар фондини бойитиш учун 11 млн. 700 минг сўм, спорт тадбирлари учун 26,5 млн. сўм сарфланди. Аҳолини ва уларнинг оила аъзоларини, фарзандларини соғломлаштириш учун 1 млрд сўмлик маблағ ўтказилди. Мазкур маблағнинг 45

<sup>203</sup> Туркистон. 2009 йил 27 январь.

<sup>204</sup> Халқ сўзи. 2009 йил 25 февраль.



млн. сўмини касаба уюшмалари маблағлари ташкил этди. 58 нафар ёш ногирон ва 127 нафар эҳтиёжмандга 57 млн. сўмлик меҳр-мурувват ёрдамлари кўрсатилди <sup>205</sup>.

Шунингдек, Қашқадарё вилоятида инсонпарварлик меҳр-шафқат, кам таъминланганлар ногиронлар ва ёлғиз қарияларга моддий ёрдам кўрсатиш энг муҳим йўналиш ҳисобланди. 2009 йилда эҳтиёжманд оилаларга бериладиган нафақалар ва моддий ёрдам учун молиялаштирилган маблағлар миқдори кўпайди. Боласини 2 ёшгача парвариш қилаётган оналарга 54 млрд сўм, 18 ёшгача фарзанди бор оилаларга 51 млрд ҳамда кам таъминланган оилаларга 4,3 млрд. сўмлик моддий ёрдам ажратиш белгиланди <sup>206</sup>.

Шундай қилиб, Сурхондарё вилоятида ёшлар муаммоларини ҳал этиш, уларни ижтимоий ҳимоялашда қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Шундай қилиб, ўрганилган даврда Ўзбекистон Республикасида ёшлар муаммоларини ҳал этиш, уларни ижтимоий ҳимоялашда қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Давлат, жамоат ташкилотлари, турли хайрия жамғармаларининг ёшлар ижтимоий муҳофазасини таъминлашдаги фаолияти туфайли турли нохуш ҳодисаларнинг олди олинди, Ўзбекистон Республикасида ижтимоий барқарорлик таъминланди.

Ҳомийлик ҳаракатини беғараз тарзда, ўз хоҳиши билан амалга оширилишига эришишга ҳаракат қилинди. Бундай ҳаракат пировардида адолатсизликларга йўл қўйиш ҳоллари аста-секинлик билан бартараф этила бошланди. Ўзбекистон Республикасида ёшларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ҳомийлик ҳаракати секинлик билан бўлсада ижтимоий заруратга айлана бошлади.

Шу билан бирга бу борада қатор камчиликлар ҳам бор эди:

- ёшлар муаммоларини ҳал этишда, ҳомийлик ҳаракатини такомиллаштиришда тадбиркор, ишбилармонлар томонидан олиб борилган ишлар аксарият ҳолларда маъмурий чора-тадбирлар асосида ташкил этилди;

- ёшлар ўртасида ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмаслик, мавжуд қонунчилиқни ўрганишга бўлган интилиш, қизиқиш,

<sup>205</sup> Жамият. 2009 йил 17 апрель.

<sup>206</sup> Ишонч. 2009 йил 3 март.

эҳтиёжнинг камлиги айрим ҳолларда мазкур масалада ижтимоий адолат тамойилларининг бузилишига олиб келди;

2 - ёш оилаларнинг шаклланишига муайян ёшларнинг маълумоти, даромад манбаи ҳамда касб-ҳунарга эга эмаслиги, оилавий ҳаётга руҳий-маънавий, ҳуқуқий жиҳатдан тайёр эмаслиги, айрим оилалардаги носоғлом муҳитнинг юзага келганлиги, оиладаги ижтимоий-иқтисодий муҳитдан қониқмаслик кабилар ҳам салбий таъсир кўрсатди;

3 - ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида маънавий омиллар ва маънавий рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этади. Аммо ўрганилган даврда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида бу масалага жуда кам эътибор қаратилди ва маънавий рағбатлантириш тизими шаклланмади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида эришилган энг катта ютуқлардан бири — аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги муваффақиятлардир. Мазкур масала мустақилликнинг илк йилларидан давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида тан олинди. Унинг давомийлиги таъминланди. Мустақиллик йилларида кенг қамровли ўзгаришларнинг барчаси инсон учун унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қила бошлади.

Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистонда танланган тарихий даврда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида муайян тажриба тўпланди. Айниқса Ўзбекистон Республикасининг жанубий вилоятлари Сурхондарё ва Қашқадарёда ҳам қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Жумладан:

1. Ўзбекистон Республикасида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси яратилди. Бундай база Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, мавжуд қонунчилик асосларига суянилган ҳолда шакллантирилди. Ўрганилган даврда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими ҳам шакллана бошланди. Бундай тизимда аҳолининг кам таъминланган, муҳтож, ногиронлар қисмини, ёлғиз болали оналар, ёш oilаларнинг моддий иқтисодий аҳолини яхшилаш масалалари устувор аҳамият касб этди.

Аҳолини ижтимоий муҳофазалаш органлари томонидан кам таъминланган oilалар, ногиронлар, муҳтожлар ўрганилди, уларнинг ҳаётини эҳтиёжлари таҳлил этилди. Уларга моддий ёрдам кўрсатилишида бу нарсага эътибор берилди.

2. Мамлакатда, шунингдек, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда 1997 йилдан эътиборан ҳар йилнинг инсон турмуши, ҳаёти, жамиятимиз равнақида алоҳида аҳамиятга эга бўлган бирор соҳаси билан боғланиши анъана тусига кирди. Ҳар бир йил қайси соҳага эътибор қаратилганига қарамасдан, албатта унда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масаласи устун даражада ўзифодасини топган. Ҳар бир йил бўйича давлат дастурлари ишлаб чиқилад бошланди. Уларда ижтимоий ҳимоя

концепциясини амалга ошириш тизими ишлаб чиқилган, масаланинг моддий иқтисодий томонлари кафолатланган.

3. Олиб борилган ишлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида кўплаб ўзгаришлар амалга оширилган. Кишилар турмуш шароити яхшиланиб, газ ва сув муаммоларини ҳал этишда ижобий силжишлар юз берди.

Ажратилган катта ҳажмдаги маблағлар ҳисобидан янги сув қудуқларини қазىш, ишламай турган сув қудуқларини ишга тушириш, ичимлик сув тармоқларини реконструкция қилиш, янгиларини ишга тушириш ишлари бажарилди.

4. Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, унинг натижасида фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш тизимини янада такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилди бошланди. Бу борада кўплаб ижобий ишлар амалга оширилдики, бу ишлар аҳоли бандлигини таъминлашда ва фаровон ҳаёт кечиришининг асоси бўлиб хизмат қилди. Аҳоли бандлигини таъминлашда Республика ва вилоят дастурларининг қабул қилиниши муайян натижалар бера бошлади. Мазкур дастурларда кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида, кичик корхоналарни, деҳқон ва фермер хўжаликларини ташкил этиш, юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорликни ривожлантириш, янги объектларни қайта қуриш ва кенгайтириш ҳисобидан янги иш ўринларини барпо этишга устувор аҳамият берилди.

5. Аҳолини иш билан таъминлашда касаначиликни ва кўплаб корхоналарни ишга туширишда ҳам ушбу вилоятларда ижобий ишлар амалга оширилди. Қашқадарё вилоятида 2008 йилда кичик корхона ва микрофирмаларни, касаначиликни ривожлантириш ва мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш ҳисобига ёшлар учун 47 минг 900 та янги иш ўринлари яратилди. Кам таъминланган оилалар фарзандларидан 270 нафарининг никоҳ туйлари, 267 нафар боланинг суннат туйлари ўтказилди. Кам таъминланган 8 минг 100 та оилага уй қуриш ва таъмирлаш учун 4,6 млрд. сўмлик Ипотека, 4015 та ёш оилаларга уй-жой жиҳозлари ва рўзғор анжомлари сотиб олишлари учун 4,2 млрд сўмлик истеъмол кредитлари берилди.

6. Ўрганилган даврда аҳолини ижтимоий ҳимоялашда кам таъминланган оилаларни, эҳтиёжманд аҳолининг моддий-иқтисодий аҳолини яхшилашда маҳалла кўмиталарининг нуфузи тобора ортиб борди.

Ўзбекистон Республикасида ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятининг янада такомиллашиб бориши, фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар маҳалла кўмиталари ҳукуқларининг янада кенгайишига олиб келди.

Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоялашда маҳалланинг ўрни ва роли ортиб борди. Маҳалла кўмитаси – ташаббускор, уюштирувчи, йўналтирувчи жамоат ташкилотига айланди. Шунингдек, маҳалла кўмиталари мазкур ҳудудда ижтимоий барқарорликни, ғоявий – мафкуравий бирликни таъминловчи, аҳоли яшаш шароитларини тартибга келтирувчи таъсирчан кучга эга бўлди. Энг муҳими, аҳолининг маҳалла кўмитаси, фаолларига бўлган ишончи кучайиб борди. Аҳоли ўз манфаатлари қондирилишини маҳалладан қидира бошладилар. Маҳаллаларда ижтимоий адолат тамойилларига амал қилиш кучайиб борди. Таъкидлаш лозимки, маҳалланинг вазифаси фақатгина аҳолининг моддий-иқтисодий муаммоларини ҳал этибгина қолмай, маҳалла кишилар ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий ҳаётининг ҳам марказига айланиб борди. Аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий маданияти, сиёсий савиясини кўтариш каби масалаларга эътибор кучайтирилди.

7. Ўрганилган даврда уруш фахрийлари, ногиронлар ва ёлғиз кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш масаласида ҳам кўплаб ижобий ишлар амалга оширилди. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида уруш фахрийлари, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишга ниҳоятда жиддий эътибор берилди, жумладан, 1999 йил “Нуроний” жамғармаси вилоятлар бўлимлари Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларини моддий ва маънавий рағбатлантириш, уларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқиб, ушбу дастурлар доирасида турли хил тадбирлар ўтказганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўзбек менталитетига хос бўлган кексаларга ғамхўрлик қилиш, эҳтиёжманд фуқароларни моддий ва маънавий



рағбатлантириш ишларида вилоятларда фаолият юритаётган тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳам фаол иштирок эта бошладилар.

8. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2006 йил 7 сентябрдаги ПК-459-сонли қарори билан тасдиқланган “2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги дастури ҳам аввал қабул қилинган дастурларнинг мантикий давоми бўлиб, унинг мақсади ёлғиз кекса пенсионерлар ва ногиронларнинг, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш борасида юртимизда амалга ошириб келинаётган мақсадли ишларни янада чуқурлаштириш, уларнинг кўлами ва таъсирчанлигини оширишда муҳим аҳамият касб этди.

9. Мустақиллик йилларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда давлатнинг ўрни ва роли катта бўлиши билан бирга, бу жараёнда нодавлат ташкилотлар, тадбиркор ва ишбилармонларнинг роли ҳам сезиларли даражада кучайиб борди. Пировард натижада, тадбиркор ва ишбилармонларнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдаги ўрни кенгайиб борди. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик ва ишбилармонликни ривожлантириш баробарида, уларга турли имтиёз ва эркинликлар яратишга алоҳида эътибор берилди бошланди.

Шунингдек, тадбиркорликни ривожлантириш натижасида, энг муҳими, янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг иш билан бандлик муаммосини ҳал этишда ижобий ишлар амалга оширилди.

10. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистонда ёшлар таълим-тарбияси, уларнинг маънавиятини юксалтириш соҳасидаги ислохотларнинг ҳаётимиз бошқа соҳалари ижтимоий-иқтисодий, турмуш тарзи билан ўзаро чамбарчас боғланган ҳолда, тизимли, босқичма-босқич амалга ошириладиган стратегияси ишлаб чиқилди.

11. Ёшларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг муаммоларини ҳал этишда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг фаолияти ниҳоятда аҳамиятли бўлди. Бунда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари бўлими томонидан ҳам кўплаб ижобий ишлар амалга оширишга эришилди.

12. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти томонидан 2007 йил 18 майдаги “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб –қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонининг эълон қилиниши ҳам ёшларга бўлган катта ишонч ва эътибор намунаси бўлиб, ёшларнинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш учун муҳим аҳамият касб этди. Ўзбекистон Республикасида 2008 йил “Ёшлар йили” деб эълон қилиниши ёшлар ва уларнинг ҳар томонлама ижтимоий муҳофазасини таъминлаш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқди. Ушбу йил давлат дастури доирасида жуда катта қўламдаги ишлар амалга оширилди, кўплаб оилалар уй-жой сотиб олишлари учун кредитлар билан таъминланди.

Ўрганилган даврда жанубий вилоятларда аҳолини ижтимоий ҳимоялашда ижобий ютуқлар билан бирга қуйидаги хато ва камчиликлар ҳам мавжудлиги кўзга ташланди.

1. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича мавжуд ҳукукий базанинг фуқаролар томонидан ўрганилиш даражаси жуда паст эди. Бир томондан ушбу базани тарғиб-ташвиқ қилиш тизимининг йўқлиги бунга сабаб бўлган бўлса, бошқа томондан фуқаролар сиёсий маданиятининг маълум маънода сустилиги ҳам бунга салбий таъсир қилди.

2. Аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда ушбу ҳудудларда, айниқса қишлоқ жойларда йирик саноат корхоналарининг барпо этилмагани ҳам бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Аҳоли бандлигига маълум даражада унинг ижтимоий тизими таъсир этарди. Маълумки, ўша даврдаги ижтимоий гуруҳлар орасида меҳнат ресурслари-ишчилар, деҳқонлар сон жиҳатдан кўп эди. Аммо уларнинг касбий малака даражаси паст эди. Шунинг учун меҳнат ресурслари малакасини ошириш уларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашни бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда ташкил этиш, турли мулк шакллариغا мос келадиган меҳнат ресурсларини тайёрлаш ўта муҳим аҳамият касб этади.

3. Айрим маҳаллаларда кам таъминланган аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатишда таниш билишчиликка йўл қўйиш ҳоллари учради. Кўплаб маҳалла кўмитаси раис (оқсоқол) ларининг касбий билим даражалари юқори эмас, тажрибаси

кам, “юқори”нинг топширигини бажаришдангина фаолият олиб борадиган оқсоқоллар сони ҳам кўп. Бу эса ўз навбатида ташаббусни муттасил равишда тўсишга сабаб бўлди.

4. Фуқаролар йиғинлари ҳокимият тизимида кирмаса-да, ҳокимиятнинг бир бўғини сифатида фаолият юритмоқда. Маҳаллий ҳокимликлар томонидан ҳокимликнинг ташкилий назорат гуруҳи раҳбари, ҳоким ўринбосари – хотин-қизлар кўмитаси раиси фуқаролар йиғинлари фаолияти устидан назорат қилиб келмоқда ва уларга нисбатан жазо таъсир чоралари кўриш, уларнинг фаолиятига ноўрин аралашиб, ноқонуний ишдан бўшатиш ҳоллари учради.

Фуқаролар йиғинларининг фаолияти ҳокимликлар томонидан назоратга олиб борилмоқда, бу аҳоли онгида маҳалла давлат ҳокимияти органи деган нотўғри тушунчаларни келтириб чиқармоқда. Фуқаролар йиғинларида сайловлар асосан ҳокимиятларнинг ташкилий назорат гуруҳи томонидан ташкил этилиб, ўтказилмоқда. Раисликка номзод ҳокимлар билан келишилган ҳолда сайловга қўйилмоқда.

5. Тадбиркор, ишбилармонлар, хомийларнинг инсонпарварлик ва меҳрибонлик ҳаракатини қўллаб –қувватлаш ва рағбатлантиришнинг мукамал механизми ишлаб чиқилмади. Тадбиркорларнинг эмин-эркин фаолият кўрсатишига ҳалақит берувчи ноқонуний текширувлар тўлиқ барҳам топмади. Кейинчалик эътибор кучайтирилди.

6. Ёш оилаларнинг шаклланишига муайян ёшларнинг маълумоти, даромад манбаи, касб-ҳунарга эга эмаслиги, айрим оилалардаги носоғлом муҳитнинг юзага келганлиги, оиладаги ижтимоий-иқтисодий муҳитдан қониқмаслик кабилар ҳам салбий таъсир кўрсатди.

7. Ёшлар муаммоларини ҳал этиш уларни ижтимоий муҳофазалаш борасида ҳам бир қатор муаммолар мавжуд эди, айниқса ёшлар ижтимоий муҳофазасини таъминлаш мақсадида давлат томонидан ажратилган маблағларни ўзлаштириш ҳолатлари содир этилмоқда.

8. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларнинг касб маҳорати ва билими пастлиги рўқач қилиниб, иш берувчилар томонидан ишга олинмаслик ҳолатлари мавжуд.

Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида олиб борилган илмий изланишлар натижасида қуйидаги таклиф ва хулосаларни бериш фикри туғилди.

1. Аҳолини ижтимоий химоялашда тadbиркорлар ва ишбилармонлар фаолиятининг янада самарадорлигига эришиш.

2. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонуннинг 3-моддаси – фуқаролар шаҳарча, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллаларда ўзини-ўзи бошқаришга доир ўз конституциявий ҳуқуқини фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари қафолатларига мувофиқ фуқаролар йиғини орқали амалга оширадилар сўзидан кейин давлат ҳокимият органларининг аралашувига йўл қўйилмайди жумласини киритиш лозим. Фуқаролар йиғинларининг фаолиятини назорат қилишни фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ишини Мувофиқлаштириш Кенгашларига ёки маҳалла жамғармаси зиммасига юклатиш лозим.

3. Фуқаролар йиғинларининг моддий ёрдам ва нафақа тайинлаш комиссияси аъзолигига фуқаролар йиғинига ўтказилган сайловларда адолатли, маҳаллада обрў-эътиборли фуқаролардан сайлаш зарур. Фуқаролар йиғини раислигига кўрсатилган номзодларга маҳалланинг нуфузи, халқ орасидаги ўрни, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини, Ўзбекистон Республикасида руй бераётган янгилиниш ислохотларини аҳолига тўғри етказиш вазифалари юклатилиши лозим.

4. Маҳаллалар фаолиятини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида миллий даромаддан тушадиган маблағнинг 1 фоизини марказлаштирилган ҳолда маҳалла жамғармаларига ўтказиб бериш.

5. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари маҳаллий ҳокимият органлари тизимига кирмаслигини инобатга олган ҳолда, фуқаро йиғинлари ойлик маошларини ҳокимликлардан эмас, балки, марказлаштирилган ҳолда маҳалла ёшлари орқали беришни жорий этиш.

Маҳалла фаолларини сиёсий ҳуқуқий билим ва малакаларини ошириш мақсадида республикада ягона маҳалла ўқув маркази ташкил қилиш.

6. Туман ҳокимликлари томонидан ўз туманларига чет эл технологияларини олиб кириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларини жалб этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва бажарилишини таъминлаш.

Қишлоқ жойларда электр энергияси ва газ таъминотини яхшилаш, бунинг натижасида кичик саноат корхоналарини янада кўпроқ ташкил этиш.

7. Кам таъминланган оилалар, етим-есирлар, ёлғиз кексалар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш борасида давлатимиз томонидан қабул қилинаётган қонунлар ва қарорларнинг бекамў-кўст белгиланган ҳолатда бажарилишини қатъий назорат этиш.

8. Кексаларни, ёши улуг отахон ва онахонларни янада ижтимоий ҳимоялаш ва уларнинг ҳолидан хабар олишни кучайтириш, "ғамхўрлик" гуруҳларининг фаолиятини янада такомиллаштириш.



# ФЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

## I. РАХБАРИЙ АДАБИЁТЛАР

- 1.1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.- Тошкент: Ўзбекистон, 2016.-28 б.
- 1.2. Мирзиёев. Ш. М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент: Ўзбекистон, 2017.-26б.
- 1.3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз.Тошкент:Ўзбекистон, 2017.-488 б.
- 1.4. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.-Тошкент: Ўзбекистон, 1992.-78 б.
- 1.5. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари.Тошкент: Ўзбекистон, 1993.-56 б.
- 1.6. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли.-Тошкент: Ўзбекистон, 1993.-128 б.
- 1.7. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент:“Ўзбекистон”,1995. Т.1.-364 б.
- 1.8. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. Ўзбекистон -1996. Т.2.-380 б.
- 1.9. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.- Тошкент: “Ўзбекистон”, 1996.Т.3. -366 б.
- 1.10. Каримов И.А.Бунёдкорлик йўлидан.-Тошкент: Ўзбекистон, 1996.Т.4. -349 б.
- 1.11. Каримов И.А.Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 1997.Т.5. -384 б.
- 1.12. Каримов И. А.-Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Тошкент: Ўзбекистон, 1998.- 31 б.
- 1.13. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1998.-686 б.
- 1.14. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарорлик тараққиёт йўлида. -Тошкент: Ўзбекистон, 1998. Т.6. – 429 б.
- 1.15. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI асрга интиломда.- Тошкент: Ўзбекистон, 1999.-48 б.

1.16. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз.-Тошкент: Ўзбекистон, 1999. Т. 7. -410 б.

1.17. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз.-Тошкент: Ўзбекистон, 2001. Т.8.-528 б.

1.18. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз.-Тошкент: Ўзбекистон, 2001. Т.9-432 б

1.19. Каримов И.А. Ҳаётимизнинг, тараққиётимизнинг ҳукукий асоси.-Тошкент: Ўзбекистон, 2002.-48 б.

1.20. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашишимиз керак.-Тошкент: Ўзбекистон, 2003. Т.10. -432 б.

1.21. Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. -Тошкент: Ўзбекистон, 2003. Т.11. -320 б.

1.22. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлик ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ.-Тошкент: Ўзбекистон, 2004. Т.12. -400 б.

1.23. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб ҳисоблашар эди.-Тошкент: Ўзбекистон, 2005.-64 б.

1.24. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди.-Тошкент: Ўзбекистон, 2005. Т.13. -448 б.

1.25. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари-олий қадрият.-Тошкент: Ўзбекистон, 2006.-280 б.

1.26. Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш-устувор вазифамиздир.-Тошкент: Ўзбекистон, 2007.-48 б.

1.27. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир.-Тошкент: Ўзбекистон, 2007.-200 б.

1.28. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида.-Тошкент: Ўзбекистон, 2008.-386 б.

1.29. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2008.-174 б.

1.30. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Тошкент: Ўзбекистон, 2009.-40 б.

1.31. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.-Тошкент: Ўзбекистон, 2000.-80 б.

## **II. ҚАРОРЛАР.**

2.1. Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг 18.11.1991 йилдаги №422-ХII Қонуни: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992. №2.

2.2. Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг 13.01.1992 йилдаги № 310. ХII Қонуни: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992. № 4.

2.3. Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг 03.09.1993 йилдаги № 938-ХII Қонуни: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993. № 9.

2.4. Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг 14.04.1999 йилдаги № 754 - I Қонуни: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1999. № 5.

2.5. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг 14.04.1999 йилдаги № 754-I Қонуни: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1999. № 5.

2.6. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг 02.12.2004 йилдаги № 702 - II Қонуни: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005. № 1.

2.7. Ҳомийлик тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 02.05.2007 йилдаги № ЎРҚ-96 Қонуни: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Палаталарининг Ахборотномаси, 2007. № 5.

## **III. АДАБИЁТЛАР.**

3.1. Абдуллаев М., Саттаров М. Тоғлар гавҳари.-Тошкент: Фан, 2001.-128 б.

3.2. Абдуллаева Я. Қорақалпоғистон хотин-қизлари: Кеча ва бугун. XIX асрнинг охири ва XX аср.-Тошкент: Ижод дунёси, 2004.-223 б.

- 3.3. Азимов М. Термиз тарихи (энг қадимги даврлардан XXI аср бошигача) – Насаф, 2001.-183 б.
- 3.4. Алимова Д. История как история, история как наука. 1-том.-Ташкент: Университет, 2004.-179 б.
- 3.5. Байрамларимиз.-Тошкент: Маънавият, 2008.-200 б.
- 3.6. Бегматов А. Маънавият фалсафаси ёхуд Ислом Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши.-Тошкент: Шарқ, 2000.-94 б.
- 3.7. Бекмуродов А., Ғофуров У. Ўзбекистонда иқтисодий ва либераллаштириш ва модернизациялаш: натижалар ва устувор йўналишлар.-Тошкент: 2007.-102 б.
- 3.8. Бердиев Ҳ., Эрматов Ҳ. Сурхондарё тарихидан лавҳалар.-Тошкент: 1991.-70 б.
- 3.9. Бердиев О., Маҳмудов Х. Сурхондарё ўлкаси табиати.-Термиз:“Жайхун”.1998.- 69 б.
- 3.10. Бердиев Х. Биринчи одам вилояти. – Тошкент: Нур, 1991.-79 б.
- 3.11. Бобоев Ҳ., Ғофуров З., Исломов З. Миллий истиқлол мафқураси ва тараққиёт.-Тошкент: Янги аср авлоди, 2001-212 б.
- 3.12. Бобоев Ҳ., Ғофуров З. Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий-маърифий таълимотлар тараққиёти.-Тошкент: Янги аср авлоди, 2001.-479 б.
- 3.13.Гафарли М., Касаев А. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик-тараққиёт асоси.-Тошкент: Ўзбекистон, 2001.-430 б.
- 3.14. Демократик жамият қуришда кучли ижтимоий сиёсат ва адолат.-Тошкент: Ўзбекистон, 2008.-331 б.
- 3.15. Жалилов Ш. Маҳалла янгиланиш даврида.-Тошкент: Меҳнат, 1995.-72 б.
- 3.16. Жарқўрғон тумани - 75 ёшда.-Жарқўрғон, 2001.-40 б.
- 3.17. Жанубий Ўзбекистонда география мактабининг шаклланиши ва ривожланиши.-Термиз: 2006.-115 б.
- 3.18. Жўраев Н. Янгиланишлар концепцияси: яратилиши: эволюцияси ва амалиёти.-Тошкент: “Маънавият”, 2002.- 80 б.
- 3.19. Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари.-Тошкент: Маънавият, 2008.- 464 б.
- 3.20. Иброҳимов А., бошқ. Ватан туйғуси.-Тошкент: Ўзбекистон, 1996.- 439б.

3.21. Ижтимоий ҳимоя йили: мазмун ва моҳият.- Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий Кутубхонаси нашриёти, 2007.- 64 б.

3.22. Левитан Л., Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида Президент Ислом Каримов тарафдорларининг танқидий мулоҳазалари.-Тошкент: Ўзбекистон, 2001.-368 б.

3.23. Маҳмудов Т, Мустақиллик ва маънавият.- Тошкент, Шарқ, 2001.- 160 б.

3.24. Миллий гоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати.- Тошкент: Академия, 2007.- 352 б.

3.25. Мирзаев З., Қобулов Э. Сурхондарёда пахтачилик ва Термиз пахта тозалаш заводи тарихи. -Термиз. 1996.-53 б.

3.26. Муродов М., Қорабоев У., Рустамова Р. Этномаданият.-Тошкент: Адолат, 2003.-197 б.

3.27. Муртазаева Р. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик.-Тошкент: Университет, 2007.-183 б.

3.28. Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп луғат.-Тошкент: Шарқ, 2006.-528 б.

3.29. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1988 г. Статис. ежегодник.-Ташкент: Узбекистан, 1989.- 350 б.

3.30. Отабоев Ш., Ҳидоятлова З. Экология, гигиена ва сихат саломатлик.-Тошкент: Фан, 2007.-332 б.

3.31. Отабоев Ш. Экология, дин ва саломатлик.-Тошкент: Тошкент Ислом университети, 2007.-107 б.

3.32. Отабоев Ш., Турсунов Э., Мўминов Ҳ., Мирзанов Б. Оила, маҳалла, экология ва саломатлик муаммолари.- Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий Кутубхонаси нашриёти, 2008.-100 б.

3.33. Оналик ва болалик – давлат сиёсатининг устувор йўналиши.-Тошкент: 2001.-63 б.

3.34. Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари.-Тошкент: Ўзбекистон, 1999.-380 б.

3.35. Ражабов Б., Исомиддинов С. Ер ости бойликларини излаб.-Тошкент: Шарқ, 2002.-58 б.

3.36. Ртвеладзе Э., Аминов М. Сурхондарё.-Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1996.-220 б.

3.37. Рўзиев А. Сурхондарё вилояти.-Тошкент: Жайхун, 1996.-116 б.



3.38. Саифназаров И. Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият.-Тошкент: Шарқ, 2001.-160 б.

3.39. Саломатлик асослари.-Тошкент: Ношир, 2008.-407 б.

3.40. Сафаров Ш. Термиз ва Термизийлар.-Термиз: Жайхун, 1993.-115 б.

3.41. Содиқова М.Истиклол шароитида қишлоқ маданияти ва жамоат ташкилотлари.-Тошкент: Фан, 2001.-83 б.

3.42. Социальное развитие СССР. 1989. Статист. сборн.-М., Финансы и статистика, 1991.-416 б.

3.43. Сурхондарё вилояти Ўлкашунослик музейига 60 йил.-Термиз: 1993.-38 б.

3.44. Сурхондарё вилояти ҳақида. Қисқача маълумотнома.-Термиз: 1996.-16 б.

3.45. Термиз. Буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва Янги шаҳар.-Тошкент: Шарқ, 2001.-101 б.

3.46. Тожибоева Д.Иқтисодиёт назарияси.-Тошкент, Шарқ, 2003.-416-б.

3.47. Турсунов С., бошқ. Сурхондарё тарихи.-Тошкент: Шарқ, 2004.-605 б.

3.48. Тўраев А. Ўзбекистонда бадиий-эстетик тафаккур эволюцияси.-Тошкент: 2006.-102.

3.49. Тўхлиев Н. Бозорга ўтишнинг машаққатли йўли.-Тошкент, Ўзбекистон, 1999.-75 б.

3.50. Тўхлиев Н., Кременцева А. Ўзбекистон Республикаси: Энциклопедик маълумотнома.-Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2002.-464 б.

3.51. Тўхлиев Н., Ҳақбердиев Қ., ва бошқ. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари.-Тошкент, Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2006.-280-б.

3.52. Тюриков В., Шоғуломов Р. Истиклол йилномаси.-Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001.-624 б.

3.53. Усмонова М. Кексалар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш.-Тошкент: Фан, 1994.-21 б.

3.54. Фуқаролик жамияти ва миллий ғоя.-Тошкент: Академия, 2005.-113 б.

3.55. Халқ ишончи — олий масъулият.-Тошкент: Ўзбекистон, 2000.-44 б.

3.56. Холматова М., Сафаева С. Ўзбекистон: инсон омили ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш.-Тошкент: Ўзбекистон, 2000.-23 б.

3.57. Холмўминов Ж. Бозор иқтисодиёти шароитида табиатни ҳуқуқий экологик муҳофаза қилиш.- Термиз: Жайхун, 1994.-153 б.

3.58. Эргашев А., Отабоев Ш., Шарипов Р., Эргашев Т. Сувнинг инсон ҳаётидаги экологик моҳияти.-Тошкент: Фан, 2009.-351 б.

3.59. Янги Ўзбекистоннинг 7 зафарли йўли.-Тошкент: Шарқ, 1999.-224 б.

3.60. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти.-Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1998.-239 б.

3.61. Ўзбекистонда этнодемографик жараёнлар (халқаро конференция материаллари)-Тошкент: 2005.-208 б.

3.62. Ўзбекистон маданияти ва фуқаролик жамияти.-Тошкент, 2003.-55 б.

3.63. Ўзбекистон тарихининг энг асосий саналари.-Тошкент: Шарқ, 2006.-128 б.

3.64. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида.-Тошкент: Шарқ, 2000.-688 б.

3.65. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Мустақил Ўзбекистон тарихи.- Тошкент: Шарқ, 2000.-560 б.

3.66. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида ёш оилаларнинг ўрни. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2008.-75 б.

3.67. Ўзбекистонда этнотолерантлик-тинчлик гарови.-Тошкент:Фан ва технология, 2008.-160 б.

3.68. Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедик маълумотнома. - Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002.-464 б.

3.69. Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох қилиш йўлида.- Тошкент: Академия, 2005.-639 б.

3.70. Қувватов Н. Ўтиш даври тафаккури.- Тошкент: Маънавият, 2002.-32 б.

3.71.Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Межнациональная толерантность в Узбекистане: история и современность.-Ташкент, Университет, 2004.-С.179.

3.72. Бекмуродов М, Қуронбоев Қ., Тангриев Л. Ҳаракатлар Стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгилашни сари. Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт матбаа уйи, 2017.- 166.

#### IV. ДИССЕРТАЦИЯ ВА АВТОРЕФЕРАТЛАР.

4.1. Раҳимов Б. Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти (“Сурхондарё” вилояти мисолида 1991-2005 й.й.). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.-Тошкент: 2008.-160 б.

4.2. Ўроқова Н. Ўзбекистонда мустақиллик даврида саноат соҳасидаги ислохотлар ва ўзгаришлар жараёни (Жанубий вилоятлар мисолида). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.-Тошкент: 2004.- 156 б.

4.3. Ирисова М. Занятность женщин Узбекистана в условиях перехода и отношениях: автореф. дисс. ... канд.экон. наук. — Ташкент. 1995.23 б.

4.4. Бабажанова Д. Социально-экономические аспекты межнациональных отношений в Узбекистане (70-е-первая половина 80-х гг.).- Автореф. дисс... докт.ист.наук.-Ташкент, 1997-61 б.

4.5. Холиқова Л. Ижтимоий ҳимоя социал-иқтисодий муносабат сифатида: - Иқтисод фан. ном. дисс. автореф.- Тошкент, 1999.-22 б.

4.6. Рахматуллаев Ш. Социально-экономические преобразования в городах Ферганской долины в условиях независимости (1991-1996 гг.): Автореф. дисс. канд.ист.наук.-Ташкент, 2000.- 33 б.

4.7. Тангриев Л. Ёшлар сиёсат субъекти: бандлик муаммоси: -Сиёсий фан...ном.дисс.автореф. 2001.-22 б.

4.8. Қосимова Г.Ижтимоий-маданий соҳаларни ривожлантиришда бюджет сиёсатининг роли: -Иқтисод фан...ном. дисс.автореф.-Тошкент, 2001.-21 б.

4.9. Холбеков А. Ўзбекистонда жамиятнинг демократлашуви жараёнида ижтимоий адолатни амалга ошириш муаммолари. -Социал. фан. ...докт. дисс. автореф.-Тошкент, 2001. 53-б.

4.10. Алимова Г. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижтимоий-маданий инфратузилма ва меҳнатда бандлик муаммолари.- Иқтисод фан. ...номз. дисс. автореф.-Тошкент, 2002.-21 б.

4.11. Норбеков А. Ўзбекистонда ижтимоий кафолат тизимини яратиш муаммолари: сиёсий-социологик таҳлил.- Социал.фан. ...номз.дисс. автореф.-Тошкент, 2004. -32 б.

4.12. Усмонова М. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳимояни ташкил этишнинг фуқаролик ҳуқуқий муаммолари.- Юридик фан. ...докт.дисс. автореф.-Тошкент, 2006.-46 б.

4.13. Аҳмедов Д. Ўзбекистонда давлат ижтимоий ҳимояси: ҳуқуқий асослари ва такомиллаштириш муаммолари.- Юридик фан. ...докт. дисс. автореф.-Тошкент, 2007.-36 б.

4.14. Эркаева Г. Минтақалар ижтимоий - иқтисодий ривожланишининг стратегик йўналишлари (Қашқадарё вилояти мисолида):-Иқтисод фан. ...ном.дисс.автореф.-Тошкент, 2008. -22 б.

## V.АРХИВ МАТЕРИАЛЛАРИ.

5.1. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви: 15-фонд (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги).

5.2. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви: 44-фонд (Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги).

5.3. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви: 13-фонд (Ўзбекистон Республикаси “Қамолот” Ёшлар ижтимоий ҳаракати Қенгаши).

5.4. Қашқадарё вилояти Давлат архиви: 142-фонд (Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош Бошқармаси).

5.5. Сурхондарё вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош Бошқармаси жорий архиви.

5.6. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари “Маҳалла” ва “Нуроний” ёшларининг жорий архивлари.

5.7. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимликларининг жорий архивлари.

5.8. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари статистика бошқармалари жорий архивлари.

## **VI. ДАВЛАТ МАТБУОТ ГАЗЕТАЛАРИ.**

- 6.1. “Халқ сўзи”. 1991-2018 йиллар.
- 6.2. “Ўзбекистон овози”. 1991-2018 йиллар.
- 6.3. “Ишонч”. 1991-2010 йиллар.
- 6.4. “Сурхон тонги”. 1991-2018 йиллар.
- 6.5. “Чағониён” 1991-2010 йиллар.
- 6.6. “Аёл ва замон” 2018 йил 20 февраль.

## **VII. ЖУРНАЛЛАР.**

- 7.1. “Саҳоват”. 2000-2010 йиллар.
- 7.2. “Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари”. 2000-2010 йиллар.
- 7.3. “Жамият ва бошқарув”. 2000-2010 йиллар.

## **VIII. ХОРИЖИЙ МУАЛЛИФЛАР АСАРЛАРИ.**

- 8.1. World Book 20 V USA 1993 – 277-278 p.
- 8.2. Brockhous die Enzyklapadie F.A Brockhous Zeiprig Mannheim 22 band 1996-678-681 p.
- 8.3. Uzbekistan country financial accountability assessment Document Of the World Bank, October 19 ., 2004, Washington, the world Bank, 2004. – 53p.
- 8.4. The status of women and children: Uzbekistan, multiple indicator cluster surbey – UNICEF (The United Nationals Children fund ) N.Y 2001.-81-p.
- 8.5. Saidov A Comparative law: Wildy, Simmonds and Hill, London 2003 – 367-399 p.
- 8.6. Larousse. Paris ceptembre 1979 - 1028 p.
- 8.7. Uzbekistan Energy sector: Jssues, analysis, and agenda for reform/. Rayhuver Sharma, Zoup Brefort, Marat Iskakov, Peter Thomson – Washington: The World Bank, 2003.-42p.
- 8.8. Uzbekistan National Immunization Program: Financing assessment Manila: Asian Development Bank, 2001-69 p.
- 8.9. Uzbekistan Annual report 2000 Highlights, Manila, 2001 - 20,26,27pp.



8.10. Woermann Frieder Economic discourse in Uzbekistan  
The perception of economic change between market Principles  
and social Traditions Frider Woermann Wer Für  
Entwicklungspolitik – Bochum 2000 – 278-p.

8.11. Левитин Леонид Узбекистан на историческим  
повороте: Критические заметки сторонника Президента  
Ислама Каримова Москва Варгиус 2001. - 151-ст.

## **IX. ФОЙДАЛАНИЛГАН ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ.**

[www.gov.uz](http://www.gov.uz)

[www.bilim.uz](http://www.bilim.uz)

[www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)

[www.edu.uz](http://www.edu.uz)

[www.ziyo.edu.uz](http://www.ziyo.edu.uz)

[www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)

[www.performance.edu.uz](http://www.performance.edu.uz)

[www.teuphil.narod.ru](http://www.teuphil.narod.ru)

[www.mintrud.uz](http://www.mintrud.uz)

[www.undp.uz](http://www.undp.uz)

[www.ref.uz](http://www.ref.uz)

[www.mfa.uz](http://www.mfa.uz)

[www.jamiyatgtz.uz](http://www.jamiyatgtz.uz)

[www.uza.uz](http://www.uza.uz)

[www.e-ilm.uz](http://www.e-ilm.uz)

[www.mahalla.intal.uz](http://www.mahalla.intal.uz)

[www.mtrk.uz](http://www.mtrk.uz)

## МУНДАРИЖА

|            |   |
|------------|---|
| Кириш..... | 3 |
|------------|---|

### **I БОБ. Ижтимоий ҳимоя – давлат сиёсатининг асосий тамойили**

|                                                                                                         |    |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| 1.1.Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалалари..... | 7  |
| 1.2.Аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш масалалари.....                                             | 27 |

### **II БОБ. Фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдаги фаолияти**

|                                                                            |    |
|----------------------------------------------------------------------------|----|
| 2.1. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида маҳалланинг ўрни.....              | 49 |
| 2.2. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида “Нуроний” жамғармасининг ўрни..... | 70 |

### **III БОБ. Ижтимоий муҳофаза тизимида тадбиркорлик фаолияти ва ёшлар муаммолари**

|                                                                                             |     |
|---------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| 3.1.Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракатининг ўрни..... | 60  |
| 3.2. Ёшлар ижтимоий муҳофазасини таъминлаш масалалари.....                                  | 109 |
| Хулоса.....                                                                                 | 130 |
| Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.....                                              | 139 |

## ҚАЙДЛАР УЧУН



Фахриддин Ёрматов - 1973 йил 26 февралда Сурхондарё вилояти Ангор туманида туғилган. 1995 йилда Термиз давлат университетининг тарих факультетини тугатган.

2010 йилда “Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими: ҳолати, шаклланиш жараёни ва ривожланиш истиқболлари (1991-2010 йиллар. Жанубий вилоятлар мисолида)”

мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Тарих фанлари номзоди.

Фахриддин Ёрматов юзга яқин илмий-оммабон мақолалар муаллифи.



E-mail: [surxon-nashr@mail.ru](mailto:surxon-nashr@mail.ru)  
Тел: 223-24-74

ISBN: 978-9943-4979-4-8



9 789943 497948